

R 566

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4/2015

Экз.
1



ИСЛОМ КАРИМОВ

ОНА ЮРТИМИЗ
БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БҮЮК
КЕЛЖАГИ ЙУЛИДА
ХИЗМАТ КИЛИШ –
ЭНГ ОЛИЙ САОДАТИР

«ЎЗБЕКИСТОН»





MA'NAVIYATLI XALQ ASLO YENGILMAS

- Озодлик, эркинлик ҳавосидан бир бор тўйиб нафас олган одам ҳеч қачон қулликка кўнмайди, қулликка қайтмайди.
- Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйгуки, у фақат она сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин.
- Умр мазмуни қилинганд эзгу ишлар ва яхшиликлар билан ўлчанади. Эй инсон, ҳаётинг давомида бу бурчинги қандай бажаряпсан, бу дунёда сендан қандай из қоляпти, деган саволларга биз ҳар куни, ҳар дақиқа жавоб излашимиз, хаёлимизнинг бир чеккасида доимо шу масала туриши керак.
- Тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан ўйл тутилиши керак. Сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни заҳарлайди, унинг онгу дунёқарашини чалғитади.
- Минг афсуски, биз буюк инсонларни вақт ўтганидан кейин, улар ҳаётдан кўз юмганидан кейин тан оламиз. Ҳолбуки, уларни тириклигига қадрлашимиз керак.
- Маънавият аслида нима эканини ҳаммамиз чуқур англаб олсак, уни болаларимизга ҳам ўргатсак, биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисларимиз, деган саволларни олдимизга қўйиб, уларга жавоб бериб яшайдиган бўлсак, ҳеч нарсадан қўрқмасак бўлади. Чунки бундай ишонч ва эътиқод билан яшайдиган халқни ҳеч ким енга олмайди.

Президент Ислом КАРИМОВнинг
“Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида
хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобидан олинди.



ТАФАККУР

Тафаккур



ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МА'ННАВИЙ-МА'ЬРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош мухаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят

Муҳиддин РАХИМ
(бош мухаррир ўринбосари)

Сабиржон ЕҚУБОВ
(масъул котиб)

ШОҲСАНАМ
(бўлим мудири)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудири)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ
(бўлим мудири)

Наргиза УСМОНОВА
(техник мухаррир)

Гулнора ФАТТОҲОВА
(мусахих)

Жамоат кенгаши

Ўрзобой АБДУРАХМОНОВ

Дилором АЛИМОВА

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайдиддин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРИШБОЙ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

ИброХим ҲАККУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат
кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигига 0219-рекам билан рўйхатга олинган.

Матбуотлар фойдаланилган мисол, кўчирма ва
маклумотлар аниқлитеч учун муаллифлар жа-
вобаглар.

Журналдан кўчирив босилганда манба кайд
этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кў-
часи, 36-бино

233-10-68
233-79-40
239-46-16

Журнал андозаси таҳририятнинг компьютер
бўйинида тайёрланди.

“Шарқ” наприёт-матбаа акционерлик компанияси
босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-йи.

2015 йил 20 октябрь куни босмахонага тоши-
рилди. Когоғ бичими 70x100 ¼, 6 босма тобок.
4001-буортма. Напр адади 2491 нусха.

tafakkurtahririyati@mail.ru

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Қўёшни тўсив қўйманг! Файласуф олима Шаҳноза
ҚАҲҲОРОВА билан сұхбат.....4

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Мизроб БЎРОНОВ. Истибоддининг умри қисқа.....16



ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Тўлқин АЛИМАРДОНОВ. Шаҳс тақдири – миллат тақдири...20

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Наби ЖАЛОЛИДДИН. Уруш ва тинчлик.....27

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Мансурхон ТОИРОВ. Қора түя ҳикмати.....32

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Ашурали ЖЎРАЕВ. Сўзинг – ўзинг.....44

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

Энэ
№ 1

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Мұхаммад ШАРИФ. "Уолл стрит". Ҳикоя.....48

ҚҰҢГИЛ САЛТАНАТИ

Гулноз МҮМИНОВА. "Ҳар тонг ўзни қақнусдек қайтадан этгум бунёд..."58

МАЬНО ВА МОҲИЯТ

Бахтиёр НАЗАРОВ. Фитрат ва Бунин.....64


МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Оскар УАЙЛЬД. Тақлид – асли эътирофдир.....72



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Машҳура ШЕРАЛИЕВА. Умрзоқ таассуротлар.....76



Жамол УСМОНОВ. "Ҳазонрезги"

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- | | |
|--|----|
| Суҳроб НОРҚУЛОВ. Ижтимоий онгдаги эврилишлар..... | 84 |
| Үлмас РАСУЛОВ. Соҳир оҳанг, соҳир кўй.... | 86 |
| Оқилхон ИБРОҲИМОВ. Сўз ва соз..... | 87 |
| Комила ҲИҚМАТУЛЛАЕВА. Безакларга инган маъно..... | 88 |
| Гулнораҳон ВАЛИХОНОВА. Етти уруг иттифиқи..... | 90 |
| Нойибжон ХУДОЁРОВ. Ҳазон этилган умрлар..... | 92 |
| Матлуба РАҲМОНҚУЛОВА. Китобат санъати-нинг олтин асри..... | 93 |
| Журналнинг инглизча муҳтасар мазмуни..... | 95 |



QUYOSHNI TO'SIB QO'YMANG!

**Файласуф олима Шаҳноза ҚАҲҲОРОВА
билин сүхбат**

– Қанча-қанча сўз санъаткорлари бир фикрни асрлар оша тақрорлаб келган: "Адабиёт инсониятни баҳтили қилишга қодир эмас, аммо унинг баҳтили бўлишига ёрдам бериши тайин". Шаҳноза опа, шу фикрни фалсафага нисбатан ҳам қўллаш мумкинми? Агар қўллаш мумкин бўлса, айтинг-чи, унинг одамзодга кўмаги қай шаклларда намоён бўлади?

– Ҳа, бу фикрни нафақат адабиёт, балки фалсафага нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Маълумки, одам чинакам баҳтга эришмоғи учун, аввало, у ҳақда тўғри тасаввур ва тушунчага эга бўлмоғи зарур. Бундай тасаввур ва тушунчалар эса дастлаб оила, сўнг маҳалла, ниҳоят таълим даргоҳида шаклланади. Фалсафа асосан таълим даргоҳида ўтилажак сабоқлар орқали одамга баҳт моҳиятини англатади. Фалсафа наздида, баҳт нелигини тушунмоқ учун одам аввал ўз-ўзини англамоғи лозим. Шу боис Сукрот фалсафа тонготаридаёқ инсонга қаратади "Ўзингни англа!" дей хитоб этган эди.

Одамзод – фитратан мураккаб хилқат. Унда ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжлар мавжуд. Бу эҳтиёжлар ўртасидаги кураш эса беаёвdir. Агар ушбу “жанг”да моддий эҳтиёжлар ғолиб келса, баҳтни англаш ҳам табиийки, шунга яраша бўлади. Бундай одам наздида, кимки данғиллама уйда яшаса, ҳашаматли машина минса, дабдабали тўй қилса, ўша – баҳтли! Оқибатда у ана шундай “баҳт” ортидан елиб-югуриб, бебаҳо умрини зое кетказади ва сўнгида аччиқ надомат чекади. Зеро, баҳт одамнинг ўз ҳаётидан чуқур қониқиш туюши ва шунинг ортидан бемисл ҳаловат топишидир. Моддий неъматлар эса ана шу икки ноёб ҳиссиятни тугал баҳш этолмайди. Сабаби – улар бебақо, омонат!



Таассуфки, ҳатто XXI асрда ҳам баҳтни моддий эҳтиёжларнигина қондириш деб билувчи одамлар кўпчиликни ташкил этади. Бунинг асосий боиси – XX аср кишисининг материалистик (моддийончилик) мағкураси остида таълим-тарбия топганидир. Аслида-ку, материализм кишилик жамияти тарихидаги тасодифий ҳам, зарарли ҳам дунёқараш эмас. У таркидунёчиликни ёқловчи ўрта асрлар мағкурасига мухолиф ўлароқ юзага келди ва унга қарши курашда ўткир курол бўлди. Аммо материализмга ортиқча баҳо бериб юборилдики, оқибатда кишилар онгига нораво қарашлар илдиз олди. Бугун ушбу дунёқарашга асосланган мағкура гарчи таназзулга юз тутган бўлса-да, лекин унинг асоратлари ҳали-ҳануз жамиятимизни тарк этгани йўқ.

Шу боис ҳам фалсафа одамдаги ботиний курашда маънавий эҳтиёжлар ғолиб келишини ёқлади. Ахир, сопол хум ичиди яшаган синоплик Диоген салкам бутун дунёни фатҳ этган македониялик Александрнинг “Тила тилагингни!” деган марҳаматига жавобан “Нари турсанг бўлди, офтобни тўсиб қўйдинг” дегани ёки умрини Кошғардиёрию Ҳинд юрти оралиғида дарбадар кечирган дарвешлар шоҳи – Бобораҳим Машрабнинг қирқ ямоқ хирқасини кимхоб тўнга алмашмагани ибрат йўсинида бежиз нақл қилинмайди. Аммо маънавий эҳтиёжлар ҳам бир қанча бўлиб, улар ўртасидаям мудом кураш кечади. Кўпинча бу эҳтиёжлардан бири ғолиб келиб, бошқалари таслим бўлади. Ваҳоланки, бундай аҳволни ҳам асло маъқуллаб бўлмайди. Чунки одамда барча маънавий эҳтиёжлар – хоҳ ҳиссий, хоҳ ақлий, хоҳ руҳий бўлсин, тенг ва уйғун ривож топмоғи лозим. Илло, ўзида шундай мутаносибликни ярата олган кишигина чинакам комил инсондир. Президент Ислом Каримов “юксак маънавият” тушунчасига, менимча, ана шундай маъноююклаган. Тарихга назар солсак, Суқрот, Афлотун, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби кўплаб шундай комил инсонларни кўрамиз. Улар ўз шахсияти ва фаолияти билан

бахт излаган одамзодга ҳамон тўғри йўл кўрсатиб, жамият ҳаётини ҳам мақбул изга солиб келаётир.

Демак, ёш авлод тарбиясига масъул таълим тизими ўғил-қизларни ҳам ҳиссий, ҳам ақлий, ҳам руҳий чиниқтириш, яъни уларда юксак маънавиятни шакллантириш учун хизмат қилмоғи лозим. Шунда ҳеч ким сохта бахтга интилиб, эгри йўлларга кириб кетмайди, оилаю жамиятда ҳам тинчлик, тотувлик, барқарорлик ҳукм суради.

Бугун дунё таълим тизимида кузатилаётган глобал таназзулнинг бош сабаби жамиятни тўғри йўлга етакловчи оқилона мафкуранинг йўқлигидир. Ҳар қандай мафкура, тарихдан аёнки, бирор пойдеворий дунёқараш негизида қад ростлайди. Масалан, башарият тамаддунининг турли босқичларида мифологик, диний, фалсафий ва илмий (яъни фан ютуқларига таянган материалистик) дунёқарашлар галма-гал ана шундай тагзамин вазифасини адо этган. Инсоният цивилизациясининг сўнгги босқичи – XIX-XX асрларда Ер юзида табиатшунослик ва техника фанларига таянувчи илмий-материалистик дунёқарашга асосланган мафкура ҳукмрон бўлди. Қаранг, Фарб дунёси ва шўро жамияти мафкуралари ўзаро кескин фарқ этса-да, улар асосидаги дунёқараш аслида бир эди. (Бу ҳол мафкуранинг нисбий мустақилликка эгалиги ва бир дунёқарашга турлича ёндашиш мумкинлигини тасдиқлайди.)

Илмий-материалистик дунёқараш инқирозга юз тутиши билан унинг устида қад ростлаган мафкуралар ҳам таназзулга дучор бўлди. Мафкуралар таназзули эса Ер юзида аввал маънавий, сўнг экологик, иқтисодий, сиёсий бухронларни келтириб чиқарди. Хуллас, бугун инсоният тараққиётда боши берк кўчага кириб қолган бўлиб, уни бу вазиятдан олиб чиқишнинг, менимча, фақат икки йўли бор: биринчиси – ўтмиш дунёқарашларидан биронтасига қайтиш, иккинчиси – янги дунёқарашни шакллантириш. Табиийки, биринчи йўл ўтмиш дунёқарашларидан қай бирини танлаш масаласини ўртага қўяди. Бу масалада эса яқдил тўхтам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ўтмиш дунёқарашларидан бирини танлаб, унинг асосида ислоҳотлар қилиш бугунги глобаллашув ва демократлашув шароитида нафақат қийин, ҳатто иложсиз. Масалан, ислом динини ана шундай дунёқараш деб олсак, унда бир-бирига қарама-қарши мазҳаб ва оқимлар бир талай. Бошқа динларда ҳам аҳвол худди шундай.

Фалсафа соҳасида ҳам вазият бундан дуруст эмас. Чунки илмий-материалистик дунёқараш инқирозидан кейинги ҳолатни баҳолашнинг ўзида икки муҳолиф нуқтаи назар мавжуд. Бир гуруҳ файласуфлар ҳозирги вазиятга концепциялар хаоси (яъни ҳеч қандай қонуниятга асосланмаган, тартибсиз қалашиб ётган қарашлар хилма-хиллиги) деб қараётган бўлса, яна бир гуруҳ файласуфлар демократиянинг ўзак қадриятлари сирасига кирувчи плорализм деб

ёндашмоқда. Менимча, дастлабки гурухга мансуб файласуфлар ҳақ. Сабаби – бугун Ғарбда шаклланиб, урға айланган постмодернизм фалсафа-адабиёт ва фандан ўз ҳоҳишича юлиб олган "парча"лардан ҳосил бўлган қуроқдир, холос. "Оммавий маданият" бизга айни шу манбадан тарқалаётir.

Шукурки, инсоният баҳтига, сифат жиҳатдан янги, етук дунёқарашни кашф этган мутафаккирлар ҳам бор. Улар нуқтаи назарини муҳтасар тарзда бундай баён этиш мумкин. Бир дунёқараш ўз ўрнини бошқасига бўшшатар экан, аслида, бутқул яроқсизга айланмайди, балки ўзидан аввалгию кейингиси билан яхлитлик ҳосил қиласди. Аммо кишилик тарихида ҳар гал оммавий онг янги дунёқарашни қабул қилиш асносида эскисини рад этган. Бугун инсоният ана шу фожиавий хатосини тузатиш, яъни дунёқарашнинг барча тарихий шаклларини синтезлаш босқичида турибди.

ХХ аср ўрталарида Одам авлоди, ниҳоят, илмий, фалсафий, диний ва мифологик дунёқарашлар орасидаги чегара нисбийлиги ва улар, аслида, бир-бирини тўлдиришини англаб етди. Альберт Эйнштейннинг фан динсиз тўлиқ ҳақиқат бўлолмаслиги, дин эса фансиж оламни аниқ ва аслидек кўролмаслиги ёхуд Вернер Гейзенбергнинг табиатшунослик фанлари "шароб"идан бир қултум тотган одам даҳрийга айланиши, бироқ косани тубигача сипқорган киши Худони топиши ҳақида билдирган фикрлари бунинг яққол тасдиғидир.

Халқаро назарий ва амалий физика институти директори, Россия Табиатшунослик фанлари академияси академиги Анатолий Акимов фикрича, Оламни билишнинг икки йўли мавжуд: биринчиси – Ғарб йўли бўлиб, унда билим исбот этиш ва тажриба ўтказиш воситасида ҳосил қилинади; иккинчиси эса – Шарқ йўли бўлиб, унда билим эзотерик усул, яъни медитация ҳолатида юзага келтирилади. "Таассуфки, – дея фикр юритади олим, – Шарқ йўли унутилиб, Ғарб йўли ривожланди. Ҳолбуки, иккинчи йўл ҳақиқатга жуда секин ва қийин олиб борувчи йўл эди. Шу тариқа, биз минг йил Ғарб йўлидан юриб, Шарқда уч минг йил аввал эгалланган билимга етиб келдик..."

Бугун мазкур икки йўлни синтезлашга мойиллик кучаяётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу тамойилга кўра, Ҳақиқат манбаи (Ҳақ), аслида, якка-ягонадир (Аҳад). Шу жиҳатдан, мифология ҳам, дин ҳам, фалсафяни фан ҳам ягона илмнинг турли шакллариdir, холос.

Хуллас, инсониятга баҳтга эришмоқнинг тўғри йўлини кўрсатувчи дунёқараш, мафкура ва ниҳоят таълим тизимиши шакллантириш – бугунги қундаги энг долзарб, айни чоқда, ғоят мушқул ва нозик масаладир. Унинг долзарблиги – маънавий таназзулнинг глобал миқёс касб этгани, қийинлиги – ҳарёқлама ўрганишни тақозо этиши, нозиклиги – халқ ва ватан келажаги билан боғлиқлиги, бинобарин, файласуфу сиёsatчилар зиммасига катта масъулият юклашидадир.

Энди нигоҳни ёш авлодга баҳт йўлини кўрсатишнинг назарий жиҳатидан амалий жиҳатига қаратсак. Шу ўринда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби ғояларини ҳаётга татбиқ этишдаги нўноқлигимиз ҳақида тўхталсан. Тўғриси, мен ушбу асар таълим-тарбия мазмунида туб сифат ўзгариши ясашига қаттиқ ишонган эдим. Лекин, таассуфки, бундай бўлмади. Бунга илк сабаб шуки, дастурий аҳамиятга молик китоб ғоялари гарчи кенг тарғиб этилган бўлса-да, асосий эътибор сифатга эмас, сонга қаратилди. Оқибатда, баъзи эпчил илмфурушларнинг чапараста цитатабозлиги ҳаммаёқни босиб кетди. Унда кўтарилиган муаммолар ечимиға доир назарий хулоса ва оқилона амалий таклифлар эса жуда оз бўлди, янада таассуфлиси, шулар ҳам назардан четда қолди. Иккинчи сабаб эса, бугун ўқитувчи-тарбиячилар бюрократизм, комиссиябозлик ва қоғозбозликлар “юқ”и остида эзилиб қолгани билан боғлиқдир. Ана шу иллатлар устоз-мураббийларни ёш авлодга юксак маънавият ва чуқур билимни сингдиришдек ўз асл юмуши билан шуғулланишига халақит бераётir. Шундай бир шароитда таълим-тарбия тизими ёш авлодга баҳт нималигини англатиши мумкинми, ахир?

– Мени бир савол кўпдан бери безовта қиласди: дунё фалсафи тафаккури дурданаларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёни нега бу қадар суст? Таажжубки, ўрта асрлар ислом маданияти таълабларига кўра араб тилида ижод қилган миллий фалсафамиз асосчилари – Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино меросининг ҳам озгина улуши она тилимизга ўғирилган, холос. Тан олинг, бугун юртимизда фалсафа илми жадал ривоже топишига тўсиқ бўлаётган омиллардан бири ҳам аслида шу оқсоқлиkdir! Сизнингча, ана шундай салбий ҳолат илдизлари қаерда? Айни вазиятдан чиқиш йўллари-чи, улар қандайд?

– Ҳа, бу чиндан ҳам жуда катта нуқсонимиз. Айниқса, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино асрлари таржимаси энг дардли нуқтадаримиздан. Шу дамда таниқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Инсон руҳи ўзи яшаб турган замин руҳи билан бирлашсагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади”, деган ажойиб фикри ёдимга тушди. Замин руҳи билан бирлашиш учун эса, аввало, шу руҳ акс этган фалсафий, адабий ва ҳоказо мерос бағрига дадил кирмоқ зарур. Юртбошимиз таъкидлаганидек, айни мерос бағрига кириш ундаги ноёб ғояларга эҳтиромдан бошланади.

Фалсафий меросимизнинг ноёб ғояларига барчада эҳтиром уйғотиш учун биз – файласуфлар уларни аввал ўзимиз обдон англаб етишимиз, сўнг бошқалар ҳам тушуниб олишигá кўмаклашишимиз зарур. Айни чоқда, миллий фалсафий мерос билангина чекланиб

қолмай, жаҳон фалсафаси дурдоналарини ҳам тадқиқу таржима қилиб, халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришимиз даркор.

Турган гапки, бу жараён катта заҳмат талаб этади. Фикримни юзакироқ бўлса-да далиллаш учун, масалан, шўро даврида аксиома тусини олган “Форобий Арастунинг шарҳчиси ва давомчиси сифатида “Иккинчи муаллим” номини олган”, деган таърифни кўриб чиқайлик. Бир қарашда мақтov каби туюладиган бу фикр, аслида, Форобийдек алломани камситишдан бўлак нарса эмас. Чунки у Арасту таълимотини шунчаки шарҳлаб қолмай, янги давр маданияти нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқиб, иккинчи ҳаёт бахш этган аллома эди.

Ваҳоланки, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд қаламига мансуб шарҳларнинг ўзиёқ Ренессансдан кейинги даврда жаҳон, чунончи, Оврупо фалсафий маданияти ривожида беқиёс ўрин туттган. Буни Ғарб мутафаккирларининг ўзи ҳам холисанлилло тан олади. Масалан, француз фалсафа тарихчиси Александр Койре “Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушдлар лотин Ғарбининг устодлари ва мураббийлари бўлган эди, – деб ёзди. – Зеро, – дея давом этади у, – Арастуни тушуниш учун, аксар классик филологлар ҳисоблаганидек, қадимги юон тилини билишининг ўзи кифоя қилмас эди...” Бундан, агар шу шарҳлар бўлмаганида, Ғарб дунёси узоқ вақт фалсафий маданиятдан бебаҳра қолар эди, деган хулоса чиқади.

Форобий ва Ибн Сино фалсафаси таржимасидаги оқсоқликнинг шўро даври билан алоқадор сиёсий сабаблари бор. Маълумки, у даврда биргина марксча-ленинча фалсафа яшаш хуқуқига эга бўлиб, мазкур фалсафани эгаллаш учун эса унинг уч классиги асарларини ўзлаштириш кифоя қилар эди. Шунга кўра, Маркс, Энгельс ва Ленин асарлари ўзбек тилига тўлиқ ағдарилиб, қайта-қайта чоп этилган. Бинобарин, фалсафада таржима муаммоси мустақиллик даврига келибгина рўй-рост бўй кўрсатди – инсоният кўп асрлар мобайнида тўплаган ҳикмат илмини бус-бутун ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бироқ ўша шўро даврида ҳам Иброҳим Мўминов, Музаффар Хайруллаев, Абдусодик Ирисов, Саъдулла Йўлдошев, Миржалол Усмонов каби фидойи олимларимиз, яккаҳоким мафкура таъқибига қарамай, миллий фалсафий меросимиз ва жаҳон фалсафаси дурдоналаридан бир қанчасини беминнат ўрганишу ўзбекчага ағдаришга журъат этганини ёддан чиқармаслик керак. Аммо бу – денгиздан томчи эди, холос.

Таржима бобидаги оқсоқликнинг, бундан ташқари, назарий ва амалий сабаблари ҳам бор. Гап шундаки, Форобий, Ибн Синодек файласуфлар асарларини аслига монанд ўгириш учун араб тили таржимонлик маҳоратини пухта эгаллаш кифоя эмас. Бу ишга жазм қилган киши айни чоқда етук файласуф ҳам бўлиши даркор. Чунки Форобию Ибн Синолар илгари сурган гояларни ҳар қандай файла-

суф ҳам осон тушуниб етавермайди. Чунки улар илмий материализм, айниқса, марксизм-ленинизм фалсафасидан анча юқори онг савиясида ижод қылган.

Ушбу фикримни асослаш учун фалсафий билиш усулларини бир күр эсга солсам. Маълумки, бундай усуллар сони учта – мантиқ ёки мантиқий фикрлаш, диалектика ёки диалектик тафаккур ва ниҳоят, трансценденция ёки интуитив фикрлаш.

Фалсафий таълимотлар юзага келишида, гарчи мантиқ ва диалектика ҳам зарур бўлса-да, улар қуиي поғона вазифасини бажаради, холос, юқори поғонани эса трансценденция эгаллайди. Трансценденция – файласуфнинг ғоят юксак фикрлаш салоҳиятидан далолат бўлиб, у барчага ҳам насиб этавермайди. Ҳатто Арастудек мутафаккирда ҳам мантиқ ва диалектика кучли бўлса-да, интуиция борлиги кузатилмаган. (Аммо шуни ҳам илова қылмоқ жоизки, бу ҳол Арас-тунинг юксак обрўсига асло путур етказмайди. Зоро, унинг обрўси ўзигача бўлган юонон фалсафаси, айниқса, устози Афлотун ғоялари ни мантиқ ва диалектика асосида ягона тизимга сола билгани ва антик юонон фалсафаси қомусини инсониятга ёдгорлик қилиб қолдира олганидадир.)

Форобий ва Ибн Сино ҳақидаги манбаларда уларнинг трансцендентал тафаккур иқтидорига эга бўлганини тасдиқловчи кўплаб маълумотлар бор. Бундан эса улар илгари сурган ғоялар нақадар тे-ран ва мураккаб, бу ғояларни тушуниш ҳамда ўгириш нақадар оғир ва серзаҳмат эканини билиб олиш мумкин.

Икки забардаст аллома фалсафасини чуқур англаш ва равон ўгиришда XX аср ўрталарида Оврупо ва Америкада вужудга келган герменевтика фани бизга кўмак бериши мумкин. Чунки бу фан мантиқ билан трансценденция орасида кўприк бўлишни кўзлади. Марксча-ленинча фалсафа трансценденцияча диалектикамага зид усул (яъни метафизика ёки мистика) деб қарагани сабаб, шўро даврида герменевтика Ўзбекистонда ривож топмади. Ушбу омил бугун ўзбек олимлари кўпгина фалсафий таълимотларни етарли англаёлмаётгани сабабини ҳам кўрсатиб беради.

Форобий ва Ибн Сино фалсафасини тадқиқу таржима қилишда герменевтикамага доир илғор хориж тажрибасига мурожаат этмай илож йўқ. Бироқ шуниси ҳам борки, хориж герменевтикаси миллий маънавиятимизга мўлжалланмаган. Шу боис унга тўғридан-тўғри ёндашсак, “заминимиз руҳи”ни йўқотишимиш аниқ. Демак, хориж тажрибасини миллий маданиятимиз чиғириғидан ўтказиб қабул қилишимиз ва тараққий эттиришимиз лозим.

Бироқ таълим тизимидағи баъзи салбий тенденциялар бу борада бутун умидимизни чиппакка чиқараётир. Гап шундаки, биз файласуф-педагоглар бугун талабаларни энг муҳим фалсафий таъли-

мотлар билан батафсил таништириш эмас, ҳатто уларнинг асосий ғояларини шунчаки санаб бериш имкониятидан ҳам маҳруммиз. Сабаби – олий таълим тизимининг биринчи ижтимоий-гуманитар фанлар блоки таркибига кирувчи фалсафага ажратилган дарс (этика ва эстетика ҳам қўшиб ҳисобланганда) 36 соатдан ортмайди. Хўш, бу ҳолда транценденция-ку, майли, ҳатто мантиқни ҳам эгаллаб олмаган, оқибатда эса мустақил фикрга эга бўлмаган заиф кадрлар этишиб чиқмайдими?! Ёш авлоднинг ҳар хил зарарли ғояларга мутеларча эргашиб кетиши учун кенг йўл очилмайдими?! Бу ҳол Юртбoshimizning фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасидаги даъватига нечоғли ҳамоҳанг дейсиз?!

ЎзФАНИНГ Фалсафа ва ҳукуқ институти тугатилиши ва ЎзМУНИНГ фалсафа факультетида штатлар қисқариши оқибатида чинакам илмий изланишларга қодир файласуфлар сони камайди. Агар пенсионерлар сафига қўшилган файласуфлар ҳам таржима ишига жалб этилса, бир нави янги авлод шакллангунга қадар вақтдан, менимча, ютиш мумкин бўлар эди. Бироқ шунда ҳам бир талай муаммолар долзарблигича қолаверади. Мутаржимлар меҳнатига ҳақ тўлаш меъёrlариниadolatli қайта кўриб чиқиш, нашриётларни уларнинг ўгирмаларини китоб ҳолида чоп этишга рағбатлантириш, тобора йўқолиб бораётган таржима танқидчилигини тиклаш ана шундай муаммолар сирасига киради.

Хуллас, миллий фалсафий меросимиз ва жаҳон фалсафаси дурданаларини таржима қилишдаги муаммоларимиз бир талай ва ғоят чигал. Бироқ таржима ишини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам асло тўғри эмас. Чунки бундай муносабат, шак-шубҳасиз, маънавий ўпирилишларга олиб боради.

– Бир ёқда ўрмонларга ўт кетса, бошқа ёқда шаҳарларни сув ола-ёттир. Бир ёқда терроризм жазавага минса, бошқа ёқда уруш ваҳшат солаёттир. Бир ёқда бедаво вирус мўр-малаҳдек ёнирилса, бошқа ёқда гейпарадлар кўчаларни тўлдираёттир... Хуллас, инсоният ҳаёти бугун ҳар қачонгидан ҳам омонат, назаримда. Улуғ рус адаби ва мутаффакири Лев Толстой “Биз қулфат деб атаган нарсаларнинг ҳаммаси аслида ўз хатоларимиздир”, деган эди бир вақтлар. Агар шу гап ҳақ бўлса, айтинг-чи, бугун бошимизга пайдарпай ёғилаётган беҳисоб балолар қандай хатоларимиз “мева”си? Инсоният аччиқ тажрибалар оша ана шу хатоларни тузатмоққа қодирми?

– Лев Толстой жуда тўғри айтган, буларнинг барчаси инсоният йўл қўйган хато ва адашувлар оқибатидир. Аммо буюк ёзувчи шу фикрни айтган вақтда инсониятнинг хатолари бугунгидек кўп, ҳаёт ҳам бугунгидек омонат эмас эди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб

фан ва техника ролига ортиқча баҳо беріб юборилғани мудхиш хато бўлди ва у бир миллат ёки қитъани эмас, бутун дунёни жар ёқасиға келтириб кўйди. Табиатни ўзлаштириш ва ундан фойдаланишини, яъни аксар моддий эҳтиёжлар қондирилишини назарда тутувчи илмий-материалистик дунёқараш яроқсиз эканини намоён қилди. Бунинг касри эса бугун Ер юзини буткул қоплаган глобал инқизозлар шаклида инсониятга улкан хавф солаётир.

Аслида-ку, инсоният табиатни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш учун илмий ва техникавий тафаккурға суюниши табиий ҳол. Шу сабаб буни тафаккур ривожидаги ижобий аҳамиятга молик ва тарихан муқаррар жараён, дейиш ҳам мумкин. Аммо ана шу жараёндаги меъёрсизлик аввало инсоният бешиги бўлган табиатда мувозанатни бузди, сўнг эса жамият ва руҳиятда ҳам қалтис вазиятни юзага келтирди. Ваҳоланки, бир вақтлар Суқротдан “Фалсафа нима?” деб сўраганларида, “Меъёрни билиш илми!” деб жавоб берган экан. Ажабки, оддий уй бекаси ҳам агар овқатга тузни кўп солса, оқибати не бўлишини билади, аммо зукко олимлар фан ва техника ривожидаги ўзбoshimchалик табиат, жамият ва инсон руҳига зуғум эканини узоқ вақт пайқамай, пайқаса ҳам тан олмай келди. Афсуски, ҳозирги қалтис вазиятни юзага келтирган фан арбоблари ва уларга кенг йўл очган сиёsatчилар энди вайронкорлик ғилдирагини тўхтатолмай гаранг – бу аччиқ ҳақиқатни ўзлари ҳам ноилож тан олаётир.

Ўтмиш хатоларини ақлнинг ўзига суюнибгина тузатиш имконсиздир. Чунки фан ақлдан юксак турувчи ҳикматни англашга қодир эмас. Шу боис у инсон ҳаётини моддий тўқис этишда, гарчи меъёрни бузатётганини билса ҳам, барибир, ўзини тўхтата олмайди, олдинга қараб интилаверади. Чунки тўхташ – унинг учун ўлим демак. Асл фалсафа, ҳикмат илмигина меъёрни наинки билади, балки уни бузишдан тийилиш йўлини ҳам кўрсатади. Тарих гувоҳлик беришича, кўп асрлар бурун Хитойда порох ихтиро этилган, лекин у дарҳол йўқотилган экан. Албатта, порох одамзод бошига оғир кулфатлар солиши қалбан туюлгани учун ҳам шундай қилинган!

Энди терроризм жазаваси, уруш ваҳшати, гейпарадлар каби ижтимоий иллатларга келсак, булар ҳам ҳозирги цивилизация ялпи инқизозга юз тутганидан бир далолатdir. Уларнинг касофати замираидаги ҳам, боя айтилганидек, илмий-материалистик дунёқараш ва унга таянган мафкура таназзули ётади. Тўғри, террор, уруш ва ахлоқсизликлар бу дунёқараш ва мафкура хукмрон бўлмасдан олдин ҳам мавжуд эди. Бироқ шуни ёдда тутмоқ ҳам жоизки, улар ҳеч қаҷон бугунгидек кескин, оммавий ва кўламдор бўлмаган.

Ҳозир глобаллашув тарафдорлари оламшумул ҳалокат олдини олмоқ учун Ер юзидаги барча мамлакатлар сифат жиҳатидан янги, ягона ва уйғун бирликка эришиши зарур, деган ғояни илгари сурмоқда.

Умуман, бу нотўғри фикр эмас. Бироқ масаланинг жуда нозик бир жиҳати бор: ушбу ўйғунлик кимлар томонидан, қандай усулда, қайси мафкурага кўра амалга оширилади? Глобаллашув ғояси асосида ривожланган мамлакатлар манфаатинигина қўзловчи сиёсий мақсад ётмаганига ким кафолат беради?!

Умуман, инсоният ўтмиш хатоларини англаб, уларни тузатиши учун сўнгги муҳлат етиб келди. Энди у мантиқий фикрловчи "ақлли инсон"дан интуитив фикрловчи "трансцендент инсон"га эврилмоғи зарур. Шу боис ҳозир сайёрамиз ахолисининг катта қисмида трансценденция қобилияти шаклланиши кутилмоқда. Агар инсоният шу маррага ета олса, ўзини ҳалокатдан қутқариши мумкин, деган қарашлар илгари сурилаётir.

- Инглиз адаби Оскар Уайлъдан "Энг ёмон иллат, сизнингча, нима?" деб сўрашганда, "Саёзлик, юзакилик!" деб жавоб берган экан. Бугунги илм-фанимиз, чунончи, фалсафамизда ҳам саёзлик, юзакилик урчib бораётгандек туюлади. Таксасига чидасангиз, мақолангизни босадиган газета-журнал бисёр. Ақласини кўтарсангиз, китобингизни чоп этидиган нашриёт-босмахона ҳам! Аслида, бу – саёзлик, юзакиликнинг биргина сабаби, холос. Сизнингча, ушбу маънавий иллатнинг бошқа яна қандай сабаблари бор ва унга қарши қандай усуллар билан самарали қурашмоқ мумкин?

- Саёзлик, юзакилик ҳам, аслида, инсоният бугун ўз маънавий тадрижида боши берк кўчага кириб қолганидан далолат. Унинг бундай аҳволга тушиб қолиш сабаби эса, яна такрор айтаман, жамият ҳаётини тўғри йўлга солиш имконини берувчи мафкуранинг йўқлигидадир. Бу кетища дунё ҳамжамияти тақдирни "оммавий маданият" мафкураси қўлига ўтиб қолмасмикан, деган кўрқинч-ҳадик ҳам йўқ эмас. Оқибатда эса, ўзингиз гувоҳлик бериб турганингиздек, таксасига чидаганнинг саёз мақоласи газета-журналларда босилаверади, ақласини кўтарганинг бўшгина китоби ҳам нашриёт-босмахоналарда чоп этилаверади. Чунки биз, кўп ҳолларда, моддий жиҳатдан юксак ривожланган, аммо маънавий жиҳатдан чукур инқирозга юз туттган Farbdan кўр-кўронга нусха кўчирмоқдамиз. Шуниси алам қиласуки, саёз, юзаки фикрларга кўниши жараёни ноёб, теран фикрлар қадрининг пасайиши жараёни билан бирга кечаётir.

Менимча, дунёкарашдаги бўшлиқни тўлдириш учун бугун бизга Афлотун, Форобий, Кант, Навоий ғоялари қатори, улар билан бўйлаша олувчи замонавий мутафаккирлар таълимоти ҳам сув билан ҳаводек зарур. Бундай таълимотлар эса, шукурки, йўқ эмас. Улар Farbda ҳам, Шарқда ҳам шаклланмоқда. Farb ва Шарқ маънавиятини синтезлаган ҳинд файласуфи Ауробиндо Гхош таълимотини шулардан бири сифатида тилга олиш мумкин.

Фарбда ҳам XX аср интиҳосидан бошлаб шунга яқин ғояларни олға сурәттеган таълимотлар шаклланмоқда. Аммо Фарбда демократия, плюрализм ниқоби остида жамият ҳаётига суқилиб кирган постмодерн хаоси улар йўлига тўсиқ бўлаётгани ачинарлидир. Демократик сиёсат уларни қўллаб-қувватлашга ё ожизлик қилмоқда, ё бетараф қолмоқда. Ваҳоланки, чин фалсафа оммавий эмас, элитар ҳодиса ҳисобланади. У сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланмаса, демократик, аниқроғи, саёз кўпчилик тазиيқи остида қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Сир эмас, демократия мафкурага, демакки, цензурага ўрин қолдирмайди. Айни чоқда, унинг зидди бўлган тоталитаризм эса жамиятнинг маънавий тараққиётига бўғов солади. Чунки у мафкура асоси бўлмиш дунёқарашнинг эркин ривожланишига йўл қўймайди. Демак, бу борада ҳам Суқрот таъкидлаган ўша меъёр қоидаси ниҳоятда зарур экан.

Илм-фан, чунончи, фалсафада саёзлик, юзакилик урчиб бораёттаганининг бошқа сабаблари ҳам бор, албатта. Биринчидан, юртимизда ҳатто шўро даврида ҳам ҳар бир фан бўйича нуфузли илмий мактаблар мавжуд эди. Илмга фидойилик ва ҳалоллик билан ёндашишни тарбияловчи бундай ўчоқлар, афсуски, қарийб барҳам топиб кетди. Иккинчидан, сўнгги йилларда каръера учунгина ўзини фанга урганлар сони кўпайди. "Илмфуруш"лар уларга арzon-гаров даллоллик ёки мардикорлик қилаётгани бунга кенг йўл очди. Учинчидан, бугун илмий ахборот миқдори бемисл ортиб, уни назорат этиш қийинлашди. Бу эса буюк кашфиётлар қилишни эмас, атиги рейтингни кўтаришни кўзлаб ёзилган хом-хатала "тадқиқот"лар туғилишига сабаб бўлаёттир. Сон эмас, сифат муҳим. Бу талаб бошқа соҳалардан кўра ҳам илм-фанга кўпроқ тааллуқлидир.

– Навбатдаги саволни ҳам иқтибосдан бошламоқчиман. (Бу борада меъёрни сал бузаттеганим учун узр!) Француз адаби ва файласуфи Альбер Камю бир эссесида салафлар бисотидан "Агар одам ўз-ўзига содиқ қолса, ҳамма нарса у билан ҳисоблашишга мажбур: давлат ҳам, жамият ҳам, ҳатто қуёш, ой ва юлдузлар ҳам!" деган фикрни тилга олади. Андак муболағадор-у, аммо ҳаққоний гап, шундай эмасми? Шаҳноза опа, инсоннинг, айниқса, зиёлининг ўз-ўзига содиқ қолиши деганда сиз нимани тушунасиз?

– Бу саволга жавоб ҳам боя айтган фикрларим замирида бор. Камю келтирган фикр аслида фақат ўзлигини, яъни ўз "мен"ини топа олган инсонга тааллуқлидир. Зоро, ўзлигини, ўз "мен"ини топган инсонигина, фалсафа нуқтаи назарича, борлиқ замиридаги умумий пойдеворий қонуниятларни, дин нуқтаи назарича, Парвардигорнинг изниродасини, яъни қандай ишлар жоизу қандай ишлар ножоизлиги ни англайди ва хулқ-атворини ана шу ақидага мувофиқлаштиради.

Зеро, Худо иродаси ёки борлиқ қонуниятлари олам ва одамга доир барча жараёнларни идора этувчи низомдир. Демак, ушбу низомдан воқиф киши, яъни комил инсон табиий-ижтимоий-руҳий жараёнларда мустақил ва фаол иштирок эта олади.

Ўзликни англаш учун эса, такрор бўлса ҳам айтай, мантиқий тафакурнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун аввал диалектик, сўнгра трансцендентал тафаккур поғоналарига ҳам кўтарилимоқ лозим. (Маънавий тадрижнинг бундан юқори поғоналари ҳам бор, зеро, эволюция жараёнининг адоги йўқ!)


Комил инсонлар, валий зотлар, гарчи катта заҳматлар эвазига бўлса-да, биргина сакраш билан эришган мавқега, инсоният ўз тадрижининг жуда узоқ даври – масалан, аввал сезгиси, кейин ҳиссиёти, ундан сўнг тафаккури ва ниҳоят, интуициясини ривожлантириш поғоналарини бирма-бир босиб ўтиш, айни чоқда, улар билан ёнма-ён юрувчи буҳронларни ҳам бошдан кечириш орқали эришиш йўлидан олға бормоқда, десак хато бўлмас.

Айни буҳронлар, олис ўтмишдаги Нух тўфони ёки Атлантида фожиаси каби, одамзоднинг ялпи ҳалокатга учрашига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Зеро, янги фан йўналишларидан бири – синергетика башарий цивилизация бугун ўз бифуркацияси, яъни сакраб ўтиш чизигига етгани ҳақида бонг урмоқда. Унинг хуласаларига кўра, Одам насли ё буткул йўқ бўлиш, ё янги ҳаётга қадам қўйишдек икки муқобил истиқбол қаршисида турибди.

Одамзодни фожиага элтувчи эгри йўлдан қайтариб, бахтга элтувчи тўғри йўлга солиш – шаксиз, зиёлилар зиммасидадир. Ушбу бурч адо этилган тақдирдагина улар чиндан юксак номини оқлади дейиш мумкин. Зиёли, ахир, ёруғлик сари бошловчи дегани, зулмат бағрида қолдирувчи эмас. Акс ҳолда уларга ҳам синоплик Диогеннинг машхур танбеҳини эслатмоқ жоиз бўлади: "Қуёшни тўсиб қўйманг!"

Муҳиддин РАҲИМ сұхбатлашди.

Мизроб БЎРОНОВ



ISTIBDODNING UMRI QISQA

“Пешонаси ярқираган инсон эканман! Дарҳақиқат, Оллоҳ мени баҳт учун яратган экан! Эсиз, бу кунларни ота-боболаримиз орзу қилди-ю, аммо кўрмай ўтиб кетди...” Бугун Ўзбекистон аталмиш мустақил юртда яшаб, унинг тинч-осойишта ҳёти ва саҳоватли замини неъматларидан оиласи, ёр-дўстлари билан биргаликда баҳраманд бўлаётган юртдошларимиз қалбидан шундай шукrona сўзлар кечиши табиий. Буларнинг барчаси мустақиллик даврида халқимиз кўрсатган азму шижоат ва Юртбошимиз ишлаб чиқкан стратегик дастур шарофатидир.

Халқимиз асрлар бўйи интилиб эришган мустақилликни кўз қорачиғидек асраш, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидан муносаб ўрин эгаллашини таъминлаш, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун шарт-шароит яратиш ўйлида амалга оширилаётган ишларни баҳолашга ақл кучи гоҳо ожизлик қилади. Истиқтолпогача бўлган даврни бугун ҳаётда ўз ўрнини топиб, сафимизни тўлдириб бораётган 25-30 ёшли кенжя авлод аниқ тасаввур этолмайди. Тўғри, улар ўша давр ҳақида китоб ва кинофильмлардан баъзи маълумотларни олган. Аммо яқин ўтмишда миллатимиз бошига тушган адолатсизликлар ва улар сабаб чекилган

дард-ситамларни ўз кўзи билан кўриб, бевосита гувоҳи бўлмаган одам чуқур ҳис этиши даргумон.

Шўро империяси 70 йилдан зиёд вақт давомида қадоқўл ҳалқимиздан инсонлик ҳақ-хуқуқидан маҳрум, арzon ишчи кучи сифатида фойдаланди. Мустабид сиёсатнинг асл мазмунини англаган ва бу ҳақда дадил фикр айтган зиёлиларни эса вақти-вақти билан қатағон қилиб турди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобида шўро тузуми моҳияти қизил империянинг мустабид табиатини ич-ичидан билган ва шу давр оғриқларини ўз қалбидан теран ўтказган шахс нигоҳи билан очиб берилади. “**Тарих ҳақиқати шуки, империя деган тузум ҳеч қачон кўп яшамайди. Нега деганда, империя ҳамиша зулмга асосланади**”, деб ёзади муаллиф.

Ўтган асрнинг 80-йилларида совет давлати таназзулга юз тута бошлагач, Михаил Горбачёв вазиятни ўнглаш мақсадида “қайта куриш” аталмиш “ислоҳот”ларни бошлади. Аммо пойдевори дарз кетган бинони сақлаб қолиш душвор экан. Зоро, ҳовлингиздаги эски иморатнинг пойдевори нураган бўлса,

бинокор "Яхшиси, бузиб янгидан куринг", дея маслаҳат беради. Табиийки, сиз ҳам иморатни тағ-туби билан текислаб, янги пойдевор устида қайтадан тиклайсиз.

Ҳа, шўро давлати 80-ийилларда чок-чокидан сўклила бошлади, ГКЧПнинг охирги талвасаси ҳам куни битиб бораётган империяни кутқара олмади. Ана шундай таҳликали бир даврда собиқ марказ Ўзбекистонда яна бир қатағон ўтказишга уринди. Унинг кўрсатмаси билан ташланган "десантчи"лар – жазо отрядлари минглаб бегуноҳ одамлар бошига не-не савдоларни солмади! "Туну кун умри ни далада ўтказиб, меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, шу заминни замин қилган оддий дәҳқонлар, бригадир ва звеночи-лар, сувчи ва механизаторларни пахтани қўшиб ёзиш, кимгadir пора бериш ёки пора олиш деган, одамнинг ақлига сифмайдиган гуноҳларда айблаб, уларни судсиз-сўроқсиз бола-чақаси, оиласидан ажратиб, қамаб кўйса, бундай ноҳақликка чидаб бўладими ўзи?!" деб ёзди китоб муаллифи ўша мудхиш кунларни эслаб.

Қатағон кампаниясига аввал "ўзбеклар иши", кейин эса гўё "хато"ни тўғрилаган бўлиб, "пахта иши" дея ном берилди, бутун бир халқ тарихи, ҳаёти ва келажаги қоп-қора рангда кўрсатилди. Пешқадам зиёлиларга зуғум ўтказилди, юрт фидойилари қамалди, халқимизнинг шаъни, ғурури топталди.

"Десантчи"лардан бўлган Мороз исмли кимса Бухоро вилоятидаги бир туман прокуратурасида дәҳқон ва унинг хотинини сўрек қилганига журналист сифатида шахсан гувоҳ бўлганман. Мороз деганим бесўнақай гавдали, бадқовоқ ва пишқириб сўзловчи кимса эди. Унинг важоҳатидан "Сенларга кимлигимни кўрсатиб кўяман ҳали!" деган иddaо сезилиб турарди. Ёши олтмишларга борган, меҳнатдан қадди букилиб, эти суюгига ёпишган дәҳқоннинг эса афт-ангорига қараб, унинг бировга ёмонлик қилишини ақтга сифдириб бўлмас эди. У ўша кезлар Ленин колхозини бошқарган раиснинг қариндоши, бригада бошлиғи экан. Қачонлардир раиснинг бир ҳўкизини сўйиб, бозорга чиқариб сотиб берибди. Мороз дәҳқондан ана шу ҳўкизни сўраб, ҳадеб ўшқирап эди:

– Ўш, айт-чи, ўша ҳўкиз раиснинг ўзиники эдими ёки колхозга тегишлимиди? Ҳўкизни колхоз фермасидан олиб чиқдингми ёки раиснинг ҳовлисиданми?

Дәҳқон эса соддалик билан жавоб берарди:

– Ҳўкиз раиснинг ўзиники, уни хотини, фарзандлари боқиб семиртирган. Ҳўкизни раиснинг молхонасидан ўғли билан бирга олиб чиқдим. Бирга ҳовли четидаги ўрик остида жоноворни сўйдик. Гўштини эса Фиждувон бозорига элтиб сотдик.

Мороз бригадирнинг бу гапларига ишонмади ва уни ярим соат ижикилаб сўроқка тутди. Охири, истаган жавобини ололмагач, шотирларини чақирди. Хона эшиги очилиб, мушакдор барзанги кирди.

Мороз унга русчалаб:

– Что-то его голова не в себе, он настоящую правду не вспоминает. Рассказывает всякую ерунду. Надо ему учить говорить правду. Надеюсь после процедуры его память придет в себя, – деди.

Барзанги дәҳқонни бир силтаб стулдан турғизди-да, қўлларини орқасига қайириб, йўлакнинг у ёғидаги хонага итариб киритди. Орадан ярим дақиқа ҳам ўтмай, хонадан дәҳқоннинг додлагани эшитилди. Унинг најот сўраб бақирганидан титраб кетдим, аъзои баданимни тер босди, аммо бирор нима қилишга иложсиз эдим. Бир ҳужжатни баҳона қилиб хонадан сирғалиб чиқдим. Йўлақда бригадирнинг аёли рўмолининг уни билан даҳанини тўғсанча изиллаб йиғларди. Иккى қадам наридаги хонада эса зулм ва зуғум остидаги эр...

"Процедура" 15 дақиқача давом этди. Кейин бино бир муддат сукутга чўмди. Бояги муштумзўр қўзларининг ости моматалоқ бўлиб, оғзи-бурнидан қон оқиб турган бригадирни Мороз ҳузурига судраб кирди.

Мороз яна унга ўдағайлади:

– Ну, бригадир, как дела, память восстановилась? Я думаю, ты вспомнил настоящую правду.

Бригадир бошини эгиб, елкалари силкиниб-силкиниб, йиғлаб юборди:

– Мараз, ҳеч бўлмаса Худодан қўрқинглар!

Бригадир терговчининг шарифини ўзбекона талаффуз билан ўзгартириб айтдими

ёки атайн ҳақорат қилдими – буни билмайман, ҳарқалай юрагим пича таскин топгандек эди. Аммо ўша кечада мираж қоқмадим, тонгга яқин тобим қочди, иссифим ошиб кетди. Шундан кейин “десантчи”ларнинг бошқа терговида қатнашмадим: ҳақсизлик қурбони бўлаётган инсонларга мадад бериш кўлимдан келмаса!. Улар тортаётган укубатларни кўриш, бунга чидаш эса жуда қийин эди. Мен-ку биргина дехқонга қилинган адолатсизликка шунча куйиндим. Аммо ўша кезлар минглаб бегуноҳ одамларнинг дарду ҳасратини елкалаган, уларни ҳимоя қилиш учун ўзини аждарҳо комига ташлаган Раҳбарнинг изтироблари қай даражада бўлган экан?!

Мен гувоҳи бўлган тергов жараёни сobiқ марказ Ўзбекистонга юборган жазо отряди амалга оширган оммавий зўравонликларнинг бир кўриниши эди, холос. Бундан олдин ҳам миллатнинг кўрар кўзи, айтар сўзи бўлган зиёлилар, маърифатли инсонларни йўқ қилиш учун турли баҳоналар билан саккиз марта қатағон уюштирилгани маълум.

1919 йили “совет хукумати душманлари”, 1920 йили Туркистон мустақиллиги учун курашчилар, 1929 йили “Миллый истиқтол” ташкилоти аъзолари, 1930 йили қосимовчилар, 30-йиллар бошида эса диндорларга қарши қатағон кампаниялари ўтказилди. 1937 йилдан бошлаб “ёт унсурлар”, “халқ душманлари”ни қидириб топиш ва жазолаш кенг тус олди. Ўша йилларда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Боту, Аъзам Айюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин каби зиёлиларимиз зулм тегирмонига ташланди. 1951 йилда халқимизнинг яна бир гурӯҳ асл фарзандлари буржуа миллатчилигида айбланиб, таъқиб қилинди. Үмуман, 1939–1953-йиллар мобайнида юртимизда 61799 киши ҳибса олининган, улардан 56112 нафари турли муддатга қамалган, қолгандарни отувга ҳукм қилинган. Қатағон кампаниясидан кўзга кўринган сиёсий арбобларни маҳв этиш, оддий халқни кўркувда саклаш ва кўпроқ ишлатиб фойда олиш кўзланган эди.

У замонларда ҳаётнинг қай жабҳасига қараманг, ноҳақликка дуч келар эдингиз. Масалан, моддий бойликлар тақсимотини

таҳлил этсак, Ўзбекистондан сobiқ СССР-нинг марказий шаҳарларига энг сара маҳсулотлар юборилар, ўзимизга эса паст навли товарлар қолдирилар эди. Президентимиз таъкидлаганидек, “яшаш даражаси бўйича Ўзбекистон ўн бешта республика ичидага энг пастки ўринларга тушиб қолгани, уч-тўртталаб оила каталақдек ҳовлиларда тиқилиб яшагани, ишсизлик, оналар ва болалар ўлими кескин ошиб кетгани”ни тарих ҳеч қачон унутмайди.

Аҳолини хўжакўрсинга “фойдали меҳнат”га жалб этиш, бу борадаги “адолат тантанаси”ни кўз-кўз этиш учун қишлоқ жойларда етти ёшдан етмиш ёшгача барча мажбуран колхозга аъзо қилинган эди. Симёғочларга ўрнатилган радиокарнайлардан тараалган шўравий марш садолари остида бутун халқ гўё қул каби ишлатиларди. Машаққатли меҳнати учун аксар колхозчиларга ойига бир қоп жайдари буғдой унига етар-етмас пул бериларди...

“Ўзбеклар иши” сабаб юртимиз ва миллатимиз дунёга ёмонотлиқ қилинган эди. Мустақилликдан сўнг эса Ватанимиз тараққиётнинг “ўзбек модели” билан жаҳонга танилди, биз танлаган йўлни, унинг самараларини Ер юзидағи манаман деган давлатлар эътироф этди. “Ўзбек модели” миллатимиз аслида ким эканини амалда намоён этиб, юрт шаънига бир вақтлар “десантчи”лар ёғдирган тухмату иғволарни ювиб ташлади, халқимизнинг ори ва гурурни тиклади. Бу ўз-ўзидан содир бўлгани йўқ – “ўзбеклар иши” деган тавқиляннатдан то “ўзбек модели”нинг ғалабасигача кўп бор таҳликали паллаларни бошдан кечирдик. Барча машаққатларни енгиш учун халқимизга, айниқса, Юртбошимизга нечоғли катта куч ва матонат керак бўлгани ёлгиз Худонинг ўзига аён...

Кўччилик мустақилликни қон тўкишларсиз кўлга киритдик, Яратган бизни ёрлақади, дейди. Ҳақ гап. Худо бизни ёрлақади, бўлмаса қайси замонда мустамлака халқ истилочи зулмидан қон тўкишларсиз озод бўлган?! Тобе юрт бойликларини талаб, ноз-неъматларини еб, семириб ётган истилочи қачон ўз ихтиёри билан улардан воз кечган? Ҳеч қачон!..

Тарихда ўз халқини ўта хатарли вазиятлардан эсон-омон олиб ўтган қаҳрамонлар

кўп бўлган. Бу ўринда биргина Широқнинг мардлигини эслаш кифоя. Довюрак чўпоннинг азиз жонини фидо қилиб, Форс шоҳи Доронинг улкан лашкарини кимсасиз саҳрода адаштириб, ҳалқини ҳалокатдан қутқариб қолгани чинакам жасоратдир! Қизил империя қулаб, ҳамма жонини қутқариш учун ўзини ҳар томонга ураётган қалтис бир даврда "ўзбек модели" назариясини яратиб, уни қатъият билан амалга ошириш, юрт кемасини тўфонлардан асраб қолиш ҳам тарихимизга ана шундай қаҳрамонлик намунаси бўлиб кириши муқаррар.

Дунёда мустамлака зулмидан қутулиб, ўзини тез фурсатда ўнглаб олган мамлакатлар кам топилади. Шу маънода, юртимиз салқам чорак асрда тараққиётнинг равон йўлига чиқиб олгани фоят қувончлидир.

"Мустақиллик йилларида миллий давлатчилигимиз қайта шакллангани, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-хуқуқ ва қадр-қимматимиз тиклангани, урф-одат ва анъаналаримиз, муқаддас ислом динимиз, буюк ажоддларимизнинг табарруқ номлари улуғланиб, янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очилгани" бу фикрнинг тасдиғидир.

"Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблагандан қарийб 9 баробар ошгани, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий курилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби тармоқларга асос солингани" ва буни дунё тан олгани мазкур фикрнинг яна бир амалий исботидир.

"Яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини

пахтчилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фойзга етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фойиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-кудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айлангани" бу борадаги яна бир далил.

Жаҳон иқтисодий форуми томонидан "2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринда қайд этилгани" кўзлаган олий мақсадимиз – келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида улкан қадамлар қўйдик, деб айтишга асос бўлади.

Президентимиз китобидан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аслида, бу – турли соҳаларда эришган ютуқларимизнинг бир қисми, холос. Ҳамюртларимизнинг онгу тафаккурида юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришларни эса бирор статистик рақам ёки иқтисодий-ижтимоий мезон билан ўлчаб бўлмайди. Дарҳақиқат, ҳалқимизнинг уюшқоқлик билан қилаётган меҳнати, Юртбошимизнинг изчил олиб бораётган сиёсати туфайли кўлга киритилган зафарлар мустабид тузум замонида Ўзбекистон шаънига айтилган айблозвлар нақадар пуч эканини бутун дунёга исбот этмоқда.

Китоб муаллифининг куйидаги мулоҳазаларида улкан ҳақиқат мужассам: "Йиллар, асрлар синовида тобланган, кўпни кўрган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг вориси эканини, ўзлигини англаган, миллый түрур ва ифтихорини тиклаган, ҳалқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, ўз юрти, ўз фарзандларининг келажаги фаровон бўлишига интилаётган бизнинг ҳалқимизни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди".

Тұлқин АЛИМАРДОНОВ



SHAXS TAQDIRI - MILLAT TAQDIRI

Миллат тарихи муайян қонуниятлар асо-
сида кечади. Шундай қонуниятлардан даст-
лабкиси маңнавий мерос ва қадриятларнинг
ворисийлиги бўлса, кейингиси ушбу ворисий-
ликнинг бардавомлигини таъминловчи омил –
зиёлилар жасоратидир. Мазкур жасорат
етук ижтимоий-фалсафий тафаккур, юксак
маңнавий салоҳият эгалари – миллат зиёли-
ларининг жамиятдаги фаолиятида намоён
бўлади. Маърифатпарвар ғояларни яратув-
чи ва халқни ягона мақсад йўлида сафар-
бар қилувчи куч – зиёлилар қатлами бўлмас
экан, жамиятда адолат тажовузга, юксалиш
инқизозга, сиёsat зўравонликка айланади.

Хўш, бугунги авлод қачонлардир юксалиб, сўнг қора кунларни кўрган миллатимиз тарихидан қандай хулоса чиқармоғи лозим? Халқни қарамлиқ ва тобелик домига тортган, сўнгра мустамлака сиёsatига занжирбанд қилган мағкуралар таъсирида ўзлигидан адашган миллат не иллатлардан холос бўлмоғи керак? Миллат ўз тараққийисида ўтмиш хатоларини такрорламаслик учун нима қильмоғи даркор?

* * *

XIX–XX асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий-ижтимоий жарабёнларни қиёсий таҳ-
лил қиласак, давлат ва жамият инқизози мил-
лий-маңнавий ўзликнинг таназзули билан
боғлиқ кечганини кузатамиз. Миллий бирлик,
яқдиллик, ватанпарварлик туйгуларининг
хиралашуви, ўзаро ихтилофларнинг кескин-
лашуви, қонун ва ахлоқнинг заифлашуви,
хукмдорларнинг нафс ва ҳирсга берилиб,
жаҳолатга ботиши, аксарият зиёлиларнинг
мунофиқлиги, жамиятда риё, хоинлик, тов-
ламачилик каби иллатларнинг илдиз отгани
миллий давлатчиликнинг инқизозига олиб
келди. Эътиқодсизлик, тобелик, маърифат-
сизлик жамият ва давлат муносабатларида
умумий ва табиий ҳолатга айланди. Жамият-
да босқинчилик, зўрлик, хунрезликлар ода-
тий тус олди.

Шу даврларда яшаб ижод этган Мулла
Олим Маҳдум Ҳожи мавжуд ғайриахлоқий
ҳолатни қўйидагича тавсифлайди: “Туркис-
тон хонлари вақтидаги мусулмониялар ни-
ҳоят даражада аҳволи оламидин хабарсиз

бўлдилар. Золим ҳакамларга рост ва тўғри сўзни айтадурғонлар қолмай, золимлар учун беш-ўн тилло бадалига эртадан кечгача хушиомад сўзлар айтиб, алар қандай сўз айтса маъқул дейдурғонлар бўлғон эдилар. Илму маорифда бўлса Туркистонда ўтган Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Али Қушчи ўрнига ўлтурғон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликка табдил бўлуб, жаҳл балосига мубтало бўлғон эдилар. Ҳакам ва улуғларимиз фуқаролардин ўз жойига ва масрафига сарф қилмай, ўз хоҳишлари ва йушаълариға харж ва сарф қилар эди. Ҳукумат ишида мутлақо мунтазам қоида ва қонун йўқ эди. Фуқаролар оларнинг ўз молидек ҳисоб қилинур эди" (Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши, "Насаф", 1992. 100-бет).

Мовароуннарда ислом таълимоти ёхуд унинг мағкураси кўпроқ ҳукмдор табака манфаатига мос равишда тарғиб қилиниши ва мутаассиблик авж олиши миллий қадриятларимизнинг асл моҳияти бузилишига сабаб бўлди. Беҳбудий "Бизни кемиргувчи иллатлар" мақоласида бундай дейди: "Маълум бир шаҳарда яхудийлар баъзан ўлукларини оқшом элтиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қоларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, Пайғамбари акрам саллоплоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишга кетмоқға ва ўлукхона ҳалқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй ҳалқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва Расулнинг сўзиға ва ўзимизнинг нафъимизга амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан ташқарими, Худо учун сўйлангиз. Биз нима?!" (Махмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Тошкент, "Маънавият", 1999. 190-бет).

Бобомиз Беҳбудийнинг сўзларидан хуолоса қилиш мумкинки, биз майший эҳтиёжларимизни қондирмоқ учун турли тадбирларни жорий этганимиз. Нафсимизга нимаики мақбул бўлса, ўша нарсани "қадрият" ёки "урғ-одат" сифатида оммалаштирганимиз.

Шу тариқа ҳалқ-нинг устувор турмуш тарзига айланган иллатлар бизни дунё тараққиётидан ортда қолдирган. Зеро, ушбу мақоланинг ёзилганига юз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, маърифатпарвар бобомиз ўғитларига амал қилиш ҳали-ҳамон ниҳоятда оғир кечмоқда.

Файласуф Абдулла Бегматов ўз мақоласида ислом динини ҳимоя қилиш баҳонасида амалга оширилган жаҳолат ва зуғумни қўйидагича тавсифлайди: "ХХ аср сўнгида ёзилган баъзи мақола ва рисолаларда маърифатчиларни динга қарши қўйиш майли сезилади. Аслида, улар диндор одамлар эдилар. Уларнинг Туркистондаги етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқанд муфтийси эди. Улар ўзлари яшаган даврга ҳалифалик даври нуқтаи назаридан эмас, ХХ аср ибтидоси нуқтаи назаридан реал қарадилар. Худди шу нарса уларнинг Бухоро қозиси ва бошқа ақидапараст уламолар томонидан коғир деб эълон қилинишига сабаб бўлди" (Бегматов А. Маърифатчилик ва диний ақидапарастлик. "Жамият ва бошқарув", 2000 йил, 2-сон, 18-бет).

Абдулла Авлонийнинг миллат турмуш тарзи, унинг дунёкараши, тафаккури ҳамда маданий даражасини ифодалаб берган фикрлари мулоҳазаларимизни мустаҳкамлайди. Жумладан, у бундай ёзади: "Эҳтимол, бизнинг ҳалқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, ҳунар ва санъатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсан? Йўқ, бу фикрингиз ёнглиш. Эшонларимиз тоат ва ибодат, панду насиҳат, зикру тасбех ўрнига тўйларида тўн киуб, кўп ошаб, кўп ухлашни яхши кўурлар. Уламоларимиз дарсу таълим ўрнига, бир-бирлари ила ўрин талашиб мукаррир ва мударрис бўлишни, ўзлари бўлолмай қолсалар, эшикма-эшик юруб сайловни бузушни



яхши кўурулар. Имомларимиз, халойиқға вайз ва насиҳат ўрнига, тўй ва жанозаларда юруб, жома кийишни яхши кўурулар. Бойларимиз орқа-ўнгларига қарамасдан, фойда ва заарларини ойирмасдан бир-бирлариға рақобат қиласман деб “бонка” ва “кридит”ларини кўпайтуруб, дўфифлари тор келганда рус ва яхудийларнинг букиб-синишини яхши кўурулар. Мўйсағидларимиз намоз ва ниёз ўрнига, масжид эшигига йиғилиб ўтуриб, ҳар кимни ғибат ва шикоят қилишни яхши кўурулар. Муаллимларимиз бир-бирларидан қизғонишуб, болаларни арzon ўқитаман деб, бир ўзларига юз, юздан ортиқ бола йиғуб, ўзлари тўй ва маъракаларда, болаларнинг умрини бекор ўткаришни яхши кўрарлар. Аммо мен бўлсам, ҳозирги замонда индамасдан туришни яхши кўурман” (Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 1998. 227-бет).

Агар Абдулла Авлоний мулоҳазаларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятига диққат қиссан, унда миллатнинг ғайриахлоқий турмуши билан боғлиқ барча иллатлар мазмуни очилади. Қотиб қолган, айни пайтда, миллый тафаккурга чукур ўрнашиб олган ушбу ижтимоий тенденциялар улус дарди билан яшаган саноқлигина чинакам зиёли шахсларни бирин-кетин бадном қилиб келганини кузатамиз.

Аслида, ўша йиллари Туркистонда вужудга келган сиёсий вазият оқилона тадбир ва яқдиллик билан мустақилликни қўлга киритиш учун шароит яратган эди. Аммо зиёлиллар ўртасида бирлик йўқлиги, миллый сиёсий партияларнинг ягона мақсадни англаб етмаганилиги, Туркистонда яшовчи барча халқ, элатларда эрк ғоясининг заифлиги ва парокандалиги сабабли кам сонли большовийлар исканжасида қолган, ўз юритида уюша олмаган ўғлонларнинг қисмати аянчли кечди. Мустафо Чўқай бундай хотирлайди: “Табиий, бу муваффақиятсизлигимизнинг сабаби кўпдир... Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёни келтириб чиқарган вазият ижоботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: миллый манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда

туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар” (Мустафо Чўқай. Истиқтол жаллодлари. Тошкент, 1992. 6-бет). Муаллиф ўз фикри хulosаси сифатида ахлоқий ва фалсафий нуқтаи назардан яхши ва ёмон халқлар бўлмайди, бироқ сиёсий нуқтаи назардан масала бошқачароқ, яъни давлат қуриб, уни юрита билиш тайёргарлиги йўқлиги, турли мутахассислар ва халқ оммасини уюштириш тажрибаси бўлмагани, мавжуд сиёсий кучларнинг ўзаро ихтилофи боис “Туркистонда туркистонликларнинг муқаддарати (тақдиди) устида ҳукмронлик учун Тошкент кўчаларида уруш бораётган бир пайтда туркистонликлар бетарапф сайрчи бўлиб қолдилар” (ўша асар, 77-бет), деб таъкидлади.

Албатта, фожиага тўла бундай тарихий саҳифалардан яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Дарҳақиқат, миллий зиёлилларнинг ижтимоий табақа сифатида шаклланмагани ва жамиятда ижтимоий-ахлоқий қадриятларнинг заифлашуви оқибатида мустақиллик бой берилган. Мустақилликни исташ билан уни англаш моҳияттан бошқа-бошқа экан. Уларни уйғунлаштириш учун кўплаб фидойи зиёлиларимизнинг ҳаёти барбод бўлди.

Мазкур фожиалар замирида миллатнинг ўз-ўзини англаш муаммоси кўзга ташланади. Халқ ўзининг чинакам субъект, муайян моддий ва маънавий бойликлар яратувчиси экани, давлатга мансублиги, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб этиши муҳим. Чунки аксар миллатдошларимизда шахсий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устун қўя билиш ҳисси ўта сенинлик билан намоён бўлди (Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабол լуғат. Тошкент, “Шарқ”, 1998. 254-бет).

Устоз Шариф Юсуповнинг хонликлар ўртасидаги ички зиддиятлар билан боғлиқ тарихий маълумотлари ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеликни аниқроқ тасаввур этишда муҳим аҳамият касб этади. “Ўтмишдаги ҳукмдорлар тарихи уларни сиёсат майдонига чиқарган халқнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлишини, кўп ҳолларда шу

тариҳнинг бир қисми бўлиб, унга сингиб ке-тишини... зотан, муайян тариҳий шароитда ҳалқнинг феъл-атвори, аъмоллари қандай бўлса, ўшанга лойиқ ҳукмдор унинг тепасига келишини бир неча бор исботламоқда" (Юсу-лов Ш. Ҳудоёрхон ва Фурқат. Тошкент, 1995. 93-бет).

Ҳа, масъулият ҳамиша миллат зиёлила-ри зиммасига тушган. Шу ҳалқ асрлар давомида буюк маданият ва илм-фан ривожига асос соглан мутафаккирларни, инсоният тарихини истибод занжиридан ҳолос этган давлат арбобларини тарбиялаган бўлса, сўнгги даврларнинг тариҳий фожиалари ҳалқнинг феъл-атвори ўзгарганидан давлат берадими? Бизнингча, ҳалқ қандай бўлса, шундайлигича қолган эди. Ҳалқнинг қозиу уламолари шариатни ҳукмдорга маъ-куп тарзда талқин этган бўлса, ҳалқда нима айб?! Тарихда, аччиқ қисматлар силсила-сида бундайин адолатсиз турмуш тарзига нисбатан ҳалқ исён қилган, кўзғолон кўтарган, ҳукмдорлар алмашган, аммо ҳар сафар алданаверган. Гап шундаки, улусни давлат ва ҳукмдор билан боғловичи, унинг ахлоқий сиёсатини таъминловчи зиёлилар қатлами шаклланмаган эди.

Юртимиз шўро мустамлакаси асоратига тушгач, миллат зиёлиларига қарши аёвсиз қатағонлар, уларни ижтимоий қатлам сифа-тида йўқотиш кампанияси авж олди. Бундай оммавий қирғин муттасил – ҳар 10-15 йилда такрорланиб, вояга етаётган ёш авлодни ҳам ўз домига тортди. Шу сабабдан отаси қатағон қилинган ёки сиёсий айб қўйилган жабрдий-даларнинг қариндошлари, ҳаттоқи дўст-би-родарлари ҳам сургун қилинган, озодликдан маҳрум этилган ёки ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларга яқинлаштирилмаган. Таъкидлаш лозимки, зулм мафкураси қам-чисидан қон томиб турган ана шундай оғир шароитда ҳам миллатнинг айрим зиёлилари ўз эътиқодига содик қолган. Аммо бу уларга жуда қимматга тушган.

Таассуфки, қувғин ва қатағон қилинган зиёлилар ўрнини коммунистик мафкура ғоя-

ларида тарбияланган маҳаллий зиёлилар тўлдириди. Улар ўтмиши ва маданиятидан маҳрум қилинган сипоҳларга айланди; ин-сонни эмас, қизил тузум сиёсатини ифода қилувчи, ҳимоя этувчи, энг даҳшатлиси, эр-кинлик, мустақиллик туйғуларидан мосуво бўлган "илғор ва етакчи куч" сифатида шаклланди. Бу "илғор ва етакчи" куч жамиятда ҳур фикр ва ғояларга қарши муросасиз курашувчи, эркинликка интилишни ўз вақтида пайқаб бўйувчи, мустамлакачилик асосларини мустаҳкамловчи, ўз замонасини тури "иллат ва унсурлардан" тозаловчи "шифокор" бўлиб хизмат қилди. Сирасини айтганда, эътиқод-сиз, ўзлигини унугтган, олий мақсадлари нафс эҳтиёжи билан йўриғилган, ахли сиё-сатнинг истаган йўриғига юрадиган манқурт "совет зиёлилари" вужудга келди.

Таниқли иқтисодчи ва сиёсатшунос Фридрих Хайекнинг ёзишича, маърифатли зиёлилар қолиб, жоҳил ва салоҳияти паст тоифанинг ҳокимият бўғинларига кириб келишига сабаб зиёлиларнинг – улар қанчалик маърифатли бўлмасин – бир мақсад атро-фида ҳамфир бўлиб бирлаша олмаслиги-дир (Хайек Ф. Дорога к рабству. Москва, 2005. Стр.143-144). Қолаверса, уларнинг айримлари ўз ҳақиқатига эга бўлиб, сиёсий найрангларга мутлақо тоқати йўқ; ҳар қандай ҳокимият қарорига шубҳа кўзи билан қарайди ва уларни шахсий муҳокамадан ўтказади. Ҳокимият дардига чалинган маърифатбе-хабарлар итоатида бўлишни хоҳламайди. Шу сабабдан баъзи амалдорлар мушоҳада қилиш ва хулоса чиқариш салоҳиятидан маҳрум, итоатгўй тоифага суннади. Бу каби тоифа учун мақсаднинг моҳияти муҳим эмас, шахсий эҳтиёжи қондирилса бас. Ҳокимиятнинг эътирофи ва марҳаматидан баҳраманд бўлиш орзуси шу тоифа учун бирламчи рағбатдир. Бу ҳолат иккинчи бир ижтимоий иллатни келтириб чиқаради. Оломон орасидан лаббайчи, ҳар қандай топшириққа тай-ёр "танланганлар" ҳокимият идораларида раҳбарлик вазифасига тайинланади. Улар ахлоқсиз ва андишасизлиги билан ажralиб туради. Мазкур тоифадагилар ўзига ўхшамаганларга тоқат қила олмайди. Атрофида

кўринган зиёлиларни ўзига рақобатчи билиб, сикиб чиқараверади. Қарабисизки, оз фурсат ичидагамият бир хил рангга киради.

Ўзбек милллий давлатчилик тарихида ғайриахлоқий иллатларнинг бардавом бўлгани, милллий руҳиятда носоғлом қусурларнинг сақланиб келгани, таассуфки, бор гап. Бир вақтлар истилочиларнинг фойдасига хизмат қилган ташмачилик, хоинлик, саводсизлик, мансабпастлик, иккюзламачилик, айни пайтда, умуммиллий манфаат ва мақсадларни англамаслик қатағон йилларида ҳам, "Ўзбеклар иши" даврида ҳам янгича кўришишларни намоён этди. Тан олиш лозим, мунтазам олиб борилган аёвсиз таъқибларда бир-биримизни сотиш ва шу орқали маълум сиёсий имтиёзга эга бўлиш кайфияти устувор эди. Айни пайтда, халқни бадном қилишда ғанимларимиз жуда усталик билан йўл тутди. Бошқача айтганда, "сопини ўзидан чиқаришди". Ўзбек халқидан чиқсан, шу халқнинг нон-тузини еб катта бўлган шахслар ва бошқа кишиларнинг қўли билан иш кўрилди (Каримов И. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992. 22-бет). Дарҳақиқат, тоталитар сиёсат зуғуми остида қолган ўзбек зиёлиси руҳиятига деспотик кайфият сингиб қолган. Бундай ижтимоий шароит эса миллатга мансуб ҳар қандай ғояни ўлдириб келган. Оқибатда ўз ҳақиқати ва принципига эга бўлмаган зиёлининг руҳиятини иродасизлик, тобелик, доимий кўркув қамраб олган.

Собиқ иттифоқ республикаларида ўтиш даври ниҳоятда зиддиятли кечганини биламиз. Айрим республикалардаги талотўпларда кечаги дисидентлар ва турмадан чиқсан жиноятчилар ҳокимият тепасига келди. Шу тариқа уддабурон юлгичларнинг қонуний ва қонундан ташқари тоифалари пайдо бўлди ва навбатма-навбат сиёсий ҳокимият бошқарувига кириб борди. Йиллар давомида яратилган ижтимоий тафовут халқнинг маънавий оламини ҳам хиралаштириб, оқ-коранинг фарқига бормайдиган олomonни вужудга келтириб қўйган, ким кўпроқ тарафдор

йиғса, шу ҳокимият тепасига келарди. Миллатни зиёлисидан, элни маънавий оламидан маҳрум қилган сиёсий манфаатлар халқни таназзул сари етаклади. Нуру зиё таратувчи шахсларидан маҳрум бўлган миллат мисоли япроқлари тўқилиб хазон бўлган ялангоч, мевасиз дарахта айланди. Оқибатда собиқ иттифоқ республикалари аксариятида фуқаролар уруши, диний-этник асосдаги можаролар минглаб бегуноҳ одамларнинг курбон бўлишига олиб келди.

Мустақиллик халқимизга ўзлигини англаш ва милллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш имкониятини очиб берди. Миллатнинг урф-одатлари, тарихий қадриятлари билан бир қаторда жаҳон маданияти ҳам бугунги турмуш тарзимизда уйғунлашиб келаётганини кузатиш мумкин. Шундай экан, биз бугун адолатли жамият, хуқуқий давлат қуришдаги интилишларимизга тўғаноқ бўлаётган асрий иллатларнинг мазмун-моҳиятини англаш баробарида унга қарши етарли чоралар-тадбирлар белгилай оляпмизми?!

Мустақиллик шароитида милллий руҳият, халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий савияси таҳлил қилинганда, тарихий-ақидаий турмуш тарзига хос айрим иллатлар тақрор уйғонаётганини кузатамиз. Жуммадан, социолог М.Бекмуродов бундай хулоса чиқаради: "Биринчидан, одамларда собиқ тузум асоратлари, эскича тафаккур қилиш хусусиятларининг сақланиб қолаётгани; иккинчидан, одамларда ташаббускорлик, янги фаолиятни бошлаб юборишдан чучиш, ҳадисираш туйгусининг мавжудлиги; учинчидан, янги фаолиятни бошлаш учун етарли билим ва малаканинг етишмаслиги, хорижий тилларни билмаслик ва замонавий алоқа воситалари, ранг-баранг коммуникация тизимларидан фойдаланиш малакасининг сустлиги, компьютер саводхонлигининг сустлиги; тўртинчидан ва энг таассуфлиси ана шу камчиликларни тез бартараф этиб, ишга киришиш учун шижаотнинг сустлигидир" (Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти

ва ўзбек мәнталитети. "Хуррият", 2002 йил 9 октябрь). Аслида, миллатнинг айнан шу каби хусусиятлари ва руҳий ҳолати унинг ўз истиқболига бўлган муносабатининг сиёсий-ахлоқий даражасини белгилайди. Олим ўзбеклар табиатан жамоавий ҳалқ бўлганидан ўзлигини ҳамиша атрофдагилар муносабатига кўра англашга мойил экани, масалан, тўй ёхуд маъракаларни уларда кимлар қатнашгани, қанча одам йиғилганига кўра баҳолашга одатланганини таъкидлайди.

Менимча, айрим маъносиз ва маърифатдан йирок одат ва маросимларимиздан воз кечишга ўзбек зиёлисида жасорат етишмаяпти. Зеро, ҳар қандай миллат ўз истиқболига тўсиқ бўлаётган иллатларни рўй-росттан олиб, уларни бартараф этишга иродада қисагина юксалади. Маънавий янгиланиш турли тадбир, воситаларни қўллаб, миллатни гафлатдан – ҳушёрликка, билмаслиқдан – билишга, заардан – фойдага, саволдан – жавобга, муаммодан – ечимга, камбағалликдан – бойлиқка олиб ўтиш йўлларидан биридир. Инсонни ана шу муаммоларни ечиш учун зарур бўлган фазилатлар билан қуроллантиришимиз керак. Ана шулардан бири – жасоратдир (Қуронов М. Жасорат. "Ҳалқ сўзи", 2003 йил 31 январь). Жасоратли бўлиш – маърифат билан юзланмоқ демақдир.

Маърифат инсонни ўз эркинлигини англашга етаклайди. Шахс том маънода эркин бўлсагина миллат зиёлисига айлана олади. Унинг эркинликка бўлган ишончи ва эътиқоди хатти-харакатини белгилайди. Биз эркинлини соғинган ҳалқмиз, аммо уни ўтмиш таҳқиридан сўнг ўзликни англаш жараёнидаги қилиш оғир кечади. Жамиятнинг эркинлиги ва ижодий кучи – инсондадир. Инсон қанчалик маънавиятга тўйинса, замонавий билимлар билан қуролланса, меҳнати қадрланса, у шунчалик юксалади, ҳалқини ҳам юксалтиради. Эркинликнинг душмани – ичимиизда яширган шикаста руҳиятимиздир. Ана шу руҳиятни эркинликка олиб чиқмоқ лозим.

Ҳар бир шахс эрки, қадр-қимматининг устуворлиги – миллий тараққиётга элтувчи

йўлдир. Миллатнинг адолатли жамият барпо этиш йўлидаги орзу-интилишининг амалий ифодаси руҳияти соғлом шахсларнинг ақл-идроқи ва эътиқоди асосида рўёбга чиқади. Миллат зиёлисининг адолату ҳақиқатга хизмат қила олиши ва бунда фидойилик кўрсатиши давлат сиёсатининг адолатлилиги билан амалда таъминланади. Фақат эътиқоди мустаҳкам, маънавий руҳияти муштарак бўлган шахсларгина ҳалқни миллат даражасида бирлаштиришга ва буюк мақсадлар сари етаклашга қодир. Ушбу муаммолар бугун миллат зиёлиси ким ва у қандай бўлмоғи лозим, унинг миллат шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган маънавий қудрати қай даражада, унинг жамият олдидаги масъулияти нималарда намоён бўлади каби саволларга жавоб топишга ундайди. Бу борада Мустафо Чўқай бундай дейди: "Миллий зиёли на демақдур? Илк қарашда бу маасала қулай кўрунса-да, ҳақиқатда бу сўроққа тўғри жавоб бера билиш ўнғай бир нарса эмасдир. Ҳар ўқуғон, таҳсил кўрган одамни зиёли деб аташ ва уни мансуб бўлғон миллатининг "миллий зиёлиси" сифатинда санаш мумкинми? Табиий, бу мумкин эмас. Биз ёлғиз бир белгили ғоя орқасиндан юрган ва бу белгили ғоя теварагинда тўпланган ўкумишлиларнинг зиёли деб атай оламиз. Миллий зиёлилар синфига эса ўз ҳалқига сиёсий, ижтимоий ва хуррияти йўлида хизмат этмакчи бўлғон зиёлиларгина кира оладилар. Зиёлиларнинг вазифаси юксак ва муқаддас бўлғони каби кўп оғирдир" (Мустафо Чўқай. Кўқанд муҳторияти. "Шарқ юлдузи", 2002 йил, 2-сон. 129-бет).

Зиёлилар ижтимоий-маданий жамоа, фаол позицияга эга гуруҳ, ақлий ва ижодий меҳнат билан шуғулланувчи илғор мутахассислар, уюшган, хайриҳоҳ ва маслакдош, эътиқоди ва ғурури баланд, иродаси бақувват қатлам вакилларидир. Зиёлиллик бу қасб ёки ваколат эмас, балки қалбнинг ҳолати, у қасбий мутахассислик билан белгиланмайди. У комилликка интилувчи руҳий изланишдаги шахснинг ички олами, ўз ғоялирига содиклик даражаси, ўзгалар учун ўзини бағишлий олиш иродасидир. У талабчанили-

ги, мурасасизлиги, таваккалчилиги, айтиб ва англаб бўлмас хатти-ҳаракатлари, баъзида ўзини ўзи инкор қилиши ва яна қайтадан руҳий янгиланиши билан ажралиб туради.

Ҳақиқий зиёли, даставвал, ботинан мустақил шахс. Унга ташқаридан таъсир ёхуд тазиيқ ўтказиб бўлмайди. У воқеа ва ҳодисаларни тўлалигича ўз изтироблари билан қабул қиласи ҳамда ўз фаолиятида намоён этади. Шу тариқа ҳалқ шунчаки билимли одамни эмас, ўз билимига эътиқод қилип яшаган зиёлини миллат шахси даражасига кўтаради.

Бугунги даврда – миллий қадриятлар тикланяётган, аммо зиёлилик ҳали ночор бир шароитда рақобатбардош, салоҳиятли мутахассисларга бўлган талаб албатта катта. Аслида зиёли шахслар шу қатлам таркибида ҳам пайдо бўлишини эътибордан қочирмаслик керак. Бугун бизга ишлаб чиқаришнинг барча соҳа ва йўналишларини модернизация қилиш, жамоани рағбатлантириш, ташаббускорликни ўстиришга қодир, масъулиятли, ватанпарвар етакчилар керак. Малакали мутахассис, менежер-бошқарувчи шахсларни етишириш ва уларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш тегишли ҳуқуқий асосларни жорий қилиш билан амалга ошади. Улар миллатнинг замонавий бошқарувни ташкил эта оладиган салоҳиятли қатлами сифатида ҳалқ олдидағи вазифа ва муаммоларни ҳал этувчи, ислоҳотларни амалга оширувчи етакчи куч бўлиб хизмат қиласи.

Маълумотларга кўра, ривожланган давлатларда миллатнинг 10-15 фоиз зиёлиси ва салоҳиятли менежерлари маънавий неъматларни яратиб беради. Бундай маънавий “энергия”дан оқилона фойдаланиш жамият тараққиётини белгилайди. Аммо бу кучни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки суистеъмол қилиш давлат яхлитлигига, ҳокимият легистимлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларга тайёр бўлмаган, давлат ёхуд ҳокимият

берган имкониятларни ўзгалар билан баҳам кўришни истамайдиган сиёсатчилар миллатнинг салоҳиятли шахсларидан фойдаланмайди. Оқибатда, жамият тараққиётдан ортда қолади, миллатнинг маънавий янгиланиши, фуқароларнинг фидойилиги, ёшларнинг садоқати рўёға айланади. Зиёлилар эса ижтимоий қатлам сифатида омма ичига сингиб кетади. Айримлари бу диққинаfasликтан қурбон бўлади, имкон топганлари қочиб кутулади.

Қадимги юонон файласуфи Антисфен “Яхши ва ёмон фуқароларни фарқламаган давлат таназзулга маҳкумдир”, деган экан. Унинг фикрича, маърифатли, ҳалол фуқаролар давлатнинг ўзагини, ҳокимият асосини ташкил этиши ва уни шакллантириши лозим. Олам мутафаккирларининг башорати инсоният тарихида қанчалик исбот бўлмасин, аммо мазкур ғояларни сиёсий тизим ва давлат бошқарувига татбиқ этишда нафс балоси устун келмоқда.

Энг ачинарлиси, бундай салбий ижтимоий муҳитда адолатли, эътиқодли, маърифатли, зиёли шахслар таъқиб қилинишига замин яратилади. Зоро, адолатпарвар одамлар мавжуд тузум учун хавфли бўлмаса-да, тарихда, деярли барча давлатларда, таъқибга олинган, кувғин-қатағон қилинган.

Ҳокимият ўз сиёсатида миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини ифода қилмаса, уни амалий фаолиятининг мезонига айлантираса, жамиятда ҳуқук-тартибот тизими адолат ғояларини рўёбга чиқара олмайди. Ушбу занжирда зиёлилар нафақат маънавий мерос яратади, балки ҳалқ ва давлат муносабатларининг ахлоқий мезонини белгилайди, мувозанатни сақлайди, тараққиёт бардавомлигини таъминлайди. Шу боис, улар эъзоз-эътирофга ва ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. Уларнинг фаолияти билан жамиятда миллат руҳиятини соғломлаштирувчи маърифий сиёсатнинг ахлоқий мезонлари қарор топади. Муносабатларнинг шу тариқа ўйғунлашуви эса жамиятда адолат асосларининг мустаҳкамланишига хизмат қиласи.

Наби ЖАЛОЛИДДИН



URUSH VA TINCHLIK

Уруш нима? Ушбу тамсил уни англашга күмак берса эҳтимол: болалигига қарийб барча ўғил болалар чўзма (рагатка) ўйнайди. Чўzmани тош билан "ӯқлаб", дараҳтлар оралаб оҳиста-оҳиста қадам ташлайсиз. Кўзлар дараҳт шоҳларида – чумчукни пойдайсиз. Ниҳоят, кўзингиз чиройли бир чумчукқа тушади. Уни чўzmанинг айриси орасидан мўлжалга олиб турасиз-да, отасиз. Кушерга қулайди. Жон талашиб, роса типирчилайди. Бу ҳолатга қарагани унча-мунча одам бардош қилолмайди. Чунки у ўлимнинг аянчли суратидир.

Урушда эса одам одамни овлайди. Тасаввур қиялпазисми, қўлига қурол олиб, ҳамқавмини ўлдириш пайида бўлади. Ҳа, ўша – Оллоҳ сайлаган, суйган, коинот ақлтафаккурининг гултожи дея таърифланган, қалб ва руҳининг имкониятлари ҳақида оғиз тўлдириб сўзлаганимиз одам. Уруш кўрган бўлсам-да, бу ҳолни тушунишга ақлим ожиз, у шууримда айланаверади-айланаверади, лекин... Ўқ тегиб қулаган инсоннинг жон талашиб типирчилаши эса, чумчуқнидан юз, минг карра аянчли, даҳшатли!

Уруш балоси инсониятга ибтидодан йўлдош бўлиб келади. Узоқа бормайлик, ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида уруш ҳаром қилинган кунлар, ойлар ҳақида гаплар бор.

Демак, одамзод шу қадар кўп жанг қилғанки, ҳақ дин пайғамбари маълум кун ва ойларда уни тақиқлашга мажбур бўлган. Қаранг, одам бир-бирини ўлдиришга шу қадар ўч!

Хўш, инсоният қачон урушга киради? Қадимда майдо-чўйда қабилалар бир бурда нон, ўлжа ёки шунчаки муштумзўрлик важидан урушган бўлса, давлатлар юзага келгач, уруш босқинчилик тусини олди. Шунга яраша қурол-яроғ ҳам такомиллашиб борди. Ўзаро урушлар ойлаб, йиллаб, ҳатто бир неча давлатлар иштирокида давом этадиган бўлди. Муҳорабалар бир давлатнинг бошқа бир давлат устидан ҳукмронлик қилиш, барча бойликларини талаш, ерларини қўшиб олиш, бора-бора эса оламга эга чиқиш нијатида амалга оширилган. Гоҳо икки мамлакат ҳукмдорининг ўзаро низоси сабаб (аёл, от ёки наасаб талашиб) ҳам уруш бошланиб кетаверган.

Энг даҳшатли ва узоқ чўзилган уруш Иккичи жаҳон муҳорабасидир. Унда 50 миллиондан ортиқ одам қурбон бўлган. Фашистлар қилган ваҳшийликларнинг маълум бўлаётган янги-янги тафсилотлари инсониятни ҳамон даҳшатга солмоқда. Одам боласининг шундай ёвузликларга қодирлиги ҳарчанд уринмайлик ақлга сифмайди. Фашистлар аёллар, болалар, қарияларни тириклиайн ёқкан, кўмган, газ камераларига қамаган, осган,

отган. Инсон териси, бosh чаноги, сочидан турфа буюмлар ясалган. Лабораторияларда тирик одамлар устида ваҳшиёна тажрибалар ўтказилган ва ҳоказо. Фашистлар давлатида инсон боласини тури үсулда ўлдириш, қийноққа солиш бўйича бутун бир тизим ва кўрсатмалар яратилган. Буларнинг барини одам, ҳа-ҳа, одам амалга оширган.

Айтинг-чи, сизнингча, Ҳитлер ким? Албатта, у ҳам инсон. Лекин унинг ваҳшийликларини санашга тил ожиз. У ўз қилмишларини ёмонлик деб ўйлаган дейсизми? Асло ундан ўйламаган. Кўл урган барча ёвузликлари унинг наздида эзгулик эди. Бир сўз билан айтганда, ўз миллатини дунёда танҳо ҳукмрон қилмоқчи бўлган у. Кейин-кейин уни савдоига, руҳий хастага чиқариши. Аммо уруш чоғи миллион-миллион одам унга эргашиб, олқишлиди-ку!

Бироннинг юртига бостириб кириб, вайрон қилган, ҳалқини қирган ҳам ўз қилмишини эзгулик, деб тушунгач, Ватанини ҳимоя этиш ниятида урушга кирганларнинг иши албатта эзгулик бўлади-да. Бироқ урушдан (қандай уруш бўлмасин) эзгулик қидириш одамзод ақлининг ноқислигидан, дейиш мумкин.

Урушни кимлар бошлайди-ю, кимлар унинг қуроли, курбони бўлади? Албатта ҳукмрон доиралар, сиёсатчилар, гоҳо йирик

Қуролланишга дунёда 1960 йили 200 млрд., 1970 йили 400 млрд., 1990 йилга келиб 1 трлн. АҚШ доллари сарфланган. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 4 трлн., 2010 йилда 16 трлн. АҚШ долларига етган. Ваҳланки, биргина кирувчи учоққа кетган маблағга 20 миллион кишини бокиши, битта бомбаловчи самолёт сарф-харажатига 37 та мактаб, китъалараро ракетанинг кучига 60-70 та кўп қаватли бино ва битта крейсер ўрнига 16 минг коттеждан иборат шаҳар қуриш мумкин.

сармоядорлар манфаат илинжида нифоқ оловини ёқади. Улар асосан катта ёшли, маълум ҳаётий тажрибага эга кишилар бўлади. Аммо, тарихдан аёнки, ҳар қандай урушнинг асосий юки ёшлар зиммасига тушади. Яъни қирғинбаротга ҳамиша ёшлар рўбарў бўлади. Йигирмага кириб-кирмаган бўз бола учун уруш ўйин, эрмакка ўхшайди, жон эса, қадрсиз бир матоҳ. Бу ҳолни мен ҳам Афгон урушида бошдан ўтказганиман. Ҳар тарафда отишма бўляпти-ю, пинак бузмай юраверганман, пана-пастқам жинқучали қишлоқларнинг ҳар муюлиш ёки девори ортида ўлим хавф солиб турганини сезсан-да, дадил кезаверганман. У кезлар бор-йўғи ўн тўқиз яшар йигитча эдим. Кейин-кейин, ёшим улғайгач англадимки, дадиллигим довюраклиқдангина эмас (эҳтимол, озми-кўпми қўрқмаслик ҳам бўлгандир), асосан ғўрлик, ҳаётнинг қадрига етмаслик, урушни романтика қабилида қабул қилганимдан экан. Чунки орадан ўн йиллар ўтиб, хизмат тақозоси билан тўппонча отиш машғулотига қатнашдим: оддий нишонга теккизиш керак эди. Лекин қуролни ушлашим ҳамоно руҳим чўқди. Ўргатувчи буни пайқаб, дарров тўппончани қўлимидан олди. Ўшанда тушунганман, энди менинг шоир юрагим уйғонган, ўлдириш тугул қуролни ушлашга ҳам тоқат қилолмас эканман.

Кўпинча командирлардан тортиб оддий аскарларгача жангга ичкилик ичиб ва ҳатто наркотик модда истеъмол қилиб киради. Қўрқувни енгиш учун! Қолаверса, шуури, қалби туғён қиласиди-да. Сархушликда эса киши дадил, қўрқмас бўлишдан ташқари, нима қилаётганини ҳам билмай қолади. Аслида-ку, одам урушда ярим маст, карахтиқда, деймизми, юради.

Бир куни яқин дўйстлар даврасида ўтирган эдик. Улфатчилик авжида. Икки киши уруш қатнашчисимиз. Шеригимнинг кайфи ошиб қолди шекилли, урушда асирга тушган душманни кўплашиб қай аҳволга солгандарини гапира кетди (тафсилотини айтмайман). Қарасам, ҳозиргина чақчақлашиб ўтирган жўраларимиз жиддий тортиб, гапиргувчиға бақрайиб қолишган. Шеригимни оҳиста

туртдим, парво қилмади. Шартта елкасидан тутиб, “хе-эй!” дедим-да, силтаб ташладим. Ўзига келди. Келдию йиғлаб юборди. Билдимки, дўстим ичкилик сабаб ўша ишларни қилгандаги ҳолатига тушган. Чунки ўшанда ҳам маст бўлган. Ҳа, урушда инсоннинг дийдаси ана шундай қотиб кетади.

Яна бир мусибат шуки, урушда одамлар ўртасидаги адоват чек-чегара билмай қолади, улар шафқат непигини унутиб қўяди. Ёки аксинча, кимлардадир меҳр-шафқатнинг олий кўринишлари намоён бўлади.

Тағин бир озгина хотира қўшсам, айбга буюрмассиз: бир қишлоққа душман ўрнашиб олган эди. Агар тўғри бостириб кирсак, кўп талафот кўрамиз. Маъқули – аввал тўп ва танклардан ўқса тутиш. Лекин қишлоқда тинч аҳоли ҳам бор-ку! Бошлиqlаримиз кўлига “карнай” олиб, ўрис, пуштун, инглиз тилларида аёллар ва болалар қишлоқдан чиқиб, бизнинг оптимизга ўтиб олиши мумкинлигини айтди. Бу бизнекиларнинг урушда ҳали ўз қиёфасини йўқотмаганидан дарак эди. Бундан эса қалбларга оз бўлса-да илиқлик югуради.

Ниҳоят, қишлоқдан икки аёл ўн беш-ийирма чоғли болани етаклаб чиқиб келди. Бола шўрликларнинг юз-кўзларида кўркув акс этиб турарди. Оптимизга ўтказиб юбордик. Бир пайт аёллардан бири келиб, взвод командиримизнинг (ўрис) оёғи остига ўзини ташлади.

– Нима деяпти бу “баба”? – деб сўради у мендан ёвуз тиржайиб.

– Болалар нон деб йиғлаляптийкан. Қишлоқдан нон обчиқволай, деяпти, – дедим мен.

Командир “Балки шпиондир”, дея рухсат бермади. Бизда ҳам озиқ-овқат танқис эди. Шунинг учун болаларга раҳмим келиб, командирни кўндиришга уриндим. Ахийри рухсат берди-да, менга масхаромуз боқиб, деди:

– Қариндошларнингга раҳминг келди-да, а?! – У афғонларнинг мусулмон эканига, ранг-рўйимиз ҳам ўхшашлигига ишора қилганди. Айни пайтда командирнинг юз-кўзида раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ эди.



Урушда, энг аввало, оддий халқ – кексалар, аёллар ва болалар азият чекади, неки хорлик-хўрлик бўлса, шулар кўради. Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлайман. Бирон юрга (ички уруш бўлса, шаҳарга, қишлоққа) бостириб кирган ғаним, биринчи навбатда, аёллар билан болаларни хўрлашга тушади. Чунки у йўл-йўлакай кўп нарсасини йўқотган, кўп азобларни бошдан кечирган, энди ўч олиш пайида бўлади. Эр кишини отишлари, чопишлари, сўйишлари мумкин. Бир-икки дақиқа чидаб турса, савил жондан қутулади-қўяди. Бироқ аёллар ва болаларнинг хўрланганини кўришдан Худо асрасин. Қилмиши учун жазоланмаслигини ҳис этган ғаним калласига келган номаъқулчилиқдан қайтмайди. Урушнинг энг даҳшатли кўринишлари ана шунда намоён бўлади.

Яқинда телевизорда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг хотираларини эшишиб қолдим. Воқеа Белоруссияда бўлган экан. Қўшин Минскни кўлга киритгач, ҳарбийларга ўрмонда фашистларнинг додини берган партизанлар ҳам келиб қўшилади. Энди кейинги манзиллар учун жанг бошланади. “Улар (яъни партизанлар) биздан фарқли жанг қиласиди: қандайдир жонғифо, аёвсиз, шафқатсиз... Бунинг сабабини кейинроқ тушундим. Фашистлар партизанларнинг туғишганларини отиб ташлаган ёки тириклайн ёқиб юборган, қишлоқларини вайрон қилган. Уларнинг юрагида нафрат, қасос ва яна қасос яшарди, холос”, дея эслайди фахрий. Уруш инсонни ана шундай ўзгартиради.

Уруш кўрган кишилар билан учрашувларда кўпинча улардан “Одам ўлдирганимисиз?” деб сўрашади худди машхур “юлдуз”ни учрратгандек. Саволи шўрлик уруш қатнашчи-сининг юрак-бағрини тилкалаб ташлашини ўйлаб ҳам ўтиришмайди. У эса не деб жавоб берини билмайди. Тан олсинми, рад эти-синми? Ахир, бу унинг бир умрлик азоби-ку!

Уруш ҳақида бадиий асар ёзиш қийин. Биз Толстой, Шолохов, Ҳемингуэйни, ўзимиздан Ойбек, Шуҳрат, Ўткир Ҳошимов, Кўчкор Норқобилни биламиз. Урушда иштирок этиб, у ҳақда асар ёзиш икки ҳисса қийинроқ. Чунки мудҳиш кунларни яна қайта яшашинга, яшаганда ҳам ойлаб, ийллаб мунтазам яшашинга тўғри келади. Бунинг азобини бошидан ўтказган билади.

Уруш ҳақида кўп гапирдим. Аслида муддао тинчлик ва унинг қадри борасида сўзламоқ эди. Назаримда, тутган йўлим тўғри. Чунки уруш офатини ҳис этмай туриб, тинчликнинг моҳиятини англаш мушкул. Дунё адабиётида уруш ва тинчликни кенг миқёсда тасвирлаб берган, талқин ва тадқиқ этган ёзувчи ҳазрати Толстой десак муболага бўлмас. У “Уруш ва тинчлик” романининг учинчи жилдини бундай бошлайди: “1811 йил охирига келиб, Фарбий Оврупо қўшинларини астойдигул куроллантириш ва тайёргарлигини кучайтиришни бошлади ҳамда 1812 йилда бу қўшин – миллионлаб одамлар Farbdan Шарққа – Русия сарҳадлари сари йўл олди, зеро, 1811 йилдан Русия кучлари ҳам худди шундай ҳаракат қилганди. 12 июняда Фарбий Оврупо қўшинлари Русия сарҳадларини бузиб кирди ва уруш бошланди, яъни инсон

Инсоният цивилизацияси эллик олти асрга тенг бўлса, шундан факат уч асри (294 йил) осойишта ўтган, холос. Шу давр мобайнида 8 мингга яқин абадий тинчлик битимлари тузилган, лекин уларнинг амал қилиш муддати аксар ҳолларда 10 йилдан ошмаган.

ақлу тафаккурига ва умуман бутун инсоният табиатига зид ҳодиса рўй берди. Миллионлаб одамлар бир-бирига қарши беҳисоб ваҳшийликлар, хиёнат, ўғрилик, соҳтакорлик, қароқчилик, ёнғин ва қотилликларни содир этардики, жумлаи олам қозилари асрлар оша бундайин жиноятларни жам этолмайди ва айни дамда уларни амалга оширган кишилар қилмишларини жиноят, деб ҳам билмайди” (муаллиф таржимаси).

Бу ерда буюк ёзувчининг “...уруш бошланди, яъни инсон ақлу тафаккурига ва бутун инсоният табиатига зид ҳодиса рўй берди”, деган фикрига энди кўшилиш қийин, негаки, қирғинбарот одамзод феълидаги, табиатидаги хос ва турғун жиҳатга айланиб бўлган. Миллионлаб одамларнинг бир-бирига кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилиши эса урушнинг асл қиёфасидир. Умуман, Толстой одамлар тинчлик даврида қандай ташвишлар, ўй-хаёллар билан яшагани юрушда ўзини қандай тутганини моҳирона чизиб беради ва уларни кўпроқ уруш тарбиялаганини исботлайди.

Қадимги одамлар саводсиз, ёввойирок бўлган ва ҳатто улар учун бир-бирини ўлдириш оддий эҳтиёждек туюлган, деймиз. Ҳа, ҳозирги инсоният ақлли, ўқимишли, тараққиёт билан баробар одимлайди, фикрлайди, юлдузни бенарвон уради, яъни коинотни ҳам забт этмоқ пайида. Лекин бир-бирига курол ўқталмоқдан тийилгани йўқ. Аксинча, ўлдиришнинг турфа усуулларини ўйлаб топмоқда. Энди урушлар ҳам “майдалашгандек”, шахсийлашгандек. Узок йиллардан бери ўйлаб келган фикрим бу кун ўз исботини топгандек. Мен уруш одамзоднинг эрмагига, шунчаки томошасига айланиб қолишидан кўрқар эдим. Қўрққанимча бор экан: бугун инсон нафақат бирон ғоя учун, балки ўзини кўрсатгиси келиб қолса ҳам биродаркушлик қилмоқда. Шунчаки эрмак учун, киприк ҳам қоқмай бирорвонинг жонига зомин бўлмоқда. Ўзича ҳар хил гурухлар ва ҳатто давлатлар тушиб, “бильган қўшиғини айтмоқда”. Энг ёмони, энг даҳшатлиси, урушни, одам ўлдиришни оқлашгача бормоқда. Йўқ, урушни, тирик жонга қасд қилишни ҳеч қаҷон оқлаб бўлмайди!

Мана, бир неча йилдирки, Украинаадек ирик давлат нотинч. Бу талотўларда четки душманларнинг кўли борлиги тайин. Бироқ шўрлик халқни бу кўйига солганилар, энг аввало, ношуд раҳбарлар, бақироқ сиёсатчи-лардир. Бутун бир мамлакат учга бўлинib олиб, бир-бирининг гўштини емоқда. Бу ҳам урушнинг инсон руҳиятига таъсири, ақлу тафаккурини кўр қилиб кўйишининг исботидир. Ачинарлиси, минглаб одамларнинг ёстиғи куриди. Энди жанг қилаётган кимсаларнинг юз-кўзига бир боқинг: на изтироб, на заҳмат зуҳур этади, тиржайган совуқ турк-ангор... Ўз халқига қарши қурол кўтараётгани хаёлига ҳам келмайди. Ахир, уларнинг ота-боболари дунёни фашизм балосидан қутқармаганмиди?! Ўша урушда олд сафда туриб, жон бе-риб курашмаганмиди?! Наҳотки ўша инсонларнинг зурриёди бўлса бу манкуртлар?!

Сиёсатчилар-ку нафсу ҳокимият васвасасига йўлиққандир. Аммо Украинаадек таникли шоири ёзувчилари, санъаткорлари, спортчилари, умуман зиёлилари қани, қаёнка қарамоқда улар?! Наҳотки ўз Ватанига, халқига ачинишмаса?! “Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади”, деганларининг далили эмасми бу! Демак, ҳар бир халқнинг илғорлари уйғок ва сергак турмаса, ҳозирги мураккаб даврда ватани бошига қора кунлар тушиб қолиши ҳеч гап эмас экан.

Президент Ислом Каримовнинг мустақилликнинг дастлабки йилларида айтган бир гапи ҳамон қалбимни нурга чулғайди: “Мен ҳар қандай сиёсий курашларни, таъбир жоиз бўлса, сиёсий найрангларни бир гўдакнинг бир томчи кўзёшига алишмайман”. Таҳсинга

лойик сўзлар. Ҳар қандай эзгу ва буюк ишнинг асосида тинчлик ётади. Ўзбекистон ана ўша гўзал фоя атрофида бирлашиб, ўз максад-муддаоларига етмоқда.

Бугун инсон зотининг онг-тафаккури ривожланиб, осмонларга чиқиб кетаётганидан, тараққиёт мислсиз даражага етаётганидан лофт-коф урамиз. Лекин бу танганинг бир томони. Агар одамзод чиндан ҳам олий мавжудот бўлганда эди, олам аҳли пешволари каллани бир жойга кўйиб, жамики қирғинбарот қуроллардан воз кечган ва ўзаро муносабатларни муроса ва келишув асосида йўлга кўйган бўлар эди. Афсуски, бу ҳали-бери ширин орзулигича қолаверса керак.

Агар менга қолса бир тажриба ўтказардим: жисмонан соғлом йигирма чоғли ўғил ва қиз болаларни ажратиб олардим. Улар отаонаси бағрида яшаб, алоҳида мактабда ўқишиарди. Уларга интернетнинг ёвуз ва аҳмоқона сайлларига кириш, жангари фильмларни кўришга рухсат этилмасди. Телефондан ҳам зарур эҳтиёж учун фойдаланишар, ахборотни ҳам оқилона танлов асосида ўқишар эди. Асосан китоб мутолаа қилишарди, манзарали гўзал жойларда саир этишарди. Улар ва атрофдагилар сокин ва оҳиста гапиришар, чиройли сұхбатлар қуришар эди. Бу ҳол ўн саккиз ёшга тўлгунларича давом этарди. Ана шундай тарбия кўрган болалардан даҳолар чиқиши шубҳасиз. Улар капалаклар парвозидан завқланади, борлиқقا кулиб боқади, гулу чечаклар хидидан сармаст бўлади... Бир сўз билан айтганда, улар тинчлик одамлари! Демак, бутун инсоният тинчлик одамига айланниши керак!

Мансурхон ТОИРОВ

QORA TUYA НИКМАТИ

Сени топмоқ басе мушкелдүрүр,
топмаслиг осонким,
Эрүр пайдолигинг пинҳон,
вале пинҳонлигинг пайдо.

Алишер НАВОЙИ. “Зихе хуснунг зухуридин...”

Күти ўчиб шунда қўрқувдан,
Барча энур Тангрини таниб
Ва осийлар қўлар юзтубан
Ловуллаган ўтга чулганиб.

Александр ПУШКИН. “Қуръондан иқтибос”

“Дўл тоги ва етти осмон” мақоласи (“Тафқур”, 2014 йил 4-сон) муштариликларни бефарқ қолдирмагани каминани муаллиф сифатида мамнун этди, албатта. Муштариликлар гоҳ юзма-юз учрашиб, гоҳ қўнғироқ қилиб мақола ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён



этди. Уларнинг аксарияти мақоланинг бош ғоясини қўллаб-қувватлаб, ислом динининг муқаддас китоби – Қуръони каримни ғараз ниятда бузиб “тафсирлаш”ларга мунтазам зарба бериб бориш лозимлигини қуониб таъкидлашди. Зоро, бундай номақбул ҳатти-ҳаракатлар пайини қирқиш билан биз ўз эътиқод, анъана ва қадриятларимизни ҳимоя этамиз (ахир, дуюю илтижоларимиз, никоҳу жанозаларимиз наҳот ёлғондакам-у, ўзимиз эса алдоқчи бир ҳалқ бўлсак?!), асло Қуръонни эмас! Негаки, Қуръон ҳимояга муҳтож эмас! Унинг ўз Эгаси бор, ҳимояси ҳам Унинг зиммасидадир!

1966 йили АҚШлик астроном Карл Саган бирор сайдерада ҳаёт мавжуд бўлмоғи учун у икки талабга жавоб бериши: биринчидан, муайян юлдуз атрофида айланиши ва, иккинчидан, ундан қулай масофада жойлашиши керак, деган қарашни илгари сурган ҳамда коинотда оқтильонта сайдерада бўлса (оқтильон – миллионта септиллионга ёки 10нинг 48-даражасига teng. Немис иқтисадчиси Вильгельм Лексис ҳисобига кўра, шахмат таҳтасидаги 32 та тош эгаллаши мумкин бўлган вазиятлар сони 7,5 оқтильон бўлар экан), шундан септильонтасида ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин, деган фаразни илгари сурди. Шундан бери олимлар ўзга сайдералардаги ақлли мавжудотлар тарқатган радиосигналларни тутишга уринмоқда, бироқ шу вақтгача ҳеч бир сайдерада ҳаёт, чунончи цивилизация борлигидан дарак йўқ.

Бугун инсониятнинг олам ҳақидаги тушунчалари янада кенгайди. Энди бирор сайдерада ҳаёт мавжуд бўлмоғи учун у иккита эмас, икки юздан кўпроқ талабга жавоб бериши тақозо этилаётir. Энг қизиги, ўша сайдерада айни талабларнинг атиги биттасига жавоб беролмаса ҳам, бошқа барча омиллар чиппакка чиқади. Масалан, Юпитер каби улкан сайдерада ўзига астероидларни тортиб турмаганида, Ер юзига ёғилувчи бундай фазовий жисмлар сони ҳозиргидан минг баробар кўпроқ бўлар эди.

Бирор сайдерада ҳаёт мавжуд бўлмоғи учун зарур бўлган “нозик созланиш”дан ҳам ҳайратланарлиси – коинотдаги барча юлду-


зу сайдераларнинг ҳам худди шундай “нозик созланиш”идир. Ана шундай “нозик созланиш”-сиз Олам ҳам мавжуд бўлмас эди, деган назария мавжуд. Астрофизиклар тўрт асосий ўзаро таъсир кучи (гравитация, электромагнит, кучли ва кучсиз ядрорий)

қисмати Катта Портлашдан сўнг сониянинг миллиондан бир улушича вақт ичида ҳал бўлгани ва агар тўрт асосий ўзаро таъсир кучидан биронтаси озгина бошқачароқ бўлса ҳам, Олам ҳозиргидек бўлмаслиги мумкинлигини аниқлашди. Шу жиҳатдан, Оламнинг мавжудлиги жуда улкан мўъжизадир.

Инглиз файласуфи Энтони Флю кўп йиллар атеизм устунларидан бири бўлиб келган, шу мавзуда талай машхур китоблар ёзган. Бироқ унинг 2004 йили берган баёноти дунё илм аҳлини ларзага солди. Флю ўз дунёқарашини ўзгартиргани ҳақида матбуот саҳифаларида ёзиб, Ҳудонинг борлигига шоҳидлардан бириман, дея имон келтирди. У нега бундай қарорга келганини кейинги асарларида батафсил ёритди.

Англиялик яна бир машхур физик Мартин Жон Рис эса, гарчи ўзи даҳрий бўлса-да, физик қонунларга таяниб, Яратувчи борлигини илмий асослади ва 2014 йили соврини 1 миллион 400 минг долларга тенг Темплтон мукофотига сазовор бўлди.

Бу икки олим ортидан россиялик физик Анатолий Акимов “Московский комсомолец” газетасига интервьюсида “Ҳудонинг борлиги илмий усуллар билан асосланди”, дея баёнот берди. Унинг таъкидлашича, аввалги асрларда ҳам кўплаб физиклар Худо борлигига шубҳа қилмаган. Ҳатто Ньютон давригача фан ва дин ўртасида фарқлаш ҳам йўқ эди. Фан билан, одатда, руҳонийлар шуғулланган. Чунки улар энг маърифатли кишилар бўлган. Ньютоннинг ўзи ҳам илоҳиётчи эди ва “Ме-



ханика қонунларини мен Худо қонунларида кўраётиман", деб тез-тез такрорларди.

Микроскоп ихтиро этилиб, ҳужайралар ўрганила бошлагач, хромосомаларнинг бўлиншиш ва кўпайиш жараёнини кузатган олимлар "Ҳамонки, Парвардигор буларни азалдан тақдир этмаса, қандай қилиб шундай бўлиши мумкин?!" деб кучли саросимага тушади. Чунки бу янгилик эволюция назарияси "қобиги"га сифмас эди.

А.Акимовнинг ёзишича, агар одам танасидаги мутацион ва биокимёвий жараёнларнинг кечиш суръатидан келиб чиқилса, унинг бирламчи ҳужайралардан бино бўлиши учун Оламнинг яралишидан кўра бир неча баробар кўпроқ вақт тақозо этилар экан. Бундан ташқари, радиокузатиш олиб бориш имконияти мавжуд бўлган коинот кенгликларида квант унсурлар сони 10нинг 115-даражасидан кам эмаслиги аниқланди ва шу маълумотга таяниб, Олам Олий Онгга эга бўлмаслиги мумкин эмас, деган хulosaga келинди. "Мабодо буларнинг борчаси бир бутун тизим бўлса, демак, уни бир компьютер дея тасаввур этиб, бундай саволни ўртага қўйиш мумкин: шунча элементтага эга бўлган ҳисоблаш тизимиға ҳар қандай ҳисоб-китоб наҳотки чўт бўлса?" Сўнгра олим ҳаяжон билан бундай хитоб қиласди: "Бу, ахир, чексиз имконият дегани эмасми! Унинг кудрати энг замонавий компьютерни кидан минг чандон катта-ку!"

Фанда бирор кашфиёт қилинса-ю, Ер юзидаги турфа дин вакиллари "Бу кашфиёт бизнинг илоҳимиз мавжудлигини исботлади", деб унда ўз эътиқоди ҳақлигига исбот кўрса, қани, айтинг-чи, бугун қай бир масала муҳимроқ: "Яратувчи борми ёки йўқ?" деган саволга жавоб топишим ёки "Ушбу борлиқнинг Яратувчиси ким?" деган жумбоққа ойдинлик киритиш?

Тўғри, Оллоҳга бешак имон келтирганларнинг бунга ҳеч бир эҳтиёжи йўқ. Бироқ эътиқоди суст баъзи кишилар ҳар хил "тарғибот"лар орқасида ўз динидан кечиб, бошқа динга ўтиб кетиши ҳам мумкин-да! У динда ҳам, бу динда ҳам Худо бор-ку, деган янгилик тасаввур уларни чалғитса не ажаб! Сўнгги вақтларда, ўн уч асрдирки, ислом

динига эътиқод қўйиб келган юртимизда айрим фўр ёшлар, ҳатто катталарни ҳам ҳар хил найранглар билан ҳақ йўлдан оздириб, ўзга динларга ўтказиши кўзлаётган ғаним кучлар кўпайгани бизни янада ҳушёр бўлишга чорламайдими?! Файридинларнинг воизлари "Яратувчи Оллоҳ эмас, ўзга илоҳдор" деганида, аввало, катталаримиз, қолаверса, ёшларимизнинг бу фитна эканига ақли етиши зарур.

Муҳаммад (с.а.в.) даврида ҳам ҳеч ким Яратувчи борлигини инкор қилмаган. Ўша кезларда Каъбадаги 365 бутнинг барчасига "Яратувчи" дея сигинилган. Расууллоҳнинг (с.а.в.) аъмоли Яратувчининг борлигини исботлаш эмас, балки Яратувчи якка ёлғиз Оллоҳ экани ва Ундан ўзга илоҳ йўқлигини одамзодга етказишдан иборат бўлган.

Таассуфки, бугун Қуръони карим маънолари баъзан илм-фанга таянилмай юзакироқ тафсир этилаётганидан "фойдаланиб", бу Китоб Оллоҳнинг ваҳиди эмас, балки Муҳаммаднинг сўзларидир, деган ёлғон қарашни ёйишга ва сура-оятларни ҳам шунга мувофиқ бузиб тафсирлашга интилишлар бот-бот кўзга ташланмоқда. Биз "Дўл тоги ва етти осмон" мақоласида интернет тармоғидаги "Коранический взгляд на Вселенную" (<http://ru.wikiislam.net/wiki/>) ва "Научные ошибки в Коране" (http://islamuncovered.info/scientific_errors_in_quran) саҳифаларининг Каломуллоҳдаги фалакиётга доир оятларга қарши даъволари нақадар оқиз эканини энг сўнгги фан хulosалари асосида фош этишга ҳаракат қилган эдик. Тубандаги мақолада эса ўз номини сир тутган "интернет-муфассир"нинг (балки "интернет-муфассир"лардир) биология, тибиёт, геология каби фан соҳалари бўйича янги даъволари ҳам нақадар пуч эканини яна энг янги фан хulosаларига таяниб исботлаш ниятидамиз.

"Интернет-муфассир" Қуръоннинг бир оятига қўйидагича "раддия" билдиради (иқтибосларни аслият тилида бераётимиз – М.Т.): **И. ГРУДЬ СЖИМАЕТСЯ НА ВЫСОТЕ. Эта сура говорит, что на большой высоте грудная полость уменьшается, когда в действительности верно обратное. "Кого**

пожелает Аллах вести прямо, уширяет тому грудь для ислама, а кого пожелает сбить с пути, делает грудь его узкой, тесной, как будто бы он поднимается на небо" (Коран, 6:125).

Бизнингча, "интернет-муфассир" ушбу оят магзини чақишига ожизлик қилган. Оятда "Кимники адаштиришни ирода этса, кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандагидек тор ва сиқиқ қилиб қўяди", дейилаётир ва бунда самолёт ёки ракетада самога кўтарилишга ўхшаш ҳолат назарда тутилаётир. Оятда баландликка, дейлик, тоқقا чиқишдаги каби ҳолат ҳақида сўз бораётгани йўқ. Тўғри, тоқقا чиқиш ҳолатига татбиқан "интернет-муфассир" бир қадар ҳақ. Чунки денгиз сатҳидан қанча юксалиб борилса, атмосфера босими шунча камаяди, одам ички босими эса, бунинг аксича, кўтарилиб, танада мувозанат бузилади ва кўкрак қафаси кенгаяди.

Ракета ёки самолёт самога кўтарилишида эса бундан фарқли ҳолат рўй беради. Ҳар икки ҳаво кемаси ҳам кўкка кўтарилиш учун тезланма ҳаракат қилади. Фанда тезланма ҳаракат туфайли жисм (бизнинг мисолимизда пассажир ва космонавт) оғирлигининг ортиши "g" белгиси билан ифодаланади. Бундай ортиш 2g бўлганда одам вазни 2 барабарга, 4g бўлганда эса 4 барабарга оғирлашади. Одам тинч ҳолатда 1g куч таъсирида бўлади. Бу борада фуқаро самолётлари учун рухсат этилган меъёр 4,33g га teng. Чунки одам 5g гача бўлган босимга дош бера олади. Машқ қилиб тобланган учувчи эса 9g босимга ҳам чидаши мумкин. Агар босим куйига эмас, юқорига қараб бўлса, 2-3 г даёқ одамнинг кўзи қизарib, миясига қон куйилади ва оқибатда хушини йўқотади.

Самолёт ёки ракетада кўкка парвоз қилаётган кишида босим асосан кўкрак қафасига тушади. Оқибатда кўкрак ва қорин бўшлиги сиқилиб, нафас олиш ва нафас чиқариш оғирлашади. Кўкрак ва куракда оғриқ пайдо бўлади. Юрак уриши тезлашади, қон босими ортади. Шундай қилиб, оятда айтилганидек, чиндан-да кўкрак торайиб сиқилади.

"Интернет-муфассир" ушбу оят магзини чақа олганида, у инкор этувчилар эмас, имон

келтирувчилар сафида бўларди. Чунки XX аср фан-техникаси кашф этган ҳақиқат бундан 1400 ийл аввал ваҳий билан нозил этилган. Ҳар қандай тоф тепаси, чунончи, Жамо-лунгма чўққиси ҳам осмон эмас, ер эканини "интернет-муфассир" назардан қочирган кўринади. Афтидан, у ер сиртини тухум сирти каби сип-силлиқ деб тасаввур этса керак.

"Интернет-муфассир" ўз фикрини давом этириб, яна бундай ёзади: **II. ГРЕШНЫЕ ЖИВОТНЫЕ.** По словам Аллаха, животные вместе с людьми будут судимы за свои грехи. То есть, курица, человек и насекомое будут стоять бок о бок в ожидании суда Аллаха. И это, несмотря на то, что животные не имеют человеческого сознания, а управляются инстинктом. "Нет животного на земле и птицы, летающей на крыльях, которые не были бы общинами, подобными вам. Мы не упустили в книге ничего, потом к вашему Господу они будут собраны" (Коран, 6:38).

Қиёматда барча жонзотларнинг одамлар билан бирга Маҳшар майдонида жамланишидан мурод – савоб-гуноҳи сарҳисоб этилаётган кишидан бирор жонзот яхшилик кўрган бўлса, уни Оллоҳ ҳузурида ҳимоя қилмоғи ёхуд, аксинча, ушбу кишидан бирор жонзот ёмонлик кўрган бўлса, ундан ўчини олмоғи, яъни бир сўз билан айтганда, Буюк Адолат тантанасидир. Ана шундан сўнг бояги жонзот тупроққа айланниб кетади. Хуллас, "интернет-муфассир"нинг бу даъвоси ҳам, худди аввалигиси каби хато, пучдир.

Сўнг қуидаги даъво илгари сурилади: **III. СУЩЕСТВУЕТ ТОЛЬКО ВОСЕМЬ ВИДОВ СКОТА.** На самом деле, существуют десятки видов скота. Автор Корана рассказал о парах (самце и самке) овец, коз, быков и верблюдов, и пренебрег другими видами скота из регионов, находящихся за пределами Аравии. "Он сотворил вас из единой души, потом сделал из нее пару и ниспоспал вам из животных восемьарами" (Коран, 39:6).

"Интернет-муфассир" "ўнлаб чорва моллари" деганида нималарни назарда тутгани бизга қоронги. Чунки чорва моллари сони,

оятда айтилганидек, чиндан-да саккизат: 1) кўй; 2) эчки; 3) қорамол; 4) от; 5) тuya; 6) як (кўтос); 7) шимол буғуси; 8) қуён. Оллоҳ чўчқа ва эшак гўштини ҳаром қилгани сабаб биз уларни чорва моллари сафига кўшмадик. "Интернет-муфассир" балки уларни ҳам ўз саногига киритгандир ва шу асно "ўнлаб чорва моллари" пайдо бўлгандир. Энди кўённи чорва моллари сирасига киритганимиз сабабига келсак, бу "қилмиш"имиз "интернет – муфассир"га малол келиши аниқ. Ўзимизни муҳофаза қилиш учун унинг она тилидаги бир интернет сайтидан қуидаги иқтибосни келтирамиз: "Это сельско-хозяйственное животное. Он входит в категорию "скот". Так что если не передвинете клетки с кроликами подальше от забора соседа, проиграете дело" (<http://otvet.mail.ru/question/167532411>). Хуллас, қуён ҳам чорва моллари сирасига киришини унинг ўз ҳамюрти далиллаб турибди.

"Зумар" сурасининг чорва молларига доир 6-ояти Куръони карим маъноларининг русча таржималарида қуидагича баён этилади: "Он создал вас из единого существа. Потом сотворил из него же пару и ниспоспал вам восемь животных парами" (Магомед-Нури Османов); "Он создал вас из одного человека. Он сотворил из него жену ему и ниспоспал для вас из скотины восемь животных парами" (Эльмир Кулиев); "Он сотворил вас из единой души, потом сделал из нее пару и ниспоспал вам из животных восемь парами" (Игнатий Крачковский); "Он всех вас создал из одной души / И из нее же сотворил ей пару. / Он ниспоспал для ваших нужд / Восемь голов скота попарно" (Валерия (Иман) Порохова); "Он сотворил вас от одного человека; потом из него произвел супругу ему, и доставил вам в пищу восемь скотов в четырех парах" (Гордий Саблуков).

Куръони карим маъноларининг ўзбекча таржималарида эса айни оят бундай баён этилади: "У сизларни бир жондан яратди. Сўнгра ундан жуфтини қилди ва сизларга чорва молларидан саккиз жуфтини тушириди" (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф); "У сизларни бир жондан (Одамдан) яратди,

сўнгра ундан жуфтини (яъни Ҳаввони пайдо) қилди ва сизлар учун чорва ҳайвонларидан саккизта жуфтни тушириди (яъни дунёга келтириди)" (Шайх Алоуддин Мансур) ва ҳоказо.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва шайх Алоуддин Мансур таржималарида саккиз жуфт чорва моллари ҳақида сўз боради. Олтинхон тўра ва шайх Абдулазиз Мансур таржималарида эса, қадимги тафсирларга суюнилиб, чорва моллари сони тўрт жуфтга келтирилган. Ўша тафсирчилар Арабистон ва Ўрта Осиёда яшаб ўтгани сабаб ўз назари тушган молларга қараб шарҳ битган бўлса ажабмас. Лекин қуён истисно этилса-да, кўй, эчки, қорамол, от, тuya – жами беш жуфт чорва моли чиқмайдими? Қуённи эса, жисман кичик бўлгани сабаб, "чорва моли" дегилари келмагандир.

"Интернет-муфассир" яна қуидаги давони илгари суради: **IV. ЧЕЛОВЕК МОЖЕТ СПАТЬ ТРИ СОТНИ ЛЕТ.** Человек не может спать более двух дней, если он не в коматозном состоянии. Тем не менее, автор Корана добавил в свой текст известный миф "О семи спящих отроках", взятый из христианского фольклора. "Вот юноши спрятались в пещеру и сказали: "Господи наш, даруй нам от Тебя милосердие и устрой для нас в нашем деле прямоту". И Мы закрыли их уши в пещере на многие годы. Потом Мы воскресили их" (Коран, 18:10-12).

Инсон ўз ҳаётининг учдан бир қисмини уйқуда ўтказди. Бу – табиий ҳол. Лекин файритабии ҳол – летаргик уйқу ҳам мавжуд. Бундай уйқу ҳақида асотир ва эртакларда бот-бот сўз юритилса-да, бироқ унинг фанда аниқ изоҳи йўқ.

1954 йили украиналик Надежда Лебедина эри билан жанжалдан сўнг уйкуга ётиб, орадан 20 йил ўтгач уйғонади. Бу орада эри ҳаётни тарқ этган, 5 яшарлик қизалоги эса 25га кирган эди. Энг қизиги, Надежданинг танаси ҳеч ҳам қаримаган, шунча ётгани билан бирон жойи қадоқ бўлмаган. Летаргик уйқудан сўнг Лебедина яна 20 йил умр кўрган.

Норвегиялик Августина Леггард туғуруқдан сўнг 22 йиллик уйкуга кетади. Унинг

ҳам танаси мутлақо қаримайды. Августина уйғонгач, эрини чақириб, “Фредерик, анча кеч бўлиб қолгандир. Гўдакнинг қорни ҳам очгандир. Мен уни эмизмоқчиман!” дейди. Ваҳоланки, ўша чақалоқ энди 22 ёшга қирган қиз бўлиб, у онасига ҳайрат-ла боқиб турар эди. Августина бир йилдаёқ қариб, кампирга айланиб қолади. У яна икки йил умр кечириб, ёруғ олам билан видолашади.

Хўш, юқоридаги маълумотлардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Ахир, Қуръоннинг “Қаҳф” сураси 10–12-оятларида ана шу лентаргик уйку ҳақида сўз бормаяптими?! Табииики, “интернет-муфассир” бундай уйқудан воқиғ бўлмаса, бунга Қуръон айбдор эмас.

“Интернет-муфассир”нинг “автор Корана добавил в свой текст известный миф “О семи спящих отроках”, взятый из христианского фольклора”, дёя Қуръон муаллифи сифатида Оллоҳни эмас, Мұхаммадни (с.а.в.) таниши ва ул зотни кўчирма-кашликда айблаши ҳам катта адашишдир. Ҳамонки, Оллоҳ битта, дин ҳам битта экан, барча пайғамбарларни ҳам У юборгану барча илоҳий Китобларни ҳам У туширган экан, албатта, ўхшаш воқеа, ўхшаш насиҳат, ўхшаш эътиқодлар бўлади-да! Исломий эътиқодга кўра, Довудга (а.с.) Забурни, Мусога (а.с.) Тавротни, Исога (а.с.) Инжилни, Мұхаммадга (с.а.в.) Қуръонни фақат Оллоҳгина туширган – ҳар бир пайғамбар, ҳар бир Китобнинг худоси бошқа-бошқа эмас. Шундай бўлганидан кейин Оллоҳ Қуръонда илгари ўтган пайғамбарлардан бирортасига Ўзи юборган Китобидаги мисол, масал, ҳикоя ва қиссани тақрорласа, шуни кўчирмакашлик дейиладими?! Оддий мантиқни тушунмаслик-бильмаслик оқибатидагина шундай хато фикрга келиш мумкин.

“Интернет-муфассир” “фикрлаш”да давом этиб, яна бундай ёзади: **V. ВЫМЫШЛЕННЫЕ СКАЗКИ. Люди чудесным образом превращаются в обезьян. “Вы знаете тех из вас, которые нарушили субботу, и Мы сказали им: “Будьте обезьянами презренными!” (Коран, 2:65).**

Инсон боласи оламга келгач, “Кимман ўзи?” деган саволни ўзига ҳам, бошқаларга

ҳам бериши табиий. Ушбу савол ортидан эса яна бошқалари пайдо бўлади: “Инсон нима ўзи? У қандай вужудга келган? У нималардан иборат? Ҳаёт манбаини қаердан олади? Бизнинг яратувчимиз ким?..” Биологлар ниҳоят инсон геномини ўқиш йўлини топганида барча қаттиқ ҳаяжонга тушди. Чунки энди “Ҳаёт ўзи нима ва у қандай вужудга келган?” деган саволга жавоб топиш имконияти туғилғандек эди. Бироқ генлар устидаги янги изланишлар ушбу саволга жавоб бериш ўрнига ахволни баттар чигаллаштириди.

Геномларни ўқиш йўли топилиши эволюция назарияси чекланган эканини кўрсатди. Чунки ушбу назарияга кўра, инсон 300 минг йиллик тадрижий йўлни босиб ўтган. Ваҳоланки, унга бирламчи ҳужайрадан пайдо бўлиш учун 6 миллион йил ҳам етмас экан. Хўш, буни қандай тушунмоқ керак? Қолаверса, одам ва маймундаги генетик ўхшашиблик 98-99 фоиз бўлса-да, улар бир хил ташки қиёфага эга эмас. Ҳолбуки, ит ва тулкида ҳам генетик ўхшашиблик таҳминан шунча. Лекин уларнинг ташки қиёфаси қарийб бир хил. Бунисига энди нима демоқ лозим?

Биологик ҳужайрадаги хромосомалар сони одамда 46 та (23 жуфт), шимпанзе ва гориллада эса 48 та (24 жуфт) экан. Бу фарқ олимларга маълум бўлгач, улар одам ва маймуннинг ташки кўринишию ақлий лаёқати ўртасида қандай қилиб бундай улкан фарқ юзага келганини изоҳлай олмай қолди. Бундан ташқари, Ер юзида тарқалган 30 миллион турдаги жонзот, ўсимлик ва бактериялар ўрганилиб, уларнинг барчасида муайян бир генетик код топилган. Лекин улар орасидан инсонгина ақл-фаросат, тил-забонга эга, угина ўз моҳиятини англамоққа қодир. Бу албатта, улкан жумбоқдир.

Биологлар аниқлашича, одам ДНКсидаги генларнинг 5 фоизигина ирсият учун хизмат қилар экан. 95 фоизи эса “балластик”, яъни “сукут сақловчи” генлар бўлиб, инсон ҳаёти ҳақида ахборот йиғар экан. Хўш, одамга шунча кўп генлар захираси нимага керак? Балки улар одамзодга келгусида аскотар? Яъни ушбу генлар келажакда фаоллашар? Шу фарзлар кишини обдон ўйлантириб қўяди.

2006 йили одам геномида MGC8902 генининг 212 та нусхаси борлиги аниқланган. Шимпанзеда бундай нусхалар сони 37 та, сичқон ва каламушда эса атиги битта. MGC8902 гени ҳозирча вазифаси ноаён бўлган DUF1220 оқсилини кодлайди. Фанга ушбу оқсилининг бошмия нейронларида мавжудлиги аён. Олимлар MGC8902 гени одам эволюциясини бошқарган деган фикрда. Афсуски, DUF1220 оқсили жумбок бўлиб тургани сабаб кўп саволлар бежавоб қолмоқда.

Одамзоднинг ноёблик сири 1-2 фоиз генлардагина мужассамлашган. Шимпанзе да фаол ҳаракатда бўлган генлар одамда сўниб, “сокин” генлар кўринишини олган. Бундай генлар сони яқин-яқингача ҳам ўнта деб келинар эди. АҚШдаги Мичиган университети олимлари “PIOB Biology” журналида эълон қилган ахборотга кўра, одам геномида ген 10 та эмас, 50 та “сокин” геннинг ўхшиши шимпанзе ва бошқа хил маймунларда фаол ҳаракатда экан. Ана шу 50 та геннинг фаол ҳаракатдан тўхташи сабаб одам ўз приматидан фарқланган, деган тахмин ҳам бор. XX асрнинг 90-йилларида АҚШлик файласуф Мансур Олсон “Less is more” (“Камми, демак кўп”) деган фаразни илгари сурди. Унга кўра, генларни бой бериш ижобий ўзгаришларга олиб келади. Масалан, MYH16 генининг сўниши одамда чайнаш мускуллари озайишига сабаб бўлган, бу эса ўз галида мия катталашувига имкон яратган.

“Интернет-муфассир” ғараз нигоҳини қаратган “Батаҳқиқ, сизлардан шанба куни тажовузкорлик қилганларни билдингиз. Биз уларга “Кувилган, хор-зор маймунга айланинг”, дедик” (“Бақара” сураси, 65-оят) оятiga келсак, одамдаги 50 та “сокин” геннинг фаоллашиши унинг секин-аста ёки бир зумда шимпанзе ёхуд бошқа хил маймунга айланishiغا сабаб бўлса ажабмас! Хайриятки, биологлар ана шу 50 та “сокин” генни фаоллаштириш йўлини тополмаяпти. Агар шундай кашфиёт қилингудек бўлса, айrim ёвуз кучлар бундан ўз мақсади йўлида фойдаланиши ҳеч гап эмас.

“Интернет-муфассир” яна бундай фикр юритади: **VI. ЭСКИМОСАМ, ТАКЖЕ, ПРИ-**

ДЁТСЯ ВЫПОЛНЯТЬ УТРЕННЮЮ И ВЕЧЕРНЮЮ МОЛИТВУ КРУГЛЫЙ ГОД. МЫ ВИДИМ, ЧТО ОГРАНИЧЕННОСТЬ ЗНАНИЙ АВТОРА КОРАНА СТАВИТ ПОД ВОПРОС УНИВЕРСАЛЬНОСТЬ ЕГО УЧЕНИЯ. “Выполнем молитву при склонении солнца к мраку ночи, а Коран – на заре” (Коран, 17:78).

Куръони карим маъноларининг русча таржималарида ушбу оят қуйидагича баён этилади: “Выполняй молитву при склонении солнца к мраку ночи, а Коран – на заре. Поистине, Коран на заре имеет свидетелей!” (Игнатий Крачковский); “Совершай обряд молитвы начиная с того времени, когда солнце (после полудня) начнет склоняться к ночному мраку, а также (совершай) утреннее чтение молитвы, ибо утреннюю молитву слушают (ночные и дневные ангелы)” (Магомед-Нури Османов); “Совершай намаз с полудня до наступления ночного мрака и читай Коран на рассвете. Воистину, на рассвете Коран читают при свидетелях” (Эльмир Кулиев); “Твори молитву (всякий раз), / Когда клонится солнце к мраку ночи. / А на рассвете дня читай Коран, – / Ведь чтение на утренней заре, / Поистине, свидетелей имеет” (Валерия (Иман) Порохова).

“Интернет-муфассир” шарҳидаги иқтибос юқоридаги таржималарнинг бирортасига ҳам мос келмайди. Бу эса Қуръон “танқидчи” сининг нохолислигидан дарак беради, дейиш мумкин.

Эскимослар ибодатига оид даъвога жавобни бу элат ҳақидаги баъзи маълумотлардан бошлай қолайлик. “Эскимос” сўзи “хомлигича еювчи” (“хом баликни еювчи”) деган маънони англатади. Дарҳақиқат, мазкур халқнинг емаги хом гўшт, балиқ ҳамда мева-резаворлардан иборат. Дунёда эскимослар, 2010 йил маълумотларига кўра, 170 минг нафар бўлиб, улардан 55 минг 942 нафари АҚШда, 50 минг 480 нафари Канадада, 50 минг нафари Гренландияда, 18 минг 563 нафари Данияда; 1 минг 738 нафари Россияда яшайди. Улар эскимос, инглиз, рус, датликлар тилида сўzlайди. Эскимослар эътиқод қўйган динлар – шомонлик, анимизм, насронийлик (протестантлик ва православиедир).

Хоҳ АҚШ, хоҳ Канада, хоҳ Дания, хоҳ Россияда яшовчи эскимослар бўлсин, агар ислом динини қабул қилса, Қуръони каримнинг “Исро” сураси 78-ояти бўйича ўз фарзларини ҳеч бир тўсиқсиз адо этаверади. Қуёш қиши фаслида уч ой чиқмайдиган, ёз фаслида эса шунча вақт ботмайдиган ўлкаларнинг эскимослари ҳам ҳадисга таяниб ва фатвога эргашиб, беш вақт намозини ўқиб, 30 кунлик рўзасини тутаверади. “Интернет-муфассир” бирор марта самолётда учган бўлса, унда мусулмонлар ўриндиқда ўтириб, намозини ўқиб кетаётганини кўргандир, ахир! Бунинг учун ҳеч ким уларни гуноҳкор санамаслигини у билиб кўйса дуруст бўларди. Зоро, шариатда ҳар қандай вазият пухта ҳисобга олинган, Ер юзининг ҳар бир жойида ибодат қилиш йўриклиари ишлаб чиқилган. Россияда Воркута деган ўлка бор. Яқинда шу ерда яшовчи мусулмонлар йиғилиб, “Ойдин тунлар” (“Белые ночи”) бошлангани сабаб ибодатда Макка вақтига ўтишгани ҳакида хабар тарқатишиди. Бунда Гринвич вақти олинмаганинг боиси Макканинг географик координата узунлиги Шимолий қутбга мос келиши билан изоҳланса ажабмас.

“Интернет-муфассир” яна Қуръони каримдаги кўйидаги далолатга шубҳа билдиради: **VII. МОЛОКО ПОСТУПАЕТ ИЗ МЕСТА МЕЖДУ ЭКСКРЕМЕНТАМИ И КРОВЬЮ.** На самом деле, молочные железы, производящие молоко, находятся вне тела, а экскременты находятся в кишечнике – внутри тела. Молоко и экскременты не находятся рядом друг с другом. “Для вас и в (вашем) скоте – назидание. Мы поим вас из того, что у них в желудках между калом и кровью молоком чистым, приятным для пьющих” (Коран, 16:66).

АҚШлик буюк ихтиорчи Томас Эдисон “Сут бизлардан кўра олимроқ кимёгар томонидан яратилган”, деган эди. Аслида ҳам шундай. Сигир оддийгина ем-хашакни шу қадар мазали ва ёқимли сутга айлантириши, албатта, ҳайратланарлидир!

Биологлар сут безларида сут қандай ҳосил бўлишини ҳали-ҳануз тўлиқ аниқлаган эмас. Шундай экан, “интернет-муфассир”

ҳеч бир қарши далилсиз ҳам ўз даъвосидан воз кечмоғи жоиз. Лекин шундай бўлса-да, барibir, айрим далиллар келтирамиз. Хўш, замонавий фаннинг бу масалага, гарчи умумийроқ бўлса-да, муносабати қандай? Фикримизни қийин илмий атамалардан воз кечиб, жайдари тилда ифодалай қолайлик: сутни ҳосил қилувчи компонентлар ем-хашакни ачитқига айлантириб берувчи қоринда обдон ишланади ва қон оқимидан “улов” сифатида фойдаланиб (диққат қилинг, бир литр сут ҳосил қилиниши учун 400-500 литр қон сут безларидан ўтиши лозим!), елиндаги сут безларига боради ва биз билган сутга айланади. Компонентларнинг ортиқаси қонга сўрилмайди, балки нажас билан ташқарига чиқиб кетади. Оятда сут ҳосил бўлиш жараёни гўзал ва лўнда тарзда “Чорва ҳайвонларида ҳам сиз учун, албатта, ибрат бордир. Биз сизларни уларнинг қорнидан, гўнг ва қон орасидан ичувчилар (томоги)дан осон ўтувчи соғ сут ила сугорамиз” (“Наҳр” сураси, 66-оят), дея баён этилиши, ахир, мўъжиза эмасми?! Сутнинг қон ва нажас оралиғидаги жараёнда ҳосил бўлаётгани ҳеч бир киши, чунончи, “интернет-муфассир”да шак-шубҳа қолдирмаслиги лозим.

Шундан сўнг “интернет-муфассир” кўйидаги масалага ўтади: **VIII. АЛЛАХ ЗАЩИЩАЕТ МУСУЛЬМАН В МЕККЕ.** Это ложное обязательство Аллаха. Джуман аль-Отаби, Абд-Аллах ибн аль-Зубайр и Абу-Тахир аль-Джанаби убили в Мекке тысячи мусульманских паломников. Язид бен Муавия послал на Мекку войско и осквернил Каабу. Сегодня, во время каждого хаджа, в Мекке погибают десятки мусульман. Безопасность Мекки весьма сомнительна. “И вот, сделали Мы этот дом сборищем для людей и надежным местом” (Коран, 2:125).

“Бақара” сурасидаги ушбу оят Қуръони карим маъноларининг русча таржимларида кўйидагича баён этилади: “(Вспомни,) как мы сделали Мекканский дом местом сбора и прибежищем для людей. Сделайте же место стояния Ибрахима местом свершения молитвы. Мы повелели Ибрахиму и Исмаилу: “Содержите в чистоте мой дом для соверша-

ющих обход вокруг него, для уединяющихся, преклоняющихся и падающих ниц” (Магомед-Нури Османов); “Вот Мы сделали Дом (Каабу) пристанищем для людей и безопасным местом. Сделайте же место Ибрахима (Авраама) местом моления. Мы повелели Ибрахиму (Аврааму) и Исмаилу (Измаилу) очистить Мой Дом (Каабу) для совершающих обход, пребывающих, кланяющихся и падающих ниц” (Эльмир Кулиев); “И вот, сделали Мы этот дом сборищем для людей и надежным местом: “И возьмите себе место Ибрахима местом моления.” И Мы заповедали Ибрахиму и Исмаилу: “Очистите Мой дом для совершающих обход, и пребывающих, и преклоняющихся, и падающих ниц!” (Игнатий Крачковский); “И (вспомните): назначили Мы этот Дом / Для собирания людей воедино / И безопасным местом (для людей), – / Возьмите место Ибрахима для себя молельней. / Поставили в Завет Мы Ибрахиму и его сыну Исмаилу /Очистить этот Дом (от скверны) / Для совершающих обход, / Для предающихся (благочестивым думам)./ Для преклонившихся (в молитве перед Аллахом), / Простертых ниц пред именем Его” (Валерия (Иман) Порохова).

“Интернет-муфассир” шарҳидаги иқтибос бу гал ҳам биронта нуғузли рус мутаржими матнига мос келмайди. Бизнингча, аввал унга нисбатан кўллаганимиз “нохолис” сифати ёнига энди “кибрли” ёрлигини ҳам тақишимиз жоиз. Акс ҳолда у азбаройи камтарлиги боис юқоридаги таржималарнинг бирортасидан фойдаланиб қўя қолган бўлар эди.

Шу ўринда ислом тарихига бир кур назар ташлайлик. Язид I – умавийлар сулоласига мансуб иккинчи ҳалифа бўлиб, мазкур сулола асосчиси Муовия I нинг ўғли эди. Унинг ҳалифалик даври сўнгига, аниқроғи, 683 йили Мадина аҳли исён кўтариб, умавийларни шаҳардан қувади. Шундан сўнг Макка ва Куфада ҳам қўзғолонлар бошланади. Аммо бу ғалаёнларни Язид I кўшини дарҳол бостиради. Мадина аҳлини эса Муслим ибн Үқбатаслим этади. Голиб Шом лашкари Мадинани уч кун талайди. Бир неча саҳоба исёнчи сифатида қатл эттирилади. Абдуллоҳ ибн

Зубайр ўзини ҳалифа деб эълон қилган Макка эса қамалга олинади. Қамал қилувчилар Макка деворини бузади ва шаҳарга ўт кўяди. Каъба ҳам олов ичидаги қолади, Қора тош (Ҳажар-ул асвад) аланга таъсирида ёрилади. Бироқ ҳалифа Язид I тўсатдан қазо қиласиди. Шундан сўнг ҳалифалик таҳтига Муовия II ўтиради, аммо у бир неча ой хукмронлик қиласиди, холос...

Абдуллоҳ ибн Зубайр келгуси ҳаж мавсумигача Каъбани қайтадан қуради. Орадан ўн йилча вақт ўтгач, золимлиги билан номчиқарган Ҳажжож ибн Юсуф умавий ҳалифа Абдулмалик ибн Марвон ижозати билан Абдуллоҳ ибн Зубайр қурган Каъбани бузиб, уни қурайшийлар давридагидек қилиб қайта тиклади. Абдулмалик ибн Марвон умра зиёратига келганида Абдуллоҳ ибн Зубайр Каъбани Пайғамбар (с.а.в.) қандай қиёфада қўришни орзу этган бўлса, шундай қилиб қайта қургани ҳакида эшигади ва қилмишидан пушаймон ейди. Орадан яна бирмунча вақт ўтиб, ҳалифа Ҳорун ар-Рашид ҳам Каъбани Расууллоҳ (с.а.в.) истакларига муовифик, Абдуллоҳ ибн Зубайр қургани каби, қайта тиклашни ният қиласиди. Лекин имом Молик ҳар бир хукмдор Каъбани қайта-қайта бузиб, қуравериши мақбул иш эмас, дея ҳалифани бу ўйлдан қайтаради.

Маккада ҳаж қилувчилар беҳад кўпайган йилларда одам тирбандлигидан баъзиларнинг жароҳат олиши ёки шаҳид бўлиши ҳоллари ҳам юз берган. Чунончи, 1990 йили Минодаги ерости йўлида мингдан ортиқ ҳожи шаҳид бўлган. Маккага даҳшатли вабо ёпирилган даврлар ҳам қайд этилган. Масалан, 1831 йилдан 1930 йилгacha 27 марта вабо эпидемияси тарқалган. Булар орасида энг даҳшатлиси 1907 йили юз берган ва унда 20 минг ҳожи ҳалок бўлган.

1979 йили Ҳарамда 500 жангари 6 минг ҳожини гаровга олган. Уларнинг раҳнамоси ал-Утайба Сауд Арабистони нефти АҚШга сотилмасин, давлат бойлиги исроф қилинмасин ва Сауд хонадони таҳтдан воз кечсин деган талабни ўртага қўйган. Саудия ҳарбийлари ҳожиларни кутқариш учун уч марта

хужум уюштириб, уч гал ҳам бундан натижа чиқаролмайди. Шундан сўнг Франция ҳукуматидан ёрдам сўралади. Нихоят, ҳожилар гаровда турган масжидни француз ҳарбийлари ишғол этади. 200 нафар жангари ер тишлатилади, аммо 250 нафар ҳожи ҳам шаҳид бўлади.

Каъба ва унинг теварагида инсонни ўлдириш тугул, кўнглини оғритиш ҳам ҳаром қилинган. Айниқса, ҳожилар эҳромдалик чоғида наинки инсон, балки жонивор, ҳатто курт-кўмурсқага ҳам озор бермаслиги лозим. Илоҳий ҳукм шундай. Аммо риоя бошқа. Бундан Оллоҳни ёлғончига чиқариб бўлмайди-ку! Диққат қилинг-а, Оллоҳ “Тинч жой қилдик”, деяпти, “Қиёматгача тинч бўлади” деяётгани йўқ! Агар У қатъий қилип “Тинч бўлади” деганида, албатта тинч бўларди – биз юқорида зикр этган ишлар рўй бермасди. Унда бу дунёнинг имтиҳон сири қолармиди?! Демак, “Тинч қилдик”, деган ҳукмга риоя этганлар билан риоя этмаганлар ўзаро ажralиши учун ҳам ихтиёр инсонда қолдирилган. Масалан, Оллоҳ Куръонни ўзгармас ҳолда саклашни ўз зиммасига олган ва “Қиёматгача уни ҳеч ким ўзгартира олмайди”, деб қатъий айтган – шу дамгача уни ҳеч кимса ўзгартира олмади, бундан кейин ҳам ўзгартириши душвор. Ахир, қанча ҳаракатлар бўлди! Хуллас, Язид I ва унинг издошлари ҳукмга итоат этмаганлар тоифасидандир. Оллоҳ ҳаром қилган ишлардан тийилмаган мусулмонлар аввал ҳам бор эди, ҳозир ҳам бор.

“Интернет-муфассир” тарихни бир оз чуқурроқ билганида, “Уй”ни одамлар учун масаба ва омонлик жойи қилганимизни эсланг” (“Бақара” сураси, 125-оят) калимасига ёпишиш учун Язид I ни танламаган бўлар эди. Маккада ҳам баъзан одамлар, чунончи, ҳожилар ўлиши сира ажабланарли эмас. Зоро, Оллоҳ бирор бандаси, ҳатто пайғамбариға ҳам ўлимни бекор қилмаган. Қазоси етган банда, қаерда бўлмасин, ўлмай қолмайди. Ажали етмагани эса, ҳар не бўлса ҳам, тирик қолаверади.

“Интернет-муфассир” “Бақара” сурасининг 125-оятини “Маккада ўлим бекор қилинган”, дея талқин қилиш ўрнига Каъба ва

уни ўраб турган Масжид ул-ҳаром Оллоҳ учун ибодат қилмоқга энг афзал жой эканига диққатни қаратса дуруст бўларди. Ер юзининг бошқа бирор ерида ибодат учун бундай қулай табиий шароит йўқ, ахир! Бизнингча, мазкур оятда айнан шу ҳақда сўз бораётир – қойил қолмайсанми, гумроҳ банда!

“Интернет-муфассир” яна қуйидагича давъо қиласи: **IX. МАТКА ЖЕНЩИНЫ ИМЕЕТ 3 СЛОЯ.** Матка женщины имеет гораздо больше слоев, таких как эндометрий, миометрий, периметрий, брюшина, шейка матки, тело матки, брюшинный покров, плацента (со слоями). “Он творит вас в утробах ваших матерей, одним творением после другого в трех мраках” (Коран, 39:6).

“Интернет-муфассир”нинг айни давъосига унинг тилидаги бир адабиётдан олинган иқтибос-ла жавоб қайтарамиз: “Матка состоит из следующих трех частей: 1) дно матки – это верхняя выпуклая часть матки, выступающая выше линии впадения в матку маточных труб; 2) тело матки – средняя (большая) часть органа, имеет конусовидную форму; 3) шейка матки – нижняя суженная округленная часть матки”. Иқтибосда яна давом этамиз: “Стенка матки состоит из трех слоев: 1) периметрий (серозная оболочка – tunica serosa seu, perimetrium); 2) миометрий (мышечная оболочка – tunica muscularis seu, myometrium); 3) эндометрий (слизистая оболочка – tunica mucosa seu, endometrium)”.

Қўриниб турибиди, “интернет-муфассир” бачадон қатламлари дея давъо қилаётган “брюшина”, “шейка матки”, “тело матки”, “брюшинный покров”, “плацента (со слоями)” кабилар, аспида, ундаги бирор қисмнинг таркиби, холос. Оятда ҳар қандай қатламлар эмас, ёргулек ўтказмайдиган қатламлар ҳақида сўз бораётир. Ҳомила қоринда эмас, бачадонда ўсишига доир бу оятни замонавий биология ва тиббиёт тасдиқ этяпти-ку, ахир!

“Интернет-муфассир” шунга яқин яна бир мавзуда бундай фикр юритади: **X. СПЕРМА ПРОИЗВОДИТСЯ МЕЖДУ ПОЗВОНОЧНИКОМ И РЕБРАМИ.** Автор Корана не имел научных знаний, кроме повторения распространенных научных ошибок своих

современников. Сегодня мы знаем, что сперма производится в семенниках, а не между позвоночником и ребрами. "Пусть же посмотрит человек, из чего он создан! Создан из воды изливающейся. Выходит она из хребта и грудных костей" (Коран, 86:5-7). Яйце-клетка женщины не упоминается. Автор Корана не упоминает о роли яйцеклетки, поскольку единственное, что он видел во время полового акта – это сперму. Эта сура не упоминает о важной роли женской яйцеклетки в воспроизведстве человека. "Он создал супругов – мужа и жену – из капли, когда она извергается" (Коран, 53:45-46), "которая выходит между хребтом и грудными kostями".

Маълумки, одам ҳужайралари муттасил янгиланиб туради. Масалан, тери ҳужайралари ҳар икки ҳафтада, қон ҳужайралари ҳар 150 кунда ва ҳоказо. Умуман олганда эса, одам ҳужайралари ҳар етти йилда бир марта тўлиқ янгиланади. (Мия ҳужайраларигина бундан мустасно.) Шунга кўра, швед неврологи Йонас Фрисен "Ҳар бир катта ёшли одам, аслида, ўн беш ярим ёшга тенг", деган холосага келган. Хўш, янги ҳужайраларни организм қаердан олади? Ҳужайралар захираси қаерда жойлашган?

Саволга жавоб излашни сүяк мияси нималигини аниқлаб олишдан бошлаган маъқул. Кўпчиликка "умуртқа мия" тушунчаси анча таниш, лекин "сүяк мия" тушунчаси унча маълум эмас. Содда қилиб айтсан, одам склетини ташкил қилувчи барча сүяклар ичиди мия жойлашган. Япалоқ сүякларда мия қизил бўлса, найсимон сүякларда у сариқдир. Одатда, қизил мия ҳаракатчан, фаол, сариқ мия эса камҳаракат, суст бўлади. Бу ўринда сариқ мияни бир четга суреб, фақат қизил мияга диққатни қаратамиз. Сабаби – айнан қизил мия ўзак ҳужайралар манбаи ҳисобланади.

Ўзак ҳужайраларнинг бош хусусияти шуки, улар тўлиқ ривожланмаган бўлади ва қулай муҳитда турли хил тўқимага айланади. Бошқача қилиб айтилса, ўзак ҳужайралар деганда ихтисоси бўлмаган ва бўлина оладиган, шу билан бирга, ҳар хил тўқима-

лар шаклига кириб, ривож топиб кетадиган тўқималарга айтилади. Кўп босқичли бўлиниш ва ихтисослашиш жараёнини бошдан кечирган ўзак ҳужайралдан бошқа турли ҳужайралар вужудга келади. Одам организми қон билан оқиб келаётган ўзак ҳужайраларни тутиб олади ва уларни ўзи тақчиллик сезаётган бошқа ҳужайраларга айлантиради. Демак, инсон танаси ўзини янгилаш учун зарур "хомаш"ни ўзак ҳужайралардан олади, ўзак ҳужайралар эса қизил мияда ҳосил бўлади. Ўз галида, қизил мия манбаи, асосан, қовурға сүяклари ҳисобланади.

Эркаклик ҳужайралари бўлмиш сперматозоидлар ҳам ҳужайраларнинг бир тури эканига таяниб, энди қўйидагиларга диққатни қаратайлик. Ҳозирги замон тибиёти эркаклик ургуни ҳосил қилувчи ўзак ҳужайралар, асосан, умуртқа ва қовурға сүяклари бирлашган жойдан ажралиб чиқиши ва мояқда сперматозоид шаклини олишини аниқлади. Демак, сперматозоидлар гарчи мояқда пайдо бўлса-да, уларни ҳосил қилувчи ўзак ҳужайралар қовурға ва умуртқа бирлашган жойдан ажралиб, қонга сўрилади ва у орқали моякка боради. Куръондаги "У отилиб чиқувчи сувдан яратилгандир. У (сув) субл (умуртқа) ва тароиб (кўкрак) орасидан чиқадир" ("Торик" сураси, 6-7-оятлар) калимасида ҳам сўз умуртқа ва кўкрак сүяклари оралиғи хусусида бораётир.

Куръони карим маъноларининг русча таржималарида "Торик" сурасининг 5-7-оятлари бундай баён этилади: "Пусть посмотрит человек, из чего он создан. Он создан из изливающейся жидкости, которая выходит между чреслами и грудными костями" (Эльмир Кулиев); "Пусть подумает человек о том, из чего он! Он создан из излившейся власти, которая вытекает из чресел (мужчины) и тазовых костей (женщины)" (Магомед-Нури Османов); "Пусть человек подумает над тем, как он был создан! / Он создан из воды, что изливается (струей) / И из грудных костей, и из хребта исходит" (Валерия (Иман) Порохова); "Пусть же посмотрит человек, из чего он создан! Создан из воды изливающейся. Выходит она из хребта и грудных костей" (Игна-

тий Крачковский). Ушбу таржималарда ҳам бизнинг далилимизга қарши ҳеч гап йўқ. Демак, “интернет-муфассир”нинг ушбу даъвоси ҳам, худди аввалгилари каби хато, пучдир.

Дания қироли Христиан X 1941 йили машҳур биокимёгар Кай Линдестрём–Лангга оқсил ва ферментлар устидаги самарали изланишлари учун шу мамлакатнинг олий илмий мукофоти – Эрстет медалини топширап экан, олимдан ўзига ва маросим ахлига фермент аслида нима эканини тушунтириб беришни илтимос қиласди. Шунда олим куйидаги ривоятни сўзлаб беради.

Бир арабнинг мол-давлати 17 туяга юк бўлар экан. У қазоси олдидан уч ўғлини ёнига чақириб, уларга бундай васият қилибди: “Катта ўғлим – оиласам таянчи, шу боис у тяяларнинг 1/2 қисмини олсин. Ўртанча ўғлимга эса уларнинг 1/3 қисмини мерос қолдирдим. Кенжа ўғлимга тяяларнинг 1/9 қисми тега қолсин”. Ушбу сўзларни айтиб, ота жон таслим қилибди. Падарининг азасини бажо келтиргач, ака-укалар меросни тақсимламоқчи бўлибди. Лекин бунинг ўйуни сира топа олишмабди. Ахир, 17 та туяни на икки, на уч ва на тўқизига тақсимлаб бўлар экан-да. Уларнинг боши қотиб турганда сахродан бир дарвеш ўтиб қолибди. Бу зот устига китоб ортилган қора туяни етаклаб олган экан. Ака-укалар унга мурожат қилиб, жумбоқни очишида ёрдам сўрабди. Шунда дарвеш “Отангизнинг васиятини бажо келтириш осон. Мен сиз-

ларга ўз тумни бераман – сиз меросни тақсимлаб оласиз”, дебди. Энди ака-укаларнинг туяси 18 та бўлибди, жумбоқ ҳам осонгина очилибди. Катта ўғил барча тяяларнинг ярмини – 9 тасини олибди. Ўртанча ўғилга 6 та туя тегибди. Кенжа ўғил ҳам ўз ҳаққи бўлган 2 та туяга эга бўлибди. 9, 6 ва 2 рақамлари кўшилса, 17 сони юзага келиб, мусофирирнинг туяси ортиб қолибди. Жумбоқни шу тариқа ҳал этган дарвеш ўз туясини етаклаб, яна йўлига равона бўлган экан. “Мана шу қора туя ферментга ўхшайди. У бўлиши даргумон жараённи вужудга келтирди. Айни чоқда, ўзи ўзгаришсиз қолди”, дея ҳикоясига якун ясайди Линдестрём–Ланг.

Шояд, ушбу мақоламиз ҳам дарвешнинг қора туяси каби “интернет-муфассир”га ўхшаш кимсалар чалкаштирган ва охир-оқибат жумбоққа айланган масалаларга ойдинлик киритса!..

Мақолани “Бақара” сурасининг 136-ояти билан якунлашни жоиз топдик: “Айтинглар: “Оллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъкуб, асботларга (Яъкуб алайҳиссаломнинг 12 ўғлидан тарқалган зурриётларга – М.Т.) туширилган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва Пайғамбарларга Роббилиридан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламаймиз ва биз Унга мусулмонлармиз” (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси).



Ашурали ЖЎРАЕВ

SO'ZING – O'ZING

Чироғим мудом ёниб турсин десангиз, шамолнинг йўлини
вақтида тўсинг.

* * *

Яхши шеърнинг юки бўлиши керак дейдилар. Лекин бу фикрни
филдай шеърга чумолининг юкини ортса ҳам бўлади, деб
тушунмаслик лозим.

* * *

Зиёлиси яқдилу яктан бўлмаган эл саҳрова адашган карвонга
ўхшар.

* * *

Ҳар сафар хато қилганимда ўзимни юрагимдаги надомат
дорига осолмай қийналаман. Арқонинг мунчалар заиф бўлмаса,
юракдаги дор?!

* * *

Олмосни фақат олмос кесади.

* * *

У нафи тегмайдиган одамнинг ҳатто кўчасидан ўтмайди.

* * *

Асл шеър – юракда бўрон ясар.

Хато қилган одамнинг устидан асло кулманг. Чунки
кулиб, хато қиласиз.

Катта талантлар ҳамиша ҳам катта феълли
бўйлавермайди.

Кўз – қиёфанинг харитаси.



Мудом ҳақсизликдан нолиймиз-у, ҳақиқат учун курашмоққа
журъат қилмаймиз.

Мени мақтасангиз, қулогимга мақтанг. Бошлиғимиз эшитсалар
хафа бўладилар-а!

Киприк қоқма, жоним, юлдузлар тўкилади!..


Баъзи матбуот нашрлари тишсиз қарияга ўхшаб қолди.


Кўрқоқ дўстдан ҳушёр дўст хавфи.

Фикри тез ўзгарувчан одамнинг мучали ҳойнаҳой читтак бўлса
керак.

Ишёқмаснинг иши – нолиш.

Гўшт есам тишимга, емасам тушимга киради.





Майда гаплар уммонида сузиз юрган... катта ҳалқмиз.

Ҳар жойнинг тулкисини ўша жойнинг тозиси овлайди. Аммо тулки билан този ошна бўлса-чи?..

Тилни тиймоққа ақлдан занжир даркор.

Содиқ итнинг содиқлиги... янги хўжайинга садоқатида ҳам кўринади.

Устоз Озод Шарафиддинов бир гурунгда бундай лутф этган эди: “Одам меҳнатига яраша маош олмаса, маошга яраша меҳнат қиласди”.

Фикр – мисоли эркин қуш, уни нобакор овчилардан асраш керак.

Ёзсанг ёзавер: адабиётнинг супургиси пўлатдан.

Сўзинг – ўзинг.

Дарахтлар – сабр ҳайкаллари.

“Аввал кузат, кейин тузат” деган нақлга қўшимча: “Агар ишинг битмаса – аста узат”.

* * *

Тўнканинг вазифаси – атрофида гуркираб турган оғочларга
ваҳима солиш, холос.

* * *

Шўродан қолган манзара: тантана билан қўйилган ҳайкал
нафрат ила қулатилади.

* * *

Насридин Афандининг адабиётимиздаги тўнгич фарзанди –
Faфур Гулом, ўртансаси – Сайд Аҳмад, кенжатоий – Неъмат
Аминов.

* * *

Ишламаган қонун – бадҳазм овқат сингари айнийди.

* * *

Ўжар одам – ўсал одам.

* * *

Ҳамсоясининг ҳўқизи йўқолса, ашула айтиб излайди.

* * *

Ёмғирда қолган гулдан томчилар муччи олди.

* * *


Яхши гап оёқ ёзгунча, ёмон гап қанот чиқаради.

* * *

Ҳақиқатни айтишдан қўрқсангиз, гапирманг. Гапирдингизми –
ҳақиқатни айтинг!



Мұхаммад ШАРИФ



Хикоя

— Войдод, вой ўлай! Болта күтариб келаётганмиш! Энди нима қилағыз? — Ўттизга ўрлаб қўйган жувон темир дарвозани даранглатиб ёпиб кирди-да, қўлидаги чўлтоқ супургини четга улоқтириб, катта даҳага кирган қуртдек пишиллаб ётган эрини титраб-қақшаганча уйғотишга тушди. — Ҳой! Турсангиз-чи ғафлат босмай! Акангиз келаётганмиш, қўлида болта! Войдод, одамлар, шўримиз қуриди!..

Жувон ҳовли ўртасидаги темирдан ясалган ҳалинчак-каравотда қўлларини икки ёнга ланг ташлаб хуррак отаётган эрининг елкасидан қаттиқ-қаттиқ силтади. Турткининг кучидан каравот лапанглаб, ғижирлаганча нари бориб, бери келди. Каравот чайқалганида Акмалнинг қўллари уруғлай бошлаган садарайҳонларни дув силкитди. Ҳовлини қуюқ рапхон ҳиди тутди.

Акмал акаси келаётгани ҳақидаги хабарни илғаб-илғамай пешонаси қаттиқ тиришди, бироқ болта күтариб олганмиш, деган гапдан кўзлари мошдек очилди. Эрталабдан бир бало бошланади шекилли, деган совуқ ўйдан бадани жимиirlаб кетди. Хотини оёғи куйган товуқдек ҳовлини гир айланиб типирчилайди, “Вой худойим-эй, ўлдириб қўйса-я?!“ дея тинимсиз жаврайди, бир уйга киради, бир чиқади, рўмолини қайта-қайта танғийди – силлиқ шойи мато бошида турмай сирғалиб тушаверди.

Акмал құлларини мушт қилип пешонасига тираганча үйланиб қолди, кейин оғир уф тортиб қаравотдан турди. Қачондир охири бўлиши керак-ку бунинг, бор-э, бошга тушганни кўз кўрар, нима бўлса бўлди, бу ёғи энди худодан – шу ўй билан у ўзини босиб олишга уринди, тамбаланган темир дарвозага югурик нигоҳ ташлади, ҳовли этагидаги оғилхонага кириб, бир қўлида эски болта, иккинчисида синган кетмон сопини кўтариб чиқди, уларни дарвозахона деворига суюб қўйди. Хотини аллақаердан бешлик топиб келди.

– Қараб ўтираверамизми? Мен мелиса чақираман! – деди хотини.

– Агар акам қамалса, иккита боласини олиб келиб қўлингга тутқазаман, ўзинг боқасан! – Акмалнинг бу гапидан кейин хотинининг овози ўчди. – Нега тўрсайиб турибсан, уйга кир, дамингни чиқарма, агар остона ҳатлаб ташқари чиқсанг, бошингни ёраман. Болаларни тез энангни кига жўнатвор. Ҳа, айтганча, Акромни уйғот, дарров чиқсин.

Бир оздан сўнг янгасининг авзойидан салкам ўтакаси ёрилган Акром туфлисининг иккинчи пойини оёғига илиб-илмай акасининг ёнига ҳаккаласб келди.

– Сен қоч, Акром. Тез қоч! Эрталабдан қайгаям борардинг... Ҳа, Сайдазимнинг дўконига яширин. У дўконини аzonлаб очади.

– Сиз-чи, сиз нима қиласиз? – деди Акром қўzlари чақчайиб.

– Мен билан ишинг бўлмасин, бу ёғига худо пошшо!

Акмал тақдирга тан берган, акаси шу келишида бошида тегирмон тоши юргизса ҳам чидаши кераклигини билади.

Уч ака-ука отадан етим қолибдики, катта ўғил Адҳамнинг калтаги укаларининг бошида синади. Бироқ қачонгача?! Аканинг шундай таъзирини берсинки, қайтиб қўл кўтаришга журъят топа олмасин. Лекин бу гал қўлида болта бўлса, иш чатоқ. Нима жин урди экан?

Ҳаким пахсакаш хотинидан айрилгач, уч ўғлини лойхонада катта қилди, дейилса сира муболаға бўлмас. Ён-атрофдаги қишлоқларда унинг қўлидан чиқмаган пахса девор кам. Кейинроқ болаларини ёнида олиб юрадиган бўлди. Энди у пахса урганда болалари лой тепиб беради. Кенжаси нимжонроқ бўлганидан лойхонага тушмас, акалари лой тепса, у лойпанғиллоқ ўйнарди. Шунданми, Акром лойи пишмаган пахсадек салга тўкилгудек, бўшангроқ кўринади. Адҳам билан Акмал, аксинча, болалигидан лой тепиб катта бўлгани боис оёқлари узун-узун, тўрт пахса баландликка ҳам лойни ўйнаб отадиган билаги ва бели бақувват ийтлар бўлиб етишди. Бироқ катта ўғил Адҳам бадфеъл, дийдаси тошдек



қаттиқ, ўтганнинг ўроғи, кетганнинг кетмонига ёпишадиган, бермаса тутиб урадиган жаҳлдор кимсага айланди. Арақ ичиб олганида Адҳамнинг одамлик сиёки қолмасди, кўзига салгина ёқмай турган кимсани урмасдан қўймас эди. Зўрдан зўр кўп, дейишади, лекин бу гап Адҳамга тегишли эмасди, оломон-калтак орасига тушиб қолганда ҳам гавдасини фоз тутиб чиқарди.

Адҳам орада бир-икки марта ўн беш суткадан қамалиб чиқса-да, мулла бўлмади, қайтага бир одамга қаттиқроқ жароҳат етказиб, бир йилга қамалди. Қамоқдан чиқиб келган куниёқ хотинини калтаклади, кейин укалари, тоғаси ва амакисини тутиб урди. Бир йил ичиди бирор-таси Адҳамни кўргани бормаганиши! Нега борсин ахир, у қамоқдалигида еттиёт бегоналар нари турсин, ғалвадан қутулган хеш-хўшларнинг ҳаммаси бирдек дўпписини осмонга отиб юрган бўлса!

Адҳам анойилардан эмас, энди ичиб маст бўлганида бегонага тегмай, фақат қариндошларини уришга одатланди. Тўғри-да, улар уйдаги гап кўчага чиқмасин дегандек мелисага чопиб бормайди, Адҳам болаларини чирқиратиб яна қамалиб кетмасин, дейди. Лекин оғирлик Акмалга тушди, у ҳам қараб турмайди, кучи етганича олишса-да, aka барибир акалик қиласди. Бир томондан, кенжалари Акромга ҳам осон тутиб бўлмайди, умрида бирорвга мушт кўтартмаган заифгина ўспирин бола ҳали. Адҳам ичиб олса уни аямай уради, "мушт қайтар менга", дейди, кўрқа-писа акасига бир-икки мушт қайтарса, "муштинг қизларникидан ҳам юмшоқ", деб калтаклайди, қайтармаса, "ҳезалак" деб яна баттар дўппослайди.

Акмал укаси Акромни олиб Россияга ишга жўнаворди ва шу тариқа аканинг зуғумидан қочиб қутулди. Ака-ука баъзан бир йилда, гоҳо олти ойда бир келиб, отасидан қолган эски уйни бузиб, янгитдан қуришга бел боғлади. Акмалнинг режаси аввал ўз уй-жойини битириб олгач, кейин укасини уйлаб, унга ҳам бир иморат солиш эди. Мусофиричилик, юрт, уй соғинчи кўнгилни юмшатар экан, ора-сира акасига пул жўнатиб турди. Майли, акам-ку барибир одам бўлмайди, лекин болалари қийналмасин, деди.

Бироқ орада кутилмаган воқеа юз бериб, тинч ҳаёт издан чиқди. У Россияда эканида акаси дабдурустдан қўнғироқ қилди: "Хотининг шаҳарга тушиб бегона эркак билан шашликхўрлик қилибди, ўз кўзи билан кўрганлар бор экан", деди жони ҳалқумига тиқилиб. Ўша пайт йигирма бешинчи қаватда ғишт ураётган Акмал ғазабдан кўкарди, қўлидаги қизил ғишт уқаланиб кетди. У сира кечикирмасдан хотинининг телефонига "ТАЛОҚСАН!" деб "смс"-нома йўллади. Хотини ҳам бир зум кечикирмай отасининг уйига жўнаворди. Акмал сафардан қайтгач, хотини билан олти ой гаплашмади. Лекин маҳалла-кўй ўртага тушиб,

эр-хотинни яраштириб қўйди. Хотини ҳам ялиниб-ёлвориб, худонинг зорини қилди: "Худо урсин, шаҳарга ҳисобот топширгани борган эдим, бошқармадагилар билан тушликка чиққандим, холос. Тил тортмай ўлай агар, бошқа бир гап бўлган бўлса". Хотини кичик бир идорада ҳисобчи эди, уйим бузилмасин деб ишдан бўшаб олди.

Бироқ ака норози бўлди. Хотини билан ярашган куни ичиб келиб Акмални ўлгудек дўппослади. Авваллари акаси сал аяб урар экан, бу гал аямади. Акмал моматалоқ юзига малҳам босаётган хотинига тикилар экан, майли, оиласи бузилиб, болаларим етим қолмади-ку, дея ўзини юпатди.

Авваллари Адҳам бирор билан жанжал бошлаганда ажратиб қўювчилар топилиб туарди, бироқ ўртага тушганларнинг кимисидир тишидан айрилиб, бошқасининг лунжи шишиб, яна бири елкасини чиқариб олгач, ҳамма томошабинга айланди-қўйди. Адҳам кейинчалик кўпроқ укаси билан жиққамушт бўлавергач, кўпчилик енгил торти: "Ўзингдан чиққани ўпкангни туширади, дейишади, акасининг ўпкасини укаси босиб қўймаса, бошқа бирорнинг қўлидан келмайди шекилли", деди одамлар. Адҳамга кўзи тушган катталар афсус билан бosh чайқайди: "Раҳматли Ҳаким пахсакаш шу болай баттол туғилганида пахса деворнинг орасига уриб кетмаган экан-да?!" "У бечора билмаган-да, билганда урворарди", дейди кимдир.

Бу орада Акмал укасини ёнига олиб яна Россияга жўнади ва шу кетганича бир ярим йилда қайтди. Келасолиб олти хонали данғиллама уй қурди. Уй ҳам майли, ҳайбатидан от ҳуркадиган каттакон темир дарвоза ясаттириб, ҳашаматли дарвозаҳона кўтарди. Дарвозаҳонанинг томи ёпилган куни акаси гандираклаб келди, бир-икки аччиқ-тиззиқ гаплар айтиб, жиғига тегди.

– Бу нима бу? Дарвозангни кўрган одам сени ўзига мақбара қуряпти, деб ўйлади. Энди бир четига гўрингни ҳам кавлаттириб қўявермабсан-да, ёзда кириб салқинлаб ётардинг! – деди кесатиқ билан.

– Энди, ака, пул меники, ўзим хоҳлагандек қураман, – деди Акмал ғазабини тишлари орасидан бир-бир ситиб чиқариб. – Хоҳласам, мақбара ҳам қурдириб қўяман.

– Хех, мишиқи, тилинг чиқиб қоптими? – Адҳам унинг тепасига келди.

Акмал акасининг авзойига қараб, ўлгудек маст шекилли, бир уриб ағдараман, деб ўйлади. Бироқ акаси худди фикрини уқиб олгандек илкис тиккасига калла қўйди. Акмал бирор соатлардан кейин ўзига келганида хотини пешонасига ҳўл сочиқ босиб ўтиради.

– Кўйинг, шу жинни акангизга tengлашманг, нима деса деяверсин... ўзи ичи куйганидан қилади, ажаб бўсин, куйиб ўлсин, – деди хотини жиғибийрон бўлиб.

Хотиним түғри айтяпти, деб ўйлади Акмал. Акаси ҳамон отаси даврида ҳашар билан қурилган уйда ўтиради, икки хона, олди айвонли уй. Шунча йил ўтиб, яқында арзик сувоқдан чиқди. Қайсиdir йили озиб-еэзib тепаси тандир, таги товуқкатаq бир рамақи тандирхона тиклади. Улфатлари билан чой ичиб ўтирганида хотини тандирни қуритиш учун ўт қалаб турган экан, тандирхона қулаб, хотинининг оёғи синган эди. Шундан бүён ҳали бошқа иморат солмади. Ҳа, ичи куяди-да! Устига устак, ўтган йилдан бери акасига пул ҳам жүнатмай қўйган.

Вақт ўтаверар экан, акаси калла қўйгандан бери, мана, орадан яна бир ярим йил ўтибди. Акмал укаси билан яна четга чиқиб ишлаб келдию қум-сувоқ ҳолида қолган иморатни бўяб-безашга уриниб кетди. Икки ой деганда уйнинг безаги тўла қўлдан чиқди, ҳовли саҳнига қирмизиранг тош ётқизди. Деворнинг устини гир айлантириб қизил тунука билан ёпди, дарвозахонага кирган унча-мунча кишининг ҳашаматдан кўзи тиниб, боши айланади. Шифтига ёқутранг пластик қоплаттири, деворларга энг охирги русумдаги нақшлар билан оро берди. Улкан темир дарвозанинг ўзи қанча туради, эҳ-ҳэ, харажатларнинг ҳисобига етиб бўлмасди. Ўзи усталарнинг тепасида туриб, кўнглига ёққан безак, ранг ва шаклларни айтиб турди. Усталар ўзининг тенгқур ўртоқлари, кўнгилдагидек ишлади. Акаси куяди-да буни кўриб, куйиш ҳам гапми, ёниб кул бўлади...

Тўсатдан дарвозанинг даранглаши унинг хаёlinи қочирди. Нимадир гупиллаб қулади, кимдир “воҳ” деди. Акмал чўчиб кетди, лекин сир бой бермай “Ким у?” деб бақирди.

– Мен, Акмал, менман, ҳе энасини... великни тормози ушламай қолди, дарвозангга тикка калла қилдим-ку, – деди дарвоза ортидаги одам оҳ-воҳ билан.

– Зокир, сенмисан? Шошма, футболкамни кийиб олай, ҳозир чиқаман, – деди Акмал.

– Чиқмай қўявер, мен зинғиллаб оптимга қайтяпман, сенга бир хабарни айтгани келувдим.

– Нима гап?

– Аканг ҳозир дўконда, – деди Зокир.

– Нима?! Акром ўша ерда эди-ку?

– Қўрқма, Акром пештахта тагига беркиниб олган, устига тешикқулчадан бўшаган коробкаларини ёпиб қўйганмиз.

– Акам нима қиляпти у ерда?

– Ичяпти.

– Ичяпти... Ким билан?

– Эрраис билан. Эрталабдан ичвоса, биласан нима бўлишини, эҳтиёт бўл-у, лекин бўшашиб ҳам ўтирма. Бўпти, мен кетдим, шошмасам бўлмайди.

Эрраисни эслаб Акмалнинг пешонаси тиришди, кейин ажабланди: акаси уни ёмон кўради, бир гал боплаб дўппослаган, Эрраис акасини бир чақирим наридан четлаб ўтарди, нега энди бирга ичиб ўтирибди экан?

Ха, калаванинг учини топгандек бўлди, ахир кеча ўзи Эрраисни тоза тузлаб жўнатган эди-ку, ана энди у акасини гижгижлаётгани аниқ.

Қишлоқ раисининг исми Абдуғаффор, орқаворатдан ҳамма уни Эрраис дейди. Аввалги лақаби Эррайим эди, халқ билмаса лақаб қўймайди, ахир. Эри четга ишга кетган жувон билан дон олишиб юргани элга достон бўлгач, энди Эрраисга айланган. Кўп қинғир ишлари боис орада бир раисликдан ҳайдалди. Унинг ўрнига келган қишлоқнинг обрўли кишиси туман марказидаги йиғинда бир марта қатнашгач, “Шу ёшимда энди ўғлим тенги болалардан сўкиш эшитишм қолувди”, деб раисликдан воз кечди. Кейин қишлоқнинг уддабурон йигитларидан бири раис бўлди, лекин уч ой ўтмай “Умрим мажлисларда ўтиб кетади шекилли, қолаверса, маҳалланинг иши нуқул эр-хотин жанжали экан”, дея у ҳам ишдан бosh тортиди. Эрраис яна эски амалига қайтди.

“Ана, айтган эдим-ку, сизларга! Мендан бошқа ким чидарди бунаقا ишга, мендан бошқа ким эплайди бу ишни?! Урадими, сўгадими, ҳам масига бардошим етади. Нима бўпти урса-сўкса, мажлисга киришдан олдин битта шишани бўшатиб, кейин қип-қизариб туравераман қўлимни кўксимга қўйиб”, деб роса мақтанибди. Айтишларича, тор давраларда у ҳар икки лақаби билан ҳам фахрланиб юармиш.

Кеча, қош қорая бошлаганда бирор дарвоза қоқди, чиқса шу – Эрраис турибди кеккайиб, қорнини қаппайтириб. Ёнидаги ёрдамчиси жигарранг жилдни gox чап, gox ўнг қўлтиғига қистиради, кирланиб, ёрила бошлаган кўйлаги ёқасини тез-тез ушлаб қўяди. Салом-алиқдан сўнг ичкари киришди, Эрраис дарвозахона ҳашаматини кўргач, ўсмоқчилаб гап бошлади:

- Ука, бу маҳалла номини биздан берухсат ўзгартириб юборганмишсан?..
- Нима қипман, нима деб ўзгартирибман?
- Мол стрит эмишми... нима эди? – Эрраис ёрдамчисига ўгирилди.
- У-олл Сит-рит, хўжайин, Уолл Страт! – деди ёрдамчиси жилд ичидаги қоғозларни титкилаб.

– Ха, шунақамиш... Уолл Стратмиш. Элнинг оғзида шу гапмиш. Одамлар бизда Уолл Страт пайдо бўлди, деб овоза қилиб юрганмиш. Катталардан ёмон дакки эшитдим, ука, бу қанақа гап энди! – Эрраис дарвозахонанинг икки ён деворига биттадан одам бўйи қилиб солинган Америка долларининг белгисига ишора қилди.

Акмал буни безак учун қилдирган, белгилар гипсдан ишланиб, девор сатҳидан бир қарич бўртиб чиққан. Оқса бўялиб, устидан лок

сурилган, шаклнинг қиррадор ва гажақдор қисмларига зарҳал ранг беҳол теккизилган, оқшомлари шифтдаги чироқлар нурида жилвала-ниб туради. Акмал етти-саққиз йил давомида уйига доллар жўнатди, хотини пишиқ-пухта чиқди, шилдироқ қоғоз пулларнинг биттасигаям хиёнат қимлай сақлади. Нихоят, мана шу ҳашаматли иморатни битирди. Бу орада Акмалнинг хаёлига ҳали ҳеч ким кўрмаган безак солиб, одамларни лол қолдириш фикри келди – шу арзанда долларнинг белгисини ясаттириди.

Акмал долларга ҳайкал қурибди, деган хабар яшин тезлигида тарқалди. Долларнинг ҳайкали Америкада, Уолл Стрит кўчасида бормиш, уни бир қутурган буқа қўриқлаб турармиш, мана энди бизда ҳам ўзимизнинг “Уолл Стрит” пайдо бўлди, деган гапни кимдир киноя, кимдир завқланиб гапирадиган бўлди.

– Сен болани каллангга қайдан келди долларга ҳайкал қўйиш? – деди Эрраис Акмалга синчков нигоҳ ташлаб.

– Билмадим... бу ҳайкал эмас, безак, деворнинг безаги, кўп жойда кўрганман бунақасини.

– Менга қара, ука, сени акангга ўхшамаган, гапга тушунадиган бола деб юрардим. Устингга мановинаقا футболка илиб олиб... бирда-иккida кўчада кўрганимда эътибор бермаган эдим, – Эрраис Акмалнинг футболкасидаги катта “Наша-Раша” деган ёзувга ишора қилди. – Энди буниси ҳаммасидан ўтиб тушибди-ку! Хуллас, ука, ҳайкалми, безакми, фарқи йўқ. Бу доллар, бу Америка, ўта нозик масала. Сиёsat билан ҳазиллашиб бўлмайди. Сенга маслаҳатим, шу буғуноқ ҳайкалларингни кўчириб ташла.

– Ие, нега кўчирап эканман? Айтдим-ку, бу ҳайкалмас, безак деб. Ўзи сиз нега менинг уйимга кириб хўжайнлик қиласиз? Нима ишингиз бор? Тегмайман, туради шундай, агар бирор келиб теса, қўлини синдираман. Ўн йил четда юриб топдим бу пулларни, нимани хоҳласам, шуни қураман, – дея тиккасига жавоб қайтарди Акмал.

– Хўв, ўпкангни бос, бола, хомлик қилма! Ҳали бирор менинг гапими икки қилмаган, аттанглаб қолмагин тағин дардингни айтгани одам тополмай, – дея чўчанглади Эрраис.

Акмал Эрраиснинг жўжахўрозда ўхшаб елка қоқишидан бир аччиғи келса, бир кулгиси қистади. Эрраиснинг тунов куни дўкончи Саидазим тасвиrlаб берган қиёфаси кўз олдига келди. Эрраис дўконга тез-тез ичгани кириб турганидан Саидазимга арзи ҳол қилиши одатий экан. Бир куни Саидазимга қўлидаги тўрт букланган қоғозни очиб, кула-кула ўқиб берибди: “Буни қара, одамларимиз юмалоқ хат, йўқ, қарғиш хат ёзишга ўтибди. Мана, мана шу хатни бирор тунда дарвозамга қистириб кетибди. Эшит! Боламга бериладиган ёрдам пулинни тўхтатганинг учун сен ер юткур худонинг лаънатига учрагин... ҳа, таниш сўзлар, ...худоёхудо-

ванда, катта қорнинг ёрилиб... ҳа, буниси ҳам эски гаплар, ...сен хотин-боз... буям эски дийдиё, ҳа, мана буниси янги, эшит, ...илоё тезроқ гўрга киргин ва устингга охирги кетмон тупроқ ташлангандаёқ ҳаромдан се-мирган танангни илонлар чақишни бошласин, ҳаромдан еганларингни сўриб-сўриб олсин".

Эрраис хатдан бош кўтариб, Сайдазимга қараб қулиди: "Мана кўрдингми, хотинларнинг оғзидан нималар чиқмайди, мени илонлар чақармиш, яна қачон дегин, гўрга кирганимдан кейин. Вой! Вой-вой-эй! Кўркиб кетяпман, баданимни илонлар чақяпти". Эрраис майитдек қўл-ларини ёнига қисиб, жилпанглабди.

Акмалнинг кўз олдидан ўша ҳолат ўтиб, мийиғида кулги пайдо бўлди. Эрраис буни дарров илғади:

– Куласан-а?! Пул шунаقا қутуртиридими сени? Кўрмаганни кўргани курсин деб шунга айтар экан-да!

– Ҳа, сиз кўриб қўйган эдингизми, етим-есир, бева-бечоранинг ҳаққини еб ётибсиз-ку! Эррайимлик қиласвериб ахийри Эрраис ҳам бўлдингиз. Бирор нарса деяптими сизга?

– Ҳўв ука, ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан, деган гапни эшифтмаганмисан дейман, тилингни тийсанг-чи! – Эрраиснинг ёрдамчиси луқма ташлади ва эҳтиёти шарт ортга бир қадам тисарилиб олди.

– Айтдим-ку, йиғиштирип доллар-полларингни деб. Бўлмаса ўзингдан кўр, оқибати чатоқ бўлади, – дея Эрраис энди жиддий дағдағага ўтди.

– Кекирдагингизни чўзманг, кеккайишингизни бошқа жойда қила-сиз. Айтдим-ку, деворимга бирорнинг қўлини текизмайман деб. Боринг, билганингизни қилинг! Осмон қўлингизда бўлса, ана, ташлаб юборинг, – деб хезланди Акмал.

Эрраис даҳанаки жанг чинига айланиб кетишини сезиб, ёрдамчи-сини олдига солиб жўнаб қолди. Лекин ёмон аччиғи чиқиб кетди, бир балони бошламаса гўрга эди. Кечроқ мелиса билан келса керак, деб ўйлади Акмал. Лекин Эрраис қайтиб келмади.

Мана, кеча нега қайтиб келмаганининг сабаби энди аён бўлди.

...Одам кутган сайин кутилаётган воқеа олдида ожизлана борадими ёки кўп ўйлаш кишининг руҳини синдирадими, Акмал шашти тушиб ке-таётганидан хавотирда эди. У дарвозахонада салмоқлаб қадам ташла-ганча нари бориб, бери келади, баъзан тўхтаб, долларнинг ярқироқ белгисига тикилиб қолади, кўз олдидан йиллар давомида тўплаб уйи-га жўнатган пуллар ўтади. Ҳақини олганидан кейин муҳожир ишчилар ётоқхонасида бисотини қандай яширгани, айниқса, бегона ва хатарнок шаҳар кўчаларида чўнтагида пулини чангллаб банк эшигига етиб ол-гунга қадар бошидан ўтказган ҳаяжонли дамларини эслайди.

Ниҳоят, ташқарида дўпир-дўпир товушлар ва одамларнинг ғала-ғовури эшитилди.

- Акмал, дарвозани оч! – акасининг жарангдор овози келди.
- Нима ишингиз бор? Очмайман, гапингиз бўлса шундоқ гапираверинг, – деди Акмал қўлидаги кетмон сопини кафтига уриб.
- Оч деяпман, бўлмаса бузиб кираман!
- Боринг, ичмаган пайтингиз келарсиз.
- Қўрқо! Ҳали шашликхўр хотининг этаги тагига яшириниб олган бўлмагин тағин? – Акасининг истеҳзоли кулгиси эшитилди.

Акаси темир дарвозани бузиб киролмаслиги тайин, лекин ҳақоратига чидаш осон эмас, бу гапни томошаталаб қўуни-қўушни, маҳалла-қўй эшитиб тургани аниқ. Қолаверса, у бир ҳатлаб девор оша тушиши мумкин-ку. Акмал ноилож дарвозанинг кичик қанотини аста очди. Кутганидек, дарвоза тагига акаси чап қўлини белига тираб, ўнг қўлидаги болтасини елкасига қўйиб, заҳарханда ишшайиб турарди. Ўн беш-йигирма қадамлар нарида бир тўп оломон буларни кузатяпти. Акаси болтанинг кети билан Акмалнинг қўксига нуқиб йўлидан нари сурди ва дарвозанинг катта қанотини жаҳл билан очди – эл кўриб қўйсин!

– Бу нима? – деди акаси деворда бўртиб турган доллар белгисига ишора қилиб.

– Ҳеч нима. Нима ишингиз бор? – деди Акмал акасининг важоҳати бу гал чиндан бошқача эканидан чўчиб. Адҳам қўлидаги болтани ўйнатиб, ярқироқ безак атрофида бир оз айланди, кейин қўққисдан ҳайкалнинг қоқ ўртасига қарсиллатиб болта солди, гипс парчалари атрофга тарсиллаб учди, ҳўв наридаги уйнинг деразасидан Акмалнинг хотини бош чиқарди ва "Войдод, одамлар ёрдам беринглар, ўлдириб қўяди", дея бақиришга тушди.

– Ие, ҳимоячиси зўр экан-ку бунинг, – деди акаси аччиқ истеҳзо билан, кейин ерда ётган гипс бўлагини моҳир футболчикдек шундай тепдики, у тўппа-тўғри уйнинг деразасига бориб урилди ва ойнани чил-чил синдириди, аёлнинг дод-войи ҳам тинди. Адҳам зумда иккинчи ҳайкални ҳам қўпориб ташлади, кейин бопладимми, дегандек атрофга мамнун қаради. Лекин бу кам эди, ҳали деворга туширилган безак нақшнинг ҳар қулочида биттадан доллар рамзи ярақлаб турарди. У девор бўёғини чопиб қўчиришга тушди. Энди Акмал чидаш туролмади, акасининг қўлидаги болтага ёпишди. Ака шуни кутиб турган эди, Акмалнинг қулоқ-чаккасига зарб билан солди. Ука гандираклаб ортга тисарилди ва шу заҳотиёқ жон-жаҳди билан рақибига ташланди. Шу тариқа ёқалашув бошланди. Акмалнинг хотини яна айюҳаннос солиб бақиришга тушди, одамларни ёрдамга чорлади, лекин уйдан чиқмади; ҳамма биладики, уларнинг ўzlари тинчимаса, бошқа бирор ўртага тушолмайди.

Энди дарвозага бир оз яқин келиб томоша қилаётган катта-кичик орасида шивир-шивир бошланди:

– Акмал Россияда узоқ юрган, ўриснинг салоси билан колбасасига тўйган, кучи кўп, акасини уриб ташлайди.

– Ўрисни овқати нима бўпти? Анҳорнинг лойқа сувиям Адҳамга куч беради. Унга иблис бас келмаса, бошқаси тенг келолмайди. Лекин ичволгандা, панд еб қолиши мумкин.

– Э, нима деяпсан, агар Акмал уриб ташламаса, битта ош мендан.

– Адҳам урса, мендан битта шиша.

Ака-ука роса муштлашиб чарчади, лекин аканинг билаги зўрлик қилди, амаллаб укасини тагига босиб олди, бир оз нафас ростлагандек бўлиб, ҳали ўнг юзи, ҳали чап юзига тарсиллатиб солди.

– Сен мишиқи, ҳали ўзингдан кетиб қолдингми? Пул қутуртиридими сени? Мана сенга доллар! Мана сенга ҳайкал! Нима, бу ер сенга Америками? Ким қўйибди сенга отамнинг уйида долларга ҳайкал қўйишни!

Ака, ниҳоят, ҳансираф ўрнидан турди, оломонга қараб ишшайди, чангга беланиб ётган укани "бўлди, тегишингни олиб бўлдинг" дегандек енгил тепиб қўйди. Кейин болтасини яна елкасига қўйиб, дарвозадан мағрур чиқди, издиҳом ўртасидан ўтиб борар экан, "Бола ҳали ёш", деб қўйди маънодор қилиб. Одамларнинг ярми аканинг кетидан эргашди, ярми қолди. Акмалнинг бир-икки оғайниси келиб, уни юпатишга тушди.

– Кўй, аканг ўзи ғирт абллаҳ, бузса бузсин эди, яна бошқатдан тиклаб оламиз. Лекин бир ойлик меҳнатимиз расво бўлди... Майли, яна бир Россияга бориб келсанг, янгитдан безаймиз.

Акмал бошини кўтариб, кўйлагининг йиртиқ енги билан оғзи четидаги қонни артар экан, ўртоғидан сўради:

– Зокир! Акам дарвозадаги доллар безакларга тегмади-а?

– Тегмади, кўрмади шекилли...

Акмал бу гапни эшлитиб енгил нафас олди, чалқанча ётганча мусаффо сомонга мамнун тикилди, баданида оғриқ сезмасди.

– Дарвозаси бузилган уй харобазор бўлади, Зокир, акам атай дарвозага болта урмаган, – деди Акмал маъюс жилмайиб. Лабининг четидан яна қон сизиб чиқкан эди.

Har tong o'zni qaqnusdek qaytadan etgum bunyod...

СУНБУЛА

Шафақ фонуслари қизгиш, оловли,
Каштага тикилган гуллардай алвон –
Шуълалар рақсига тўлгандада ҳовли
Бир четда ўқсиниб ётади нарвон.

Сўзсиз кузатасан боддан нарини –
Шом ичра сиргалар ариқдаги сув.
Қўшини боднинг холдор олмаларини
Шошганча қайгадир элтиб борар у.

Қизгиш сояларни йигиб олар тун,
Янада сулувироқ кўринар моҳтоб.
Қалбингни – галаён, дунёни – сукун
Эгаллаб олгандек туюлар шу тоб.

Осмон – юлдуз оққан тимқора дарё,
Бундай гўзалликдан дилда гулгула.
Багрингни каттароқ очиб қўй, Дунё,
Унга қадам қўяр сўлим Сунбула.

ШЕРЛАР

Ҳисор этагида қайси бир замон
Пирлар ёққанида самоъ машъалин
Камишлар оралаб наърасиз, пинҳон
Шерлар чиқар экан тавоф қилгали.



Тоглар шамолидан ўсиқ ёллари
Силкиниб, даврага боқаркан гирён,
Сукунат тилида арзи ҳолларин
Айтган чоқ юракда ёнаркан иймон.

Хўш, пирлар-чи?
Пирлар қамиши чайлада
Жону руҳ-ла тушиб зикри самоъга,
Энди тугилгандек бегуноҳ, тоза
Бўлиб қайтар экан ортга – дунёга.

Шерлар эса чайла деворларига
Суйкалиб ўтаркан навбатма-навбат –
Улар ҳам дунёнинг бедорларига
Халал бермасликка топаркан тоқат.

Ҳазрат Навоийнинг “Назмда ҳам асл анга маъни дурур, / Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур” деган машҳур байти бор. Бунда олға сурилган мазмун шарқ-ислом адабиётининг туб моҳиятини ифода этади. Ушбу хайрли анъана ўзбек шеъриятида Навоийдан ҳам уч-тўрт аср олдинроқ бошланиб, ўтган асрга қадар изчил давом этиб келди. Аммо афсус-надомат билан таъкидлаш керакки, XX аср ўзбек шеърияти бундай анъаналардан анча узилиб қолди. Миллий шеъриятимизнинг тошқин дарёдек шиддатли ва улкан бадиий қуввати сон-саноқсиз бегона ўзанлар бўйлаб сочилиб кетди.

Чамамда, бугунга келиб, шеъриятимиз асл ўзанлари томон йўл излаётгандек. Умидли шоирамиз Гулноз Мўминова шеърияти адабиётимизда юз кўрсатмаётган ана шундай қувонарли ҳодисалардан. Шеърлари мазмунидан муаллифнинг асл маъни сирларини англаб, ўзгаларга ҳам англатишга уринаётганига амин бўламиз.

Узоқ ЖЎРАҚУЛ

Түн ярмидан огиб, толиққан пирлар
Уйқуга чўмаркан – дунё унутдай.
Гулхан атрофида ястаниб шерлар,
Чайлани қўриркан вафодор имдай.

Фақат кўрингандада уфқда қуёш,
Тогларга тушганда заррин нурлари,
Шерлар ҳам заминдан кўтаришиб бош,
Сўқмоқ томон солар экан йўлларин...

Чигал саволларга тўлмиши бу дунё,
Жавоб излаши учун қайтмасми пирлар?
Шитирламай қўйди қамишилар ҳам, ё
Кирилиб битдими иймонли шерлар?..

ЭСКИ ДАФТАР

Бахтиёр эдим мен: кулгуларим шўх
Ва бегона эди қалбимга дардлар.
Ногаҳон юракка санчган каби ўқ,
Рўпарамдандан чиқди кундалик дафтар.

Ўтган кунлар ёди келди қошимга
Маҳшарда марҳумлар ростлагандай қад.
Мен эса... шу сиймо ва шу ёшимда
Ёдмас, унтишини истайман фақат.

Нетайки, шафқатсиз фурсат шамоли
Аёвсиз титади умрим дафтарин.
Ногоҳ, кул яширган чўглар мисоли,
Фош бўлиб қолади маҳзун қайдларим...

Йўқ, мен хотиротга бўлмасман таслим –
Ожизман ўзимни енга олмасам!



Дафтарга тикилиб совуққон ва жим
Сүнг бор мұқовадан олгайман бұса.

Таскин истамасман, чорламагин, бас,
Дилга ғулу солар ҳар қандай овоз.
Йүқ, бу ёнаётган юрагим әмас,
Дафтаримни ўтга ташладим, холос.

ЭГИЛМАГАН БОШ

- Эгилган бошларни қилич кесмайды,
Эгилган дилларга хавф солмас ўлим.
- Эгилган дилларда үмид ўсмайды,
Бош әгилса, ҳаёт ҳаётми, гулым?

- Сукутда қолмишлар валийлар ҳатто
Килич келган чоги азиз бошига.
- Асл ботир учун титрамоқ хато
Ўлим акси тушган тигнинг қошида.

- Наҳотки, баҳтдан ҳам афзал гүрүр, ўч,
Энди бу ёгига етмагай бардош...
- Эгилган бошларни унутар қилич,
Мангу ёдда қолар әгилмаган бош!

ҲАР КУНГИ ЭРТАК

Ёвқур әмас, ношуддир бу кас,
Тулпор әмас, қирчанги оти.
Мажбурият советин бирлас
Кийиб, ўзин сезади ботир.

Сермар ҳаёт қамчисин, ҳүркап
От, сүнг елар учиб кетгүдек.
Рүзгор – аждар. Оғзи ўт пуркап
Қозон қайнатишга етгулик.



Козон қайнар, күнгил совийди,
От ҳорииди, толар чавандоз.
Умр – күрпа, армон қавийди,
Бармогига игна санчиб боз.

Тугаб қолар эртак авжиды,
Эркак боқмас ҳамон ботиниб:
Турмуши деган горнинг оғзиды
Маликамас, турар хотини.

ХАЙРЛАШУВ ОЛДИДАН

Сен умримга гул эмас, күтариб кирдинг олов,
Шунданми шеърларимдан куюк ҳиди анқийди.
Аввал бошда лаҳзалар, сўнг кунлар ёнди лов-лов,
Бу гулхани кўзёшлилар ўчиролса қанийди.

Сен умримга олов-ла кириб келдинг, гул эмас,
Ўт-оташни оралаб юрибман шундан буён.
Олов кўкка ўрласа – қаҳ-қаҳ отдим басма-бас:
Куйган товоналаримга ўзга манзил йўқ, аён!

Пушаймондан наф йўқдир, қанча ёниб куйламай,
Рости гап, бу оловни гуриллатган мен ўзим:
Қўшидим юрак қўримни бирор лаҳза ўйламай,
Ўтга тушган хазондек жизганак бўлди рўзим.

Ҳар тонг ўзни Қақнусдек қайтадан этгум бунёд,
Ҳар бир кунимнинг бордир ўз гулхани – олови.
Ўтиналари жаннатнинг богидан, лек минг фарёд
Дўзах тандирларидан олингандир қалови...
Сен умримга гул эмас, олов күтариб кирдинг...

ХАҚ ЧОЛГУСИ

А.Н.га

Күнгил – Ҳақнинг чолгуси, дўстим,
Бир куйласа, тинмас, огоҳ бўл.
Сен гурурдан осмондек ўсдинг –
Сен чолгуга узатяпсан қўл!

Алмисоқда кўрувдим сени,
Рұхлар аро турардинг ғирён.
Ҳақ торидан истайсан нени,
Нега бугун севгинг беомон?

Кўнгил – Ҳақнинг чолгуси, дўстим,
Ўз куйидан тўлган, кемтилган.
Инсон борки, чўзади дастин,
Инсон борки, унга интилган...


Шундан “оҳ”га тўлгандир очун,
Шундан ойнинг ўн беши қаро.
Ҳақ чолгусин асрамоқ учун
Йўл излайман туманлар аро.

У куйласа – тингламоқ азоб,
У иигласа – бўлмас тиндириб.
Ҳаққа қандай айтарсан жавоб,
Чолгусини қўйсанг синдириб?!

Кўнгил – Ҳақнинг чолгуси, дўстим...



Бахтиёр НАЗАРОВ



FITRAT VA BUNIN



XX аср ўзбек адабиётининг жаҳон сўз санъатидаги ўрни ва роли қандай? Биз бу саволга жавоб излашга узоқ вақт бирёқлама ёндашдик. Дунё тан олган хориж адилари, аксаран рус ёзувчилари ўзбек қалам аҳлига кўрсатган таъсирни топишга гоҳида холис, кўпинча эса зўраки интилиш билан машғул бўлдик. Ҳолбуки, ўзбек ёзувчилари ҳам ўз асарлари билан жаҳон сўз санъатию адабий жараёнига улуш кўша олгани айни


ҳақиқат. Аммо биз бу улушни тадқиқ ва таҳлил орқали кўрсатиш тутуп, ҳатто эътироф этишга ҳам чўчилик, журъат қилмадик. Бугун эса ўша хато ва камчилликларимизни мардларча тан олиш, айни ўзимиздан – ўз танқидчи ва адабиётшуносларимиздан қидириш ўрнига нуқул шўро сиёсатию унинг мафкураси зуғумига тұнкаётірмиз.

Оврупо ва Америка танқидчилиги ҳамда адабиётшунослигининг кўпдан-кўп хусуси-

Бахтиёр Назаров ҳақида сўз кетгудек бўлса, омадли одам экани албатта тилга олиниади. Ахир, унингдек барвақт фан номзоди ва доктори бўлган илмпешалар кўп эмас-да! Ҳозир адабиётшунослар орасида иккитанинг бири – академик бўлиб тургани ҳам ана шу омаддан нишона. Лекин... ҳа, яшанг, эртаю кеч заҳмат чекилмаса, омад деганлари қаёқда эди!

Бахтиёр Назаров Фитрат ва Чўлпон ижодини яна халқа қайтаришда жонкуяр ва субутли олимларимиз сафида турди. Абдулла Қодирий, Ойбек, Faфур Гулом ижодини ўрганишда эса, улуғ салафларга эҳтиром бажо келтириши баробарида, илмий холисликтан зинҳор чекингани ўйқ. Дарвоқе, у киши ЎзФАНИНГ Тил ва адабиёт институтига раҳбарлик қилган ишлардан ҳам касбдошлар қалбидан талай нурли хотиралар қолган.

Булар – Бахтиёр Назаровнинг 70 йиллик таваллуд тўйи баҳонасида кўнгилдан кечган гаплардан бир шингил, холос. Биз одатда тўй соҳиби елкасига чопон ташлаймиз, белига қийик боғлаб, бошига дўппи кийдирамиз. Шундай айёмда чоп этилаётган “Фитрат ва Бунин” мақоласини ҳам академик юбилияrimиз камтарона тухфа дея қабул қилишидан умидвормиз.



Таҳририят

ятларидан бири шундай: улар ўз минтақаларида яратилган асарлар фазилатини жаҳонга кўз-кўз қилишни, кенг тарғиб-ташвиқ этишин и салкам қонунга айлантирган ва барча соҳада бўлгани сингари адабиётда ҳам дунё гегемони эканига атай урғу беради. Тўғри, Оврупо ва Америка адабиётининг жумлай жаҳонга кўз-кўз этарли ютуқлари оз эмас. Лекин чиндан-да ютуқ демоққа арзирли баъзи асарларни муносиб эъзозлаш билан бир қаторда уларга бирёклама ёндашув ҳам мавжуд экани жаҳон афкор оммасига сир эмас. Ҳатто Нобель мукофотини беришда ҳам баъзан наинки жузъий, балки жиддий нохолисликлар кўзга ташланмоқда. Алалоқибат олижаноб умуминсоний қадриятлар теран акс этган бадиий асарлар бир четда қолиб, айрим ночорроқ асарлар, гарбона дидга мос келгани учунгина, совринни илиб кетаётир. Собиқ шўравий республикалар бадиий ижодда мафкура зуғумидан озод бўлганига салкам чорак акс тўлса-да, Нобель мукофоти билан сийловчи ташкилотнинг ўзи ҳануз ана шундай тушовдан халос бўлолмаганини дунё тан олган адаб

Чингиз Айтматов ўз вақтида бу мукофотга лойик қўрилмагани ҳам тасдиқ этмайдими, ахир?!

Нафсилемари, ўзбек адабиётининг жаҳон миқёсидаги ўрни унинг қайси илфор сўз санъатидан қандай ютуқларни ўзлаштиргани билангина эмас, айни чоқда ўзи мустақил қандай фазилатларни касб этмоқда, Ватан равнақи, миллат камолотига нечоғли ҳисса қўшмоқда, ўз замини ва бутун дунёдаги эврилишларни қанчалик ҳаққоний, теран, ёрқин акс эттирмоқда ва шу билан халқаро адабий жараёнда қандай мавқе эгалламоқда – шулар билан ҳам белгиланмоғи лозим.

ХХ аср ўзбек адабиётида “Абулфайзхон”, “Кеча ва кундуз”, “Ўткан кунлар”, “Рұхлар исёни”, “Ўзбекистон” сингари шоҳ асарлар озмунча эмас. Шунга кўра, адабий таъсир билан бирга типологик яқинлик муаммосини ҳам тадқиқ этиш – ўзбек адабиётини жаҳон сўз санъати контекстида ўрганишнинг самарали усулларидан биридир.

Типологик аналогия – замон ва макондан қатъи назар, турли адабиётлар ора-

сида, ўзаро таъсирларсиз зухур этувчи мазмуний-шаклий яқинлик, ўхшашлик, айниятдошиликдир. Адабиётнинг ушбу қонунияти бирор алоҳида ёзувчию миллний адабиётни бошқаси билан бутун дунё ёки бирор минтақа сатҳида қиёсий ўрганиш имконини беради; уларнинг халқаро адабий жараёндаги ўрни ва ролини тайин этади; ўзаро ўйғун турфа миллний адабиётлардан ташкил топган жаҳон сўз санъатига ҳам алоҳида алоҳида, ҳам яхлит ҳолда назар ташлашга йўл очади. Бир сўз билан айтиса, меҳварида сўз санъаткори турувчи жаҳон адабиётини яхлит жонли организм сифатида ҳам ич, ҳам ташдан гавдалантиради.

Келинг, фикрларимизни асослаш учун икки буюк адаб – Абдурауф Фитрат ва Иван Буниннинг “Темур олдинда” ҳамда “Темурхон ҳақида кўшиқ” деган ҳажман кичик асарларини қиёсий таҳлил этайлик.

Шу вақтгача ўзбек ёзувчилари асарлари улардан илгари яшаган хориж адаблари асарларига қиёсан ўрганилгани ҳақида боягина айтдик. Бунинг сабаби – шўрлик ўзбек ёзувчиси, дейлик, рус устозидан албатта ибрат олиши керак эди-да!.. Аммо бу гал ўзаро қиёс этилаётган асарлар, ёзилган санаси нуқтаи назаридан, аксинча: Фитрат асари 1917, Бунин асари эса 1921 йилда ёзилган. Ўзбек адабининг насрый шеъри Октябрь тўнтаруви арафасида Туркистонда, рус ёзувчисининг ҳикояси эса шу тўнтарувдан тўрт йил ўтгач, Францияда дунёга келган.

Тўғриси, Бунин аксар машҳур рус адаблари каби Амир Темур шахсига на шўро тўнтарувига қадар ва на ундан сўнг одил ва холис муносабатда бўлган эмас. Лекин, аввало, ёзувчилик эътиқоди, қолаверса, бадиий ният талабига кўра, ўзи буни хоҳланми, хоҳламаганми, “Темурхон ҳақида кўшиқ” асарида буюк Соҳибқирон образини бир қадар ҳақоний тасвирлаган.

Маълумки, Бунин шўро тўнтарувини ёқламаган, унинг ғояларини қабул қилмаган. У кундалик шаклида ёзган “Бадбахт кунлар” (1918) асарида кўплар инқилоб атаган та-

лотумни кескин ва ошкор танқид қилган. Бу кайфият ва дунёқараш алалоқибат адабининг 1920 йилда ватанини тарк этиб, Францияда яшаб қолишига олиб келди.

Фитратнинг Туркистон аҳли ҳаётидаги нарасоликлар ҳақида куюниб ёзган асарлари ўкувчига маълум. У каби Бунин ҳам бир қанча асарларида Россиянинг қолоқ турмушини қайғуриб тасвирлади. Шу маънода, халқининг забун ҳаётига ҳамдардлик Фитрат ва Буниннинг муштарак хусусияти дейиш мумкин.

ХХ аср бошларида Бунин бир неча Шарқ мамлакатларига саёҳат қилди. Бу ердаги халқларнинг турмуши, удумлари, тарихи билан танишди. Шу тариқа қалбига Шарқ руҳини чуқур сингдирди. Балки, айни сабабга кўра, унинг “Темурхон ҳақида кўшиқ” ҳикояси билан Фитратнинг “Темур олдинда” мансураси ўртасида руҳий робита кўзга ташланар. Ушбу асарлар ўртасидаги матний яқинлик ҳам шундан бўлса ажабмас.

Фитратнинг Темур қабрини тавоғ этгани келган лирик қаҳрамони бўғиздан отилган оҳ-нолалар асар ёзилган вақтдаги Туркистон халқининг эрк, ҳуррият истаб чеккан дард-аламлари ифодасидир:

Турк учун кўйдигинг давлат битди, турк остига қурдигинг хоқонлик ёғийами кетди.

Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждано золимларнинг аёғларин остинда қолди...

Буларнинг барига “ўзим сабаб бўлдим”, дея фиғон чекади лирик қаҳрамон:

*Сенинг Туронингни ўзим талатдим,
Сенинг турклигинги ўзим эздирдим,
Сенинг омонатларинга хиёнат ўзим қилдим...*

Лирик қаҳрамон аччиқ иқрор ортидан руҳий мадад ўтинади:

Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу саганангга тўймак учун эмас, ўз ёзиқларимни иқрор этарга келдим, хоқоним...

Эй арслонлар арслони!

Менинг ёзиқларимдан ўт,

Мени қўлимни тут,

Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!

(Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 1-жилд. Тошкент, "Маънавият", 2000. 34-35-бетлар.)

Бу – эл-юртни асрий истибод кишанларини парчалаш, Ватан мустақиллигини қўлга киритиш учун сўз санъатининг мўътабар минбаридан ҳаёт-мамот курашига чорлаш эди.

Бунинга келсад, гарчи Францияда яшаётган бўлса-да, Россия қайғусидан озурда дил адибни Амир Темур образига мурожаат этишга, бу улуғ шахс ҳақида асар битишига нима мажбур этди экан?

Бизнингча, мазкур асарнинг ёзилиши сира тасодифий бўлмай, у Буниннинг шу даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Юзаки қаралса, ҳикояда даврнинг ҳеч қандай муҳим ва салмоқли ғояси йўқдек, унда муаллиф бир тиланчининг Соҳибқирон ҳақидаги қўшиғига қулоқ тутиш баробарида Шарқнинг сўлим табиатини ҳам чизиб кўрсатаётгандек туюлади. Бироқ чуқурроқ боқсак, ёзувчининг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий маслагини ҳам англаб етамиз.

Юқорида қайд этганимиздек, Бунин Октябрь тўнтарувини, шўро ислоҳотларини қабул қилмадигина эмас, уларни кескин ва ошкора танқид этди. Унинг Амир Темур образига мурожаати замираida Россиянинг иқтисодий-сиёсий қудрати таянчларидан бири бўлмиш, Соҳибқирондек бутун дунёни зир титратган зотни вояга етказган Туркистон аҳли ҳам шўравий балодан кутула олмаётганидан қайғуриш, маъюсланиш туйғула-ри ётади, бизнингча.

Бунин тиланчи қўшиғи орқали Амир Темурни мадҳ этади, кўкларга кўтаради. Қўшиқ мисраларидан бирида Соҳибқиронни "Жаброилдек нурли ва бетавфиқ" эди дейилишига эса буюк жаҳонирга бўлган русий муно-сабатнинг эпкени сифатида қарасак, хато бўлмас. Айни чоқда, қўшиқдаги "Соҳибқирон, сен Сулаймон подшодек доно ва бенуқсон эдинг!" деган хитобда Амир Темурга юксак эҳтиром яққол кўзга ташланади.

Фитрат ва Бунин асарларида шу қадар яқин, шу қадар уйғун нукталар-борки, беих-

тиёр, рус адиби ўзбек шоири мансураси билан таниш бўлган, бирорта сўзма-сўз таржи-ма орқали ундан таъсиранган эмасмикан, деган фикрга боришингиз ҳеч гап эмас. Бу ҳақда аниқ далил бўлмагани сабаб ҳозирча якуний хуласа чиқаришга шошилмаймиз, бироқ улар икки ижод маҳсули ўртасида типологик аналогия бор, дейишга ҳарқалай имкон беради.

Бунин ҳикоясига Кримдаги овлоқ қаҳвахонада бир тиланчининг Амир Темур ҳақида куйлаган қўшиғи асос қилиб олинган. Мана, адиб талқини ва тасвиридаги қўшиқ пафоси: "О, Темур Соҳибқирон, – дёя нола қилади қўшиқчи, – бу ёруғ жаҳонда сендан жасурроқ, сендан саодатлироқ кимса йўқ эди... Энди эса сенинг қабринг устидан асрлар елиб ўтди, сенинг мангу мовий осмон ва ҳамиша хуррам қуёш остидаги масжидларинг ҳамда қасрларинг харобаларини зоғлар қоплади... Ҳар баҳор (қабринг устидаги наъматак) шоҳларида булбуллар мудом гирён, ...мадҳига тил ожиз баҳтни қўмсашдан уларнинг бағри тилка-пора бўлади... О-о-о-о, Темур Соҳибқирон! Қани сенинг кескир ҳақиқатгўйлигинг?"

Булар Фитрат мансурасидаги лирик қаҳрамоннинг оҳ-нолаларини ёдга солмайдими? Зотан, Бунин ҳам ҳикоя аввалида тиланчи қўшигини "фифонга тўла нола" деб таърифлайди. Бундан ташқари, рус адиби ҳикоясидаги "Темур қабри", "қасрлар", "жаҳон", "жасур", "хароба", "зоғлар", "кўмсаш", "тилка-пора", "кескир" каби сўз ва бирималар билан ўзбек шоири мансурасидаги уларга маънодош сўз ва бирималардан юзага келган ғоявий муштараклик икки асар ўртасида, шаксиз, типологик яқинлик борлигига далолат қилади.

Бунин ҳикоясидаги қўшиқда Амир Темурнинг "Хой, жаноблар ва девоналар, менинг қалбимни суғуриб олингиз! Энди унда ҳеч нарсага иштиёқ қолмади", дёя хитоб қилиши, бир тарафдан, ҳаёт билан видолашаётган Соҳибқироннинг руҳий ҳолатини акс эттирган бўлса, бошқа тарафдан, Буниннинг, худди Фитрат каби, шўро истибоди остида

қолган Туркистон аҳли қайғусига ҳамдардлигини ҳам ифода этади гүё.

Амир Темур ҳаётдан кўз юмгач, “унинг салтанатига путур етибди”. Мамлакат лахтак-лахтак бўлибди, шаҳарлар ва қасрлар ҳувиллаб қолибди, уларнинг вайроналарини қумтепалар қоплабди, (шу тариқа) “ному нишони ўча бошлабди”, деган жумлалар асар ёзилган даврдаги Туркистон аҳволига гўё бир ишорадир.

“О-о-о-о-о, Темур Соҳибқирон! Қани сенинг давру давронинг? Қани сенинг қилган ишларинг?.. Қани жанглар? Қани зафарлар?” Бунин асарида бу хитоблар Фитратнинг “Сочма” деган бошқа бир насрй шеъридаги “Дунёни “урҳо”лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурғон тоғ гавдали ўғлонларинг қани?.. Қани у чақмоқ чақишили ботир хоқонларинг? Қани аввалги ўқ юрушли, отли бекларинг?” (юкоридаги манба, 31-бет), дея Туркистонга савол ёғдираётган лирик қаҳрамон изтиробини ҳам эсга солади.

Бунин ҳикоясининг асосий мағзи ва етакчиғояси қуидаги жумлаларга сингдирилган: “Ҳамма сукутга чўмган, ҳамма қўшиқ сеҳрига маст. Воажаб! Қўшиқ қаъридан отилиб чиқаётган аламли фифон, кимгадир аталган аччиқ таъна ҳар қайси юксак, ҳар қандай эҳтиромли хуррамлиқдан ҳам лаззатлироқ эди”. Бу – шўро ҳокимияти Туркистон ҳалқига (ва умуман, ўзига тобе барча ҳалқларга) берган “ҳар қандай эҳтиромли хуррамлиқдан” кўра шу ҳалқ қалбидаги “аламли фифон лаззатлироқ” деган маънога ишора этмайдими? “Темурхон ҳақида қўшиқ” ҳикояси билан “Темур олдинда” мансураси айниқса шу нуқтада типологик туташ экани аниқ намоён бўлади.

Буниннинг ўзи шу ҳикоясини ниҳоятда яхши кўргани, умр шомида уни қайта-қайта ўқигани ҳақида маълумотлар бор. Бунинг сабаби нимада эканини китобхон албатта билгиси келади. Аммо буниншуносликнинг бой материаллари ичидан, афсуски, бу саволга аниқ жавобни топмадик.

Рус дворянлар адабиётининг сўнгги ийрик вакили – ҳассос қалбли, лирик табиатли

Буниннинг Шарққа, унинг буюклари ҳаётига қизиқиши бежиз эмас эди. У Қрим муҳорабасининг гувоҳи бўлган отаси ва яқинларидан ушбу ўлка хотираларини, мусулмон ҳалқлари эришган оламшумул зафарларни эшитгани шубҳасиз.

Буниннинг болалиқдаги уй муаллими Н.Ромашков шарқ тилларини пухта билган. Ёзувчининг ўзи ҳам йигитлик чоғлари Қримга боргани маълум. У Шарқ мавзусида бир қатор шеърлар ҳам ёзган. Чунончи, “Хурмузд” шеърида нур ва зулмат кураши акс эттирилган. Туркияга саёҳат таассуротлари асосида эса “Истанбул” шеърини яратган.

Буларнинг барчаси “Темурхон ҳақида қўшиқ” ҳикоясини ёзиши, айниқса, Соҳибқирон қазоси олдидан бозор саҳнида ўтириб майиб-мажруҳ ва гадойларнинг жулдур кийимини тавоғ этишини тасвирлашида қўл келган. “Юрагимни суғуриб олинг, эй фақиру бечоралар, чунки унда ҳеч нима қолгани ўқ, ҳатто яшашга хоҳиш ҳам!” дея фифон чекади Бунин қаҳрамони.

Буюк жаҳонгир умр шомида бундай аҳволга тушмаганини ёзувчи яхши билади. Аммо шунга қарамай тўқимадан эркин фойдаланишга журъат қилади. Нега? Ёзувчи Соҳибқиронни шундай алфозда тасвирлаш орқали балки Турон аҳлиниң шўро исканжасидаги забун ҳаётига шама қилгандир? Ёки – Темурдек забардаст зотнинг ҳам ҳаёти, пировардида, ўлим билан якун топди, зеро, ҳар қандай инсон ҳаёти фоний, бу дунё эса бебақо, демоқчидир? Ёхуд – Россиядек улкан империя ҳам Октябрь тўнтаруви оқибатида кунфаяқун бўлгани, хўрланиш қадар тубан кетганига ишорамикан бу лавҳа? Ҳарқалай, адабнинг бу эпизоддан кўзда тутган мақсади шунчаки Амир Темур образини яратиш бўлмагани аниқ. Ахир, улкан адилларга бирор ҳаётий манзара ёхуд руҳий ҳолатни тасвирлаш орқали бир эмас, бир неча маънони ифодалашдек санъаткорлик хос. Хуллас, Амир Темурдек курдат соҳиби учун ҳам ўлим ҳақ эканини таъкидлаш замирида буюк инқилоб дея мадҳ этилган Октябрь тўнтаруви ҳам ҳалокатга учраб, барбод бўлажагини кўрсанак не ажаб!

Баъзи рус адабиётшунослари Буниннинг “Номаълум дўст”, “Ямлoқи ўт” ҳикояларида ўлимнинг ҳак, умрнинг бебақо экани foяси илгари сурилганини айтади. “Темурхон ҳақида қўшиқ” ҳикоясини адабнинг шу турдаги асарлари сирасига киритувчилар ҳам йўқ эмас. Лекин мазкур ҳикояга Октябрь тўнтарувига муносабат ифодаланган ижтимоий-руҳий йўналишдаги асар сифатида қараш ҳам хато бўлмас.

Хўш, агар Бунин Фитрат мансурасини ўқимаган бўлса, унда асар пафоси, foяси, ҳатто матнидаги бу қадар яқинлик сабаби нимада? Мазкур ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Саволларга жавобни яна Буниннинг ўзидан топамиз.

Лев Толстойнинг “Иблис” ва Иван Буниннинг “Митянинг севгиси” қиссалари ўртасидаги типологик яқинлик ҳақида адабий танқидчиликда талай фикрлар айтилган. Шундай фикрлардан бири Пётр Бицилли деган кишига тегишли. Бунин унга ёзган мактубида бундай дейди: “Қадрдон Пётр Михайлович, мен “Иблис”ни ўқиган эмасман. Толстойнинг мендек мухлиси учун бу ҳол фалати туюлиши мумкин, лекин ҳақиқатда шундай. Зотан, “Митянинг севгиси”даги Митя ва Алёна учрашуви парчаси “Иблис”даги қайси-дир лавҳага жуда ўхшаб кетишини сизнинг мақолангизни ўқибина билдим. Бу ажаб ўхшашлик сабаби нимада? Сабаб – жуда оддий, биз ёдаги қишлоқларнинг турмуш тарзи (Толстой билан эса деярли ҳамкишлопоқмиз), ўртаҳол помешчиклар оламидаги “жаноблар” ва уларнинг “хўжалик”ларидағи маишат ниҳоятда ўхшаш. Шу тариқа биз Толстой билан ўз асарларимизда “классик” учрашув ва муҳаббат таманноларини айнан қаламга олганимиз” (Иқтибос А.Мешерскийнинг “Неизвестные письма И.Бунина” мақоласидан олинди. Москва, “Русская литература”, 1961. 153-бет).

Буниннинг ушбу мулоҳазаси “Темурхон ҳақида қўшиқ” ва “Темур олдинда” асарларидаги типологик яқинлик сабабини тошида очқич вазифасини ўтайди. Лекин бу гал муштараклик сабаби, Буниннинг Бициллига мактубида қайд этилганидек, тур-

муш тарзи, қаҳрамонлар дунёси, мақсадинтилишларидағи яқинлиги ўхшашлиқда эмас. Бу ўринда икки адаб ўз асарига жо этган foядаги яқинлик ва шунингдек, улар амал қилган ижодий принциплардаги ўхшашликни таъкидлаш жоиз. Ана шу нуқталар Амир Темур сиймосини талқину тасвир этишда типологик муштаракликка сабаб бўлган.

Лекин шуниси ҳам борки, турфа асарларда кўзга ташланувчи типологик яқинликни ҳатто буюк адаблар ҳам (ўз ижодида бундай ҳодиса учраши ёки учрамаслигидан қатъи назар) кўпда хушламаган – бу ҳақда адабиёт тарихида кўплаб маълумотлар бор. Масалан, Иван Бунин қиссанини ўқиган Максим Горький Константин Фединга ёзган мактубида бундай ёзғиради: “Бунин “Митянинг севгиси” деган ном остида “Крейсер сонатаси”ни қайтадан ёзиб чиқибди”.

Фитрат “Юрт қайғуси” туркумига кирувчи “Темур олдинда” мансурасини 1918-19 йилларда кенгайтириб, “Темур сағанаси” номли бир пардали драма ёзган, лекин, афсуски, унинг тўлиқ матни ҳозирча бизга маълум эмас.

Биз Ҳамид Олимжоннинг “Темур сағанаси” ҳақидаги мақоласини (1936) аксар танқид қилиб келамиз. Унда Фитрат ноҳақ равища миллатчиликда айбланган, деймиз. Аслида, Ҳамид Олимжон мақоласидаги барча фикрларни ҳам нотўғри деб бўладими? Муаллиф тўғри фикрлагани ҳолда, таассуфки, нотўғри хуласа чиқаради.

Ўтган асрнинг 20-30 йиллари ўзбек адабиётининг унут саҳифаларини қайта тиклашда жонбозлик кўрсатган олим Сирожиддин Аҳмедов “Ошиқ иши – чин севиш” мақоласида ёзишича, Ҳамид Олимжоннинг танланган асарлари орқали воқиф бўлганимиз “Темур сағанаси” драмасининг матни шоирнинг “Совет адабиёти” журналида (1936 йил 3-4 сон) чоп этилган мақоласида анча кенгроқ берилган экан. Ушбу мақолага кўра, “Темур сағанаси”да қуйидаги парча ҳам бўлган: “Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб ийқилган, ийқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга

келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз этарга келди”, дейди қабр олдиди бош эгган йигит. Соҳибқирон руҳидан эса бундай садо келади: “...Не бўлдиким... шарафли ва жасур миллатимнинг авлодлари ҳозир бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш. Кимлар боғларимнинг қушларини қувмоқда? Сизларга амр қиласман, қалқингиз!”

Профессор Наим Каримовнинг ёзишича, ўтган асрнинг 20-йиллари аввалида Олмонияга таҳсилга борган Саттор Жаббор исмли ўзбек йигити шу асрнинг 30-йиллари бошида ўша давр зиёлиларимиз, чунончи, адиларимиз ҳақида “Нажот йўлинда” номли китоб битган. Асар кўп йиллар ўтгач – 2000 йили Истанбулда “Кутулиш йўлинда” номи билан чоп этилди. Ушбу манбада “Темур саганаси” драмасидан бизга шу вақтга қадар номаълум бўлган парча ҳам бор:

Бу хоқоннинг қиличлар синдириб тузган
улуг мулки,
Эсизлар, охлар, мунглар, ёзишларким,
бузилмишdir.
Бугун – қонлар тўкиб, жонлар сочиб
кўрган боғи
Фигонлар, қайгулар ва ҳасратларким,
бузилмишdir!

Ёрил, эй, турк баҳтини эсга соглан тош,
ёрил илдам,
Ёрилким, кўкрагинг ичра ётиб қолгон
хон уйғонсин!
Таланган, ёндирилган юртни –
Туронни кўрсун,
Эзилган, яраланган бойқиш элга
йўлни кўрсатсин!

(Наим Каримов. Адабиёт ва тарихий жараён. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2013. 164-165-бетлар.)

Шу ўринда бир изоҳ: қора ҳарфлар билан ёзилган сўзлар, аслида, “тизилмишdir” ва “боёқиш” бўлса, эҳтимол.

Матндан аён бўлмоқдаки, бу монолог Амир Темурга эмас, унинг руҳини йўқлаб турган персонаж – йигитта тегишилди. Хуллас, Бунин ҳикоясининг Фитрат мансураси билан типологик яқинлиги “Темур саганаси” драмасидан олинган ушбу парчада ҳам ўз тасдигини топаётir.

Ниҳоят, Бунин ҳикояси аслиятда “Оқсоқ Темур” деб аталганию гарчи асарда Соҳибқирон шаъни улуғланса-да, аммо айни сарлавҳада Турон ҳукмдорига Оврупо ва Америкадаги муносабат муҳри кўзга ташланишини қайд этиш билан бирга, аллома таржимон Озод Шарафиддинов асарни “Темурхон ҳақида кўшиқ” деган ном билан ҳикоя руҳи ва мазмунига мос тарзда ўзбекчага ўгириш орқали бу ғалатликни бартараф этгани ҳамда ўзбек китобхони Бунин ҳикояси билан илк бор танишишида “Тафаккур” журнали (1996 йил 3-сон) дастёр бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканлигини доимо ёдда тутишимиз лозим” (Ислом Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга эътибор. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009. 32-33-бетлар), деган фикрини эсга олиш фойдадан холи эмас. Зоро, методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик бу фикр биз – адабиётшуносларга адабий алоқа ва адабий таъсир муаммоларини, миллий адабиётлар ва алоҳида асарлар ўртасидаги типологик яқинликларни тадқиқ этиш орқали ўзбек сўз санъатининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва ролини аниқлашда дастуриламал бўлади.



Жамол УСМОНОВ. "Мүлөкөт"

Оскар УАЙЛЬД

TAQLID ASLI E'TIROFDIR

Ёқимтой кишилар сал эркароқ бўлади, уларнинг
жозибадорлиги сири ана шунда.

Кексалар эшитганига чиппа-чин ишонади. Ўрта
яшарлар нуқул шубҳа қиласди. Ёшлар эса ҳамма
нарсани биламан дейди.

Мен театрда роль ўйнашни яхши кўраман, чунки
саҳна ҳаётдан ишончлироқ, ростгўйроқ-да.

Инсон асли қирол бўлиб дунёга келади-ю, бироқ
кўплари баъзи қироллар каби қувғинда ўлиб
кетади.

Ит вафодор бўлгани учун ундан ибрат олмогимиз
керакми? У итга эмас, инсонга вафодор-ку!

Ҳаёт... Дунёда бундан-да бебаҳо нарса йўқ. Ахир,
жуда кўп одам фақат мавжуд, холос.

Дүст бошига иш түшса ундан күнгил сүраш
осон. Аммо унинг ютуқларидан қувониш хийла
қиин.

Тақлид – энг зўр эътирофдир.

Мақтов бамисоли хушбўй атир, майли, ифор
таратаверсин, хушомадга айланмаса бас!

Одамлар ё ёқимтой, ё ёқимсиз бўлади. Уларни
яхши ёки ёмонга ажратиш – гирт бемаънилик.

Оlamни қонунлар эмас, шахслар тебратади.

Дунё – бамисоли саҳна, аммо ундаги роллар
тақсимотидан күнгил тўлмайди ҳеч.

Томошабин дегани ниҳоятда кенгфеъл халқ.
У даҳодан бошқасига тоқат қила олади.

Хотира – бамисоли доим ўзимиз билан олиб
юрадиган кундалик дафтар.

Жиддийлик – айтар сўзи йўқлар учун ниқоб.

Ўтмишнинг бирдан-бир жозибаси – унинг
ўтмиш эканидадир.

* * *

Ёшлар вафодор бўлгиси келади-ю, эпини
қиломайди, кексалар бевафо бўлишга
уринади-ю, қўлидан келмайди.

* * *

Кимки унутиш санъатини эгаллабдими, демак,
у яшаш санъатини ҳам ўрганибди.

* * *

Икир-чикирларга аҳамият берманг, улар
кундалик ҳаётнинг бўм-бўш саҳифалари, холос.

* * *

Дунё ўз фожиалари устидан кулиб уларга чидаб
келган.

* * *

Одамлар об-ҳаводан гап очса, бошқа бир гапни
айтмоқчидек туюлади менга. Ана шуниси
асабимга тегади.

* * *

Одамлар фикримни маъқуллай бошласа, хато
сўзладиммикан деган иштибоҳга бораман.

* * *

Бироннинг келганига, бошқа бироннинг эса
кетганига хурсанд бўламиз.

Одам боласи ўз хатоларига “тажриба” дея
оҳанжама ном берган.

Некбинлик замираидә кучли қўрқув ётади.

Одамлар қиласиган иши қўплигидан барвағт
турари, фикрлашга тоб-тоқати йўқлигидан эса
эртароқ уйқуга ётади.


Мода деганлари шунақангї тутуриқсиз нарсаки,
уни йил-ўн икки ой ўзгартириб туришга тўғри
келади.

Бугунги одам ҳар нарсанинг нархини билади,
аммо ўз қадрини билмайди.

Ҳасадгўларнинг кўплиги – қобилиятимиз
тасдиғидир.

Нодон камчиликни бошқадан, доно эса ўзидан
қидиради.

Инглиз тилидан Мирзаали АКБАРОВ
таржимаси



UMRZOQ TAASSUROTLAR

Mashhura SHERALIYEVA mutolaa qiladi

ТАГОР ЎГИТЛАРИ

Рабиндрнат Т а г о р. Гаурмаҳон. Тошкент, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960.

Ўн олти ёшингизда ўқилган китоб болалик ёки етуклик даврингизда ўқилганидан нимаси билан фарқ қиласди? Болалиқда ҳаётий тажриба етишмайди, етуклик паллангизда эса ҳайрат камайган ёки буткул йўқолган бўлади. Ўспиринлик ҳали ҳайратни йўқотиб улгурмаган, тажриба кўнгилни совитиб, майиб этар даражада ҳафсалани пир қилмаган бир давки, бунда ўқиган китобларингиз – бир умрлик яхши дўстларингиз, ҳамроҳларингизга айланади.

Менинг Тагор насли билан танишишим худди шу даврга тўғри келган. Таассуротларим олам-жаҳон, бироқ атрофимда уни ўртоқлашадиган ҳеч кимса йўқ эди. Эсимда, бир сафар “қизикроқ китоб” сўраган адабиёт му-

аллимамиз қўлига Тагорнинг “Гаурмаҳон”ини тутқаздим. Қайтиб берарида “Қаҳрамонлари нуқул сиёсатдан гапиараркан” деган тавсиф ёнига “зерикарли” ёрлигини ҳам қўшиб қўйди. Лекин, нима қиласай, менга айнан мана шу “зерикарли” роман негадир жуда ёқиб қолганди. (Кейинроқ, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ва Иброҳим Ҳаққулнинг Тагор ҳақидаги мақолаларини ўқигач, улар ҳам мен каби таассуротини ифодалаш учун сўз, ўртоқлашиш учун ҳамсұхбатга жуда-жуда эҳтиёж сезганини ҳис қилдим. Алалхусус, И.Ҳаққулнинг талабаларимизга нега Тагор асарлари ўқитилмайди, дея ҳайронлар қолиб билдирган таассуфи ҳам худди менинг тилим учida турган гап эди десам, ишонинг).

ТАГОР

Энди ўйласам, Тагор менга адабиёт ҳаётдан қочиб, хаёлдан паноҳ топиш эмас, аксинча, ҳаётни рўй-рост яшашга, уни борича яхши кўришга ўргатувчи бир восита эканини англатган дастлабки ижодкор экан. У мен учун гўё таянч нуқтаси бўлиб қолди: бундан кейин ҳар бир асарга албатта Тагор ўргатган нигоҳ билан қарайдиган бўлдим.

Романда ҳинд жамиятидаги, асосан, зиёлилар орасидаги турфа мақсад-интилишларга эга кишиларни кўрамиз. Инглизпараст Харан бобу кўп қарашларида ноҳақ бўлгани каби, муаллиф бош қаҳрамон Горанинг ҳам айрим ақидапарастлик кайфиятларини оқламайди. Горанинг Харан бобудан фарқли энг муҳим фазилати шуки, у ўзини ҳинд халқидан ажратиб, алоҳида тоифага мансуб деб билмайди, Гора ўзини авом халқдан баланд тутадиган кибрли интеллигенция вакили эмас.

Ҳар гал "Гаурмаҳон"ни ўқигач, узок сафардан уйимга, ота-онам ҳузурига қайтгандек ҳис қиласман ўзимни. Тагор ижодининг ўзак моҳияти ҳам шунда – у Farb орқали яна Шарққа қайтган, Farb орқали Шарқни қайтадан, янаям юксакроқ босқич ва кенгроқ миқёсда англаган ижодкор. Унинг бадиий тафаккури қамраб олган кўламни идрок этиш Чўлпон, А.Қаҳҳор ва И.Ҳаққул учун бирдек қизиқарли машғулотга айлангани сабаби ҳам шунда, менимча.

Ҳаётини ҳинд халқининг озодлиги учун курашга багишилаган Гора аслида ирланд фарзанди бўлиб чиқади. Асарга ёзилган сўнгсўзда А.Гнатюк-Данильчук бу ҳолни шундай изоҳлайди: "... ўзини озод қилиш омманинг қўлидан келмайдиган иш. Тагор ҳиндлар орасидан бундай кишиларни тополмайди. Шунинг учун насл-насаби ирландиялик Горани романга бош қаҳрамон қилиб олади". Менга А.Гнатюк-Данильчук ушбу фикри билан ўзидағи буюк миллатчилик кайфиятини бошқа бир "буюк миллат"га проекциялаётгандек туюлди. Ахир, Тагор бундай демоқчи эмас. Бу тарздаги талқин, Тагор асаридан келиб чиқадиган, барча ирқ, миллат ва динга мансуб кишилар тенг экани ҳақидаги қарашга зид келади. Горанинг ирланд экани орқали муаллиф бошқа фикрни айтишни кўзлайди. Ҳинд аёли ўз фарзандидек меҳр бериб тарбиялаган, Ҳиндистонни ҳаётидан ортикроқ севадиган ирланд йигитини муаллиф ҳинд бўлиб туғилганига ич-ичидан афсусланувчи инглизпараст зиёлиларга қарши қўяди.

Ҳинд жамияти аёл зотининг қадр-қимматини эътироф этиш учун жуда узоқ йиллар зарур бўлади. Гора фақат икки аёл – онаси Анондомойи ва Пореш бобунинг қизи Шучоритани шундай эътироф этган пайтда асар воқеалари хотималанади. Бошқалар ҳам Шучоританинг инсоний ҳақ-хуқуқларини тан олгунига қадар у ҳали узоқ ва мashaқатли йўлни босиб ўтиши лозим. Эҳтимол, бу йўлни босиб ўтишга Шучоританинг бутун умри етмас. Шунга қарамай барибири, унга ҳавасим келади: ҳарҳолда, у ўз ҳаётини боғламоқчи бўлган инсон – Горанинг Шучоритага ҳамфикр, маслақдош эканининг ўзиёқ қизнинг толеидан дарак беради.

Дарвоқе, Шучорита қадимий ва муқаддас анъаналарнинг шунчаки пассив ижрочиси эмас, балки ўз ҳаёти, тақдирини ҳал этишга қодир ва масъул қиз. Унинг шундай бўлиб тарбияланишида қизни асраб олган Пореш бобунинг хизмати ниҳоятда катта. Хотини Бародашундоридан фарқли ўлароқ, Пореш бобу қизларининг нақадар ўқимишли ва замонавий эканини инглизларга



мақтаниш, намойиш этиш фикридан йироқ. Пореш бобунинг инсон эрки ма-саласидаги қарашлари шу даражадаки, агар қызлари ҳинд аёлининг анъана-вий ҳаёт тарзини танлаганида ҳам уларга асло тўсқинлик қилмасди. Аслини олганда, Анондо мойи учун турли диндаги одамлар ўртасида фарқ бўлмагани каби, Пореш бобу ҳам анъаналар ва замонавийлик ўртасига хитой девори қўйишига интилмайди. Унинг учун муҳими – инсон ўз ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатни англашга ва қабул қилишига тайёр бўлиши керак. Бундай қарашга етиб келгун-нича у жуда узоқ йўл босади. Адашишлар, хатолар ва улардан хулоса чиқа-риб, яна йўлида давом этишлар – Пореш бобу назарида ҳаётни буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, асар бош қаҳрамони ўз ҳаётида ана шундай бир босқичдан ўтиб, айнан Пореш бобу ҳузурига келиши ва ундан дуо сўраши сира бежиз эмас.

Романин дастлаб ўқиган кезларим Пореш бобу ва Анондо мойига барча ота ва оналар тимсоли сифатида қараган эканман. Бироқ йиллар давоми-да атрофдаги одамларни кузатиб билдимки, фарзандларини ўз ҳаёти учун масъулият ҳис қилишига ўргатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан.

Ҳар гал “Гаурмаҳон” мутолааси асноси менда янги таассуротлар туғила-веради. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Йўлимда дуч келажак одамларнинг инсофига умид қилиш, мени катта ҳаёт қўлига ишониб топшириш ота-онам учун қанчалик осон бўлмаганини, мана, энди-энди ҳис қиляпман...

ҚУТЛУҒ АНДИША

Заҳириддин Муҳаммад Б о б у р. Бобурнома. Тошкент, “Юлдузча” наш-риёти, 1990.

Ўқувчилик ва талабалик йилларимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида кўп ўқиганмиз. Бироқ бугун негадир, Бобур ҳақида кўп нарса бил-майдигандек ҳис қиласман ўзимни. Албатта, тарих китобларидан унинг ҳаётини, мумтоз адабиёт манбаларидан адабий меросини ҳижжалаб ўргандик. Аммо ўргангандаримиз ноқис дек, кемтиқдек туюлаверади.

Талабалик пайтимда Бобур тушимга кирган эди. Бу ҳақда сўз очганимда, дугоналарим таъсирчанлигимдан кулиб кўяқолган. Энди ўйлаб кўрсам, мени у зотнинг шахс сифатидаги руҳий драмалари кўпроқ қизиқтиаркан. XXI асрда ҳам консерваторлигидан азият чекаётган Шарқ кишиси ҳавас қиласидиган даражадаги либералликка Бобур XVI аср шароитида қандай эришган? Бунга шоҳ ва шоирнинг сиёсий фаолияти ва шахсий ҳаётидан кўплаб мисоллар топилади. Пиримкул Қодиров ҳам “Юлдузли тунлар” романида айни хусусиятларга эътибор қаратгани тасодиф эмас.

Рус шоири Марина Цветаева А.С.Пушкин ҳақидаги эссесини “Менинг Пушкиним” деб атайди. Ҳар бир давр китобхони ада-биётни ўзича тушунишга ҳақли. Шу маънода мени бир савол ўй-лантиради: бугунги кун талабаси буюк шоир шеъриятида мавжуд талқинлардаги Бобурдан бошқа, биз учун янгилик бўладиган Бобурни кашф қила оладими-йўқми? Агар бунга қодир бўлмаса, ҳозирги ёшлар нафақат илмий, балки ижтимоий тафаккур нуқтаи назаридан ҳам янги авлод эканини исботлай олмайди.

Бобурнинг тарих олдидаги хизматлари таърифи тавсифга муҳтоҷ эмас. Бироқ Искандар Зулқарнайн, Чингизхон ва Амир



Темур ҳақида минг бир талқиндаги ривоятлардан бохабар Бобурда бир андиша бор эди:

Толе йўқи жонимға балолиг бўлди,
Хар ишники айладим, хатолиг бўлди.
Ўз өрни кўюб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.

Бу Бобурнинг ўз хато ва камчиликларини мардларча тан олиши билан бирга келажак авлодлар олдидаги андишаси ҳам эди. Бобур ўз хизматлари хатолари соясида қолиб кетишидан хавотир олган бўлса, эҳтимол. Аслида, бу унинг биздан – яъни Бобурни оддий инсон сифатида тушунишга ожиз авлодлардан хавотири эди. Зотан, уни шоҳ, олим ва шоир сифатида англаш оддий инсон сифатида тушунишдан бошланади, агар бунинг уддасидан чиқмасак, унда... ўзимиздан ўпкалаганимиз маъқул.

Бобур ўтмишда, беш аср нарида қолиб кетгани йўқ. У ўзининг букилмас иродаси ва шахсияти билан, таъбир жоиз бўлса, биздан ўзиб, илгарилаб кетган. У биз орзу қылган ва интилган комиллик пиллапоясишининг юқори погоналаридан бирида унга етиб олишимиз, ҳеч бўлмагандан, яқинроқ бо-ришимизни кутаётир.

ЁЗУВЧИ БИЛАН БАҲС

Абдуқаюм Йўлдошев. Парим бўлса... Ҳикоя. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2014 йил 5-сон.

Етти-саккиз йил аввал менда психологиядан илмий иш қилиш фикри пайдо бўлиб қолди. Ҳозир шуни эсласам хижолат бўламан – чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор-ку. Менинг психологияга умуман керагим йўқ, лекин бир адабиётшунос сифатида психология, психоанализга жуда-жуда эҳтиёжим бор. Хусусан, Карл Густав Юнг назариясидаги архетиплар китобхон сифатида бирмунча маҳдудлигимни ўз-ўзимга фош қилиб қўйдик, бунинг ўзига яраша қисқача тарихи бор.

Кейинги вақтда адабий жараёндаги ҳодисаларни кузата туриб, ўзимча бир хуросага кела бошлаган эдим: бугунги кунда яратилаётган асарлар сентименталлашиб бораётгандек. Исажон Султоннинг бир қатор ҳикоялари, “Онаизорим” қиссаси, Ҳуршид Дўйстмуҳаммаднинг “Хижроним мингdir менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз...”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар”, “Узоқдаги Дилнурा” асарлари ва ҳоказо.

Менинг чекланганим нимадан иборат эди? Бадий асарни тушуниш ва таҳлил қилишда кўпроқ ўзимдаги Анимустга (аёл кишидаги “маскулинность”дан иборат архетип) таянар эканман. Адабиёт мен учун Анимусни реаллаштириш – мантиқий фикрлаш эҳтиёжини қондириш майдони экан. Юқоридаги асарларда эса, аксинча, тобора pragmatikлашиб бораётган дунёмизда, со-вуқ ҳисоб-китобли муносабатлар шароитида қадр-қиммати пасайиб бораётган, эътибордан четда қолаётган ҳис-кечинмаларни ифода этиш эҳтиёжи бўртиб кўринади. Уларда муаллифлар воқеликни англашдан кўра, ўзининг айни воқеликда реаллашмай қолаётган қисми – Анимани (“фемининность” архетипи)



ифодалаш билан қаноатланишади. Қисқаси, ушбу асарларнинг китобхони бўйолмаётганимни, бунга китобхон сифатидаги "установкам" халал берадётганини англаб қолдим.

"Парим бўлса..." ҳикоясининг муаллифи ана шу китобхонлик "установкам"ни, юмшокроқ айтганда, алдади. Ҳикоя давомида кимсан миллионер бой, фермер-тадбиркор Ғанибойваччанинг балеринани яхши кўриб қолиб, дарвеш-девона кепатасига тушиши одам ишонмайдиган воқеа экани икки гапнинг бирида таъкидланаверади. "Хойнаҳой, бу ёш билан ҳам боғланган: ўттиздан ошиб-қирққа яқинлашган бир хил эркакларда шунақангى аллатувур хасталик учрашини, охир-оқибат улар ичидан ўзларини бошқаролмай қолган айрим иродасизларининг томи кетиб қолишини эшитгандим..." Баёнчининг шарҳ-изоҳларини ўқигач, ҳикояда тасвирланган воқеани ҳатто ўз ўзингга ҳам тушунтиришини, қаҳрамон аҳволини таҳлил қилиб, сабабларини аниқлашни ҳам истамай қоласан. Уни ўзича муҳокама қилиб, саргузаштларини ҳангомага айлантираётган ҳамқишлоқларнинг (ҳатто баёнчининг ҳам) ўта мантиқий ҳукм-хулосаси қониқтирмай қолади.

Тарки одат – амри маҳол деганлариdek, барибир мантиқий изоҳ топишга уриниб кўрдим. Йигирма-ўттиз ёшнинг оралиғида эркак киши ўзини эр-как сифатида тасдиқлаб олишга кўпроқ зарурат сезаркан, у ўзидағи *Аним* ("фемининность" архетипи) сояда қолишидан қийналмайди ҳисоб. Аммо кейинроқ, қирқ ёш миёнасида *Анимани* реаллаштириш эҳтиёжи ортиб бора-веради. Одам гўё ўзини тўлақонли ҳаёт кечира олмаётгандек сезади: дунёга келиб ҳамма нарсага эришган-у, айни чоқда энг муҳим нарсани қўлга киритолмаган ёки энг муҳимини бой бераётгандек ҳис қиласверади ўзини. Психоаналитикларнинг таъкидлашича, ўз руҳиятининг бир қисмини реаллаштиромай яшаётган одам шундай ҳолга тушаркан.

Аксарият кишилар ўйлаганини айтмасликка ва ёзмасликка ўрганиб қолган. Ўйлагамаганини айтиш ва ёзиш – бу бошқа масала. Муҳими – нима учун ўйлаганини айтолмаслиги, ёзолмаслиги. Ростдан ҳам, нима учун ўйлаганларимни, ҳеч қандай "сиёсий хатоси" бўлмаса ҳам, айтгим, ёзгим келмайди? Негаки, жамоатчилик фикри ва шахсий фикр деган гаплар бор. Ҳархолда, жамоатчилик фикри шахсий фикрларнинг жами ёки уларни умумлаштириб ифодаловчи фикр дегани эмас. "Парим бўлса..." ни ўқиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласади одам.

Ҳамқишлоқлар Ғанибойваччага муносабатда, жамоатчилик фикри нуқтаи назаридан, яқдил – ҳеч ким уни оқламайди, маъқулламайди. Бироқ уларнинг ҳар бири Ғанибойваччанинг ҳолатини маълум даражада бошдан кечирганига, унинг аҳволини ўзича тушунишию ҳис этишига шубҳа қилмайди. Фақат Ғанибойваччани англаш уларнинг кўнглидан ташқарига чиқмайди, жамоатчилик фикрига айланмайди ёки жамоатчилик фикрига қарши ҳам қўйилмайди. Шу сабаб ҳам Ибодилланинг Ғанибойваччага муносабати икки хил. Ибодилла аввалига ҳамма қатори ҳайратланади, энсаси қотади, ке-йин эса ўзи ҳам Ғанибойваччага ўхшаб қолади – унга жамоатчилик фикри нуқтаи назаридан эмас, бир одам сифатида қарай бошлайди.

Инсон ташқарида бошқа бир одам, ўз ичидаги бошқа бир олам бўлиб яшайди. Ғанибойвачча билан Ибодилла ана шу чегарани бузади – шахсий нуқтаи назарини яширмай қўяди. Ўз навбатида, улар жамоада – ҳар бири деярли уларникига ўхшаш шахсий нуқтаи назарга эга, бироқ буни яшириб

яшашга ўрганган кишилар орасида бегонага айланади (Фанибойвачча жин-нихонадан чиқмайди, Ибодилла шаҳарда noctor ҳолда яшайди). Бундан жамият ютқазмайди – жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир инсон ютқазади (албатта, “ҳар бир инсон” деганда, Фанибойвачча ва Ибодилланигина назарда тутаётганим йўқ).

Муаллиф ровий орқали китобхонга акс таъсир қиласидиган бир усулни қўллабди: жамоатчилик фикри нуқтаи назаридан, марҳамат, “баёнчи”нинг айтганларини муаллиф қараши деб қабул қилинг; шахсий фикр масаласига келсак, “Баёнчидан” деган аниқламанинг ўзиёқ уни муаллифдан фарқлаш кераклигига ишора қиласиди. Шунинг учун ҳам ҳикоячи нутқида, айниқса, асар охиридаги “Баёнчи”дан деган қисмида атайинлик сезилади. “Баёнчи” Фанибойвачча ва Ибодилла тутган йўлнинг мақбул эмаслигига талайгина далил келтиради, лекин бу фикрга китобхонни ишонтиrolмайди, чунки ушбу далиллар орқали кимдир бошқа бирорни эмас, аввало, ўз-ўзини ишонтиришига бехуда уриняпти...

ҚУВОНЧБАХШ ҒУССА

Усмон Қўч оғизи. Сени шу заминда учратиб қолдим... Туркум шеърлар. “Китоб дунёси” газетаси, 2014 йил, июнь.

Тангрим, сўраб қўяй ҳозироқ сендан,
Бир куни қолмайин миннаматларингга.
Куйган юрак билан, куйик қалб билан
Мени қўярсанми жаннаматларингга?

Тўғрисини айтганда, кўпдан бери шеър ўқимай қўйганимни ҳеч нарса билан оқлаёлмайман. Йўқ, шеъриятнинг даражаси пасайиб кетгани (алҳазар, бундай десам кибрга кетиб қоламан!) учун эмас, ўнтадан битта яхши шеърни танлаб, ажратиб олишга шунчаки ҳафсала қилмаганим учун ўқимай қўйган бўлсан керак. Яқиндан бери бу баҳона ҳам ўтмай қолди. Энди бу бора-да тайёр, беминнат “гид” топиб олганман – шоир Хуршид Давроннинг сайти.

Ҳар бир яхши ижодкорни унинг янги асари орқали янгидан танигандек, уни ўзим учун қайтадан кашф қилгандек бўлавераман. Усмон Қўчкорнинг янги туркум шеърларини ўқиётганимда ҳам шундай бўлди. Гўё мен яшаётган оламдаги ҳамма нарса бирдан тўхтаб қолди, бир зум тўхтаб турдию яна жонланиб кетди. Бу мендаги ҳайрат туфайли эди. Шоирнинг менга тушунарли бўлган, мен гаплашадиган тилда ёзилган шеърларини “таржима” қилиб бериш ниятим йўқ. Бироқ мени ҳайратга соглан нарса нелигини билгим, англагим келаверади.

Беш-олти йилнинг берисида менда ёмон бир одат пайдо бўлган: айрим шеърлар муаллифнинг ўзини оқлаб олиши учунгина ёзилганини ҳис қилиб тураман. Бунақа шеърларнинг муаллифлари ўзининг нақадар бечора ва шу боис жудаям яхши одам эканини иддао қилаётгандек туюлаверади. Улардан фарқ қиласоқ, Усмон Қўчкорнинг лирик қаҳрамони ҳеч кимдан эътироф ҳам, эътироз ҳам кутаётгани йўқ (балки, марғуб томони ҳам шудир!), унга ўз ҳолини расмана англаш ва ифодалаш муҳимроқ. Эътиборимни тортган яна бир жиҳат шуки, У.Қўчкорнинг мазкур туркумдаги шеърларида “мен” ва “сен”нинг “биз”га айланганини кўрмадим (“Йўл узоқ” шеъридаги “биз”ни маслак нуқтаи назаридан тушундим). “Тангрим сўраб қўяй ҳозироқ сендан”,

деб бошланган шеърда эса умуман “сен” йўқ, ёр ҳақида ҳатто “у” деб ҳам эсланмаган. Нега?

“Кутиш” шеърида “сен” келгунича (“Сен доим қайгадир шошиб яшайсан, / Қалбингда бир дунё орзу ва умид...”), “мен” аллақачон дарахтга айланиб бўлади.

Атрофга жовдираб бокурсан ҳайрон,
Ҳайрон суюнасан ёлғиз дарахтга.
Билмассан –
Бу дарахт нега жим қотган,
Билмассан –
Бу қайгу қайданлигини.
Билмассан –
Сени кута-кута илдизлар отган
Бу дарахт – дарахтмас, одамлигини...

Бу мисраларда иддао йўқ, таъна йўқ, ўз ҳолидан шикоят ҳам йўқ. Дарахтга суюниб, атрофга ҳайрон боқаётган қиз билан бирга менинг руҳим ҳам сокинлашиб, хаёл ичиди қолиб кетди...

Олисда бир шамол гувлаб эсмоқда,
Ўтмоқда бу боғнинг энди ёzlари.
Кунма-кун чирмовуқ каби ўсмоқда
Юракда гуссанинг имтиёзлари....

Шеър менга ахволимни англатди гўё – кўзгуга қарагандек бўлдим. Нега бунча сокинлашиб бормоқдаман-а?.. Ахир баҳоригина эмас, ёзи ҳам ўтиб бораётганини ич-ичидан сезиб, сўнгсиз гусса ичра йўқолиб бораётган мен эмасмидим?.. Аммо нима учун юракда одамни дилгир қиласиган афсус-надомат йўқ? Негаки баҳоридан кейин ёзи ҳам ўтиб бораётган инсон қалбидаги туйғуларнинг бари – қувончи ҳам, ғам-гуссан ҳам бирдек қадрли. Йўқса ғам-гуссанинг ифодаси бу қадар – У.Қўчкор шеърларидаги каби гўзал бўлмасди.

Барибир, шеър ҳақида ҳеч нарса айтмадим ҳисоб. Шоирнинг шеърлари ўзи ҳақида мендан кўра кўпроқ сўзлайди. Фақат, шеъриятни тушуниш, ҳис қилиш қобилиятини йўқотиб қўйяпман (кузатишмча, бундай психологик комплекс биргина менга хос эмас, яна билмадим), деб ўзимни камситишдан халос этгани учун шоирдан миннатдор бўлмоғим лозим.

“СОФ ЎҚИШ” ЭҲТИЁЖИ

Астрид Л и н д г р е н. Миттивой ва томда яшовчи Карлсон ҳақида икки қисса. Тошкент, “Ёш гвардия” нашриёти, 1974.

Бу қисса Стокгольмда яшайдиган етти яшар Миттивой ва томда яшовчи “айни қирчиллама ёшдаги” Карлсон ҳақида. Воқеа ва тафсилотлари эсимдан чиқсан дея, ҳар гал атай орадан икки-уч йилни ўтказаман-да, қиссани қайта ўқийман.

“Миттивой ва Карлсон”ни ўқиётганимда, унда қанақа ижтимо-ий-ахлоқий муаммолар кўтарилигани тўғрисида умуман ўйламайман, қаҳрамонлар нутқида қанақа доно фикрлар яширганини излаб топиш, мағзини чақиш зарурати хаёлимгаям келмайди,



кимнинг ижобий, салбий ёки мураккаб қаҳрамон экани ҳам қизиқтирмайди. Асар китобхонга ҳаётдан орттирган психологик комплекслари таъсирида нафратини қайсиdir қаҳрамонга йўналтириш имконини ҳам бермайди.


Астрид Линдгрен болани бола ҳолида тасвирлайди. Уни тезроқ улғайтиришга, нутқини ақлли фикрлар билан безашга уринмайди. Қисса қаҳрамони катталарга ёқиш учун одам қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ақидаларни ўз-ўзига ва бу орқали китобхонга-да уқтиришга интилмайди. У бир норасида боланинг беғубор, ғам-ташвишсиз ҳаётини яшайди. Унинг туриш-турмуши қачондир бир вақт яшаладиган, бироқ ташрифи ҳозирча номаълум ҳаётга тайёргарлиқдан иборат эмас.

Томда яшовчи, орқасида ғалати парраги бор Карлсон ҳақида ҳам кўп гапларни айтиш мумкин, лекин бундай қилмайман, қисса сўзбоносида айтилган таърифни келтириш билан чекланаман: Карлсон – “дунёдаги барча болаларнинг тимсоли”...

Кўп ўйлайман: нега бот-бот шу қисса мутолаасига қайтавераман? Унинг мени мафтун этган, мудом ўзига тортадиган жозиб кучи нимада?

Балки ҳар гал кўлга олганимда илк бор болалигимда ўқиганимдаги таас-суротлар қайта тирилаётгани учундир? Эҳтимол ўша таассуротларимни та-розининг бир палласига, мутахассис сифатида ўқиганим асарлардан олган таассуротларимни иккинч палласига солиб, қайси палла тош босиб кетаёт-ганини англай олмай турганимдандир?..

Кўпдан бери ўзимга бериб келадиган мазкур саволларга ушбу мақола баҳонасида жавоб топишига жазм этдим. Бадий асарни кимдир мафкура-си, кимдир диний эътиқоди, яна кимдир ҳаётий муаммолари фонида қа-бул қиласди, хулосаси ҳам шунга мувофиқ бўлади. Ёки битта одамнинг ўзи бир асарни олим, бошқасини ўқитувчи, тағин бирини оддий аёл ёки эркак бўлиб ўқийди. Ҳолбуки, ҳар биримизнинг ич-ичимизда бадий асарни бў-линмасдан, бир бутун одам ҳолида ўқиш эҳтиёжи ётади. Нима десам экан, “соф санъат” деганларидан андаза олиб “соф ўқиш” деб айтсамми? Демак, “Миттивой ва Карлсон” қиссаси менга табиий равишда шундай ўқиш имкони-ни берар экан-да! Ҳаммага мутолаа онлари бадий асарга инон-ихтиёрини топшириб, уни борича шундай соф ўқишу умрзоқ таассуротларга эга бўлиш насиб этсин.



Ijtimoiy ongdagi evrilishlar

Жамият ва онг, инсон амалий фаолияти ва унинг онгдаги инъикоси, объектив ва субъектив борлиқнинг ўзаро муносабатига доир масалалар инсонни мудом ўйлантириб келган. Фалсафанинг ибтидоси ҳам, ҳозирги муаммолари ҳам мазкур саволга жавоб излаш билан боғлиқ (қаранг: *Фрагменты ранних греческих философов. Часть 1. Москва, "Наука", 1989. Стр. 10.*).

Арасту инсонни "ижтимоий мавжудот" дейди. Аммо "биринчи муаллим" онгнинг ижтимоий воқе-лик экани ҳақида аниқ фикр, таъриф келтирмаган. "Ижтимоий онг" атамасининг вужудга келиши И.Кант ва Ҳегель фалсафаси билан боғлиқ. Масалан, И.Кант уни "интеллектуал онг" билан боғлайди (*Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 3. Москва, "Мысль", 1964. Стр. 102.*) Ҳегель уни эмпир-ик, диний, кундалик, назарий, табиий, маънавий каби шаклларга ажратиб таҳлил этади (*Гегель. Философия религии в двух томах. Т. 2. Москва, "Мысль", 1977. Стр. 564.*).

ХХ асрда инсон феноменига қизиқиш ортиши билан онг, унинг ижтимоий кўринишлари кенг тадқиқ этила бошлади. З.Фрейд, К.Юнг психонализи онг ҳақида тасаввурларни ўзgartириб, инсон ва жамият ўртасидаги алоқалар моҳиятини янгича талқин килишга турткі берди.

Ижтимоий онгни илмий муаммо сифатида ўрганиша Л.Леви-Брюль, А.Маслоу, Ф.Кликс, В.Вундт, И.Павлов, А.Адлер, В.Бехтерев, Ж.Морено, К.Лоренц, А.Леонтьев, П.Анохин, Л.Виготский, А.Спиркин, Э.Фромм каби тадқиқотчиларнинг бетакорор ўрни бор. Уларнинг фалсафий ва назарий-илмий хуласалари ижтимоий онг хусусиятларини, жамият ҳётида ҳамда кишилар хатти-харакатларида кечәётган эврилишларни, ўзгаришларни түғрироқ англашга, баҳолашга ёрдам берди.

Онг инсон руҳий ва рефлексив кечинмалари маҳсулси сифатида ташки оламнинг инъикосидир. Мазкур инъикос инсон учун аҳамиятли бўлган нарсалар, предметлар, ҳодиса ва хатти-харакатлар таъсирида юзага келади (*Леонтьев А. Проблемы развития психики. Москва, "АСПЕКТ-ЭКСПРЕСС", 2001. Стр. 297.*). Демак, онг дуч келган эмас, балки аҳамиятли бўлган нарсалар, предметлар, ҳодиса ва хатти-харакатлар таъсирининг инъикоси хисобланади. Ана шундана-

гина унинг инсон ҳётини, хатти-харакатларини бошқарувчи куч, Ҳегель ибораси билан айтганда, "онгли руҳ" (*Гегель. Философия природы. Т. 2. Москва, "Мысль", 1975. Стр. 499.*) эканини англапаш мумкин. Инсон онгига хос ушбу фундаментал хусусият, яъни унинг борлиқнинг аҳамиятли жиҳатларига йўналтирилиши ижтимоий онгда ёрқин намоён бўлади.

Онгнинг турли кўриниш, шакл ва погоналари мавжуд. Масалан, шахсий, гурухий, корпоратив – жамоавий, оммавий, синфий каби кўринишлари, илмий, бадиий, маишӣ, фалсафий, диний, эзотерик каби шакллари, индивидуал, миллий, ижтимоий каби погоналари бор. Бундай таснифлаш тадқиқот мақсадига монанд амалга оширилади. Бизни онгнинг ижтимоий погонаси, унинг фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги эврилиш, трансформацияга учраш хусусиятлари қизиқтиради.

Ижтимоий онг – ижтимоий аҳамиятли бўлган нарса, ҳодиса ва хатти-харакатлар таъсирининг инсон тасаввuri ва дунёқарашидаги инъикоси. У инсоннинг ижтимоий борлиқ қонунлари, жамият ҳётига тааллуқли ўзгаришлар, социум хусусиятларини англашга қаратилган гносеологик изланишлари маҳсулидир. Онг руҳий, сенситив ва рефлексив кечинмалар билан боғлиқ, демак, ижтимоий онг ҳам ушбу ични кечинмалар синтезидан ўтиб, инсонда ташки оламга оид тасаввурларни, қарашларни шакллантиради.

Ижтимоий онгнинг жамият қонунларини англашга, социумга йўналтирилган унинг бош белгисидир. Айнан ушбу белгида ижтимоий онгнинг социокреатив (ижтимоий борлиқни англаш, ўзгартириш, яратиш) хусусияти намоён бўлади.

Инсон онги, А.Маслоу таъкидига кўра, "ўз сарҳадига эга." Инсон онгининг "узоқ сарҳади" жамият, халқ, миллат, хуллас, ижтимоий тараққиёт манбаатларига хизмат қилиш, шу ниятда жамият тараққиёти учун фойдали нарсалар яратишдадир (*Маслоу А. Дальние пределы человеческой психики. СПб., "Евразия", 1997. Стр. 63-65.*). Яъни инсон онгининг социокреативлиги борлиқ сирларини англаш, янги муносабатлар, тараққиётта хизмат қилиувчи бойликлар яратишдир.

Онг ва борлиқ ўртасида диалектик боғлиқлик бўлса-да, улар гоҳо бир-бираига зид келиши мум-

кин. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги жамият туб ўзгаришларни талаб қилган бўлса-да, тоталитар тузум даврида шаклланган ижтимоий оңг янгича яшашга, парадигмал ўзгаришлар қилишга тайёр эмас эди. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз мустақилликка эришиш остонасида “Биз энди бундай яшомаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл кўймайди” (Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. 38-бет), деб таъкидлаган.

Фуқаролик жамияти инсондан жамият ҳаёти, бошқарув, ислоҳотларга фаол муносабатни талаб этади. Тараққиётнинг ушбу қонуни ижтимоий онги янада фаоллашишга, жамият ҳаётига таалуқли ҳар бир ҳодисани тараққиёт манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолашга ундайди. Мазкур жараён ижтимоий онга маълум бир эврилишларни келтириб чиқаради.

Мустақиллик даврининг биринчи босқичида (1991-2000) ижтимоий онга иккиланиш, советлар давридаги анъанавий қарашларни асрар, ҳатто ўша даврни оқлашга интилишлар бўлгани кўзга ташланади. Ўтиш даврининг зиддиятлари ижтимоий онга акс этмаслиги мумкин эмас эди, албатта. Бу даврда фуқаролик жамияти ҳақида ҳали илмий-назарий концепция яратилмаган. Ижтимоий оңг кўпроқ бозор иқтисодиёти, оиласви ҳаётни йўлга кўйиш, кундаклик эҳтиёжларни қондириш муаммолари билан банд эди. Сиёсий соҳада демократик ҳукуқий давлат куриш стратегик мақсад сифатида эълон қилинган, лекин ижтимоий онга мазкур воқеаликни ўрганиши, англаши, ўз қадриятига, идеалига айлантириши зарур эди.

Иккинчи босқичда (2001-2010) мустақиллик ва бозор иқтисодиётiga ўтиш тарихий объектив зарурят, миллий демократик тараққиёт талаби экани ижтимоий онгдан жой олди. Тўғри, айрим кишилар онгида совет даврини кўмсаш ҳамон сақланиб қолган эса-да, лекин у туб ўзгаришларга энди тўсик бўлолмади. Ижтимоий онга миллий меросни, халқимиз тарихини ўрганишга бўлган интилиш кучайди, шу билан бирга инсон эрки ва ҳукуқларини эъзозловчи халқаро тажрибалар, илмий-назарий таълимотларга мурожаат этиш анъанаси шаклланди. Маънавий меросга бўлган тор, синфий ёндашишдан воз кечилди, халқ, миллат ҳаётига, тарихига тадрижий воқеалик, чет эллик олимларга эса буржуа вакиллари деб эмас, балки илм-фанга ҳисса кўшган зиёлилар, маърифатпарварлар деб қараш қарор топди. Натижада сиёсий ва иқтисодий онга фуқаролик жамиятининг фундаментал хусусиятларига оид қараш, фикр ва ёндашувлар юзага келди, жамиятда нодавлат ташкилотлари ва

ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллашуви эса фуқаролик жамияти ҳақидаги концепцияни яратишга асос бўлди.

Учинчи босқичга (2011 йилдан кейинги давр) келип бозор иқтисодиётiga асосланган демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимиз ва бу борада яна нималар қилиш зарурлигини белгилаб ошиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Натижада Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь қўшма мажлисидаги маъруzasida фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини эълон қилди.

Ўтган тўрт-беш йил давомида халқнинг, ижтимоий фикрнинг Президент ва Вазирлар Маҳкамасига тўла ижобий муносабати, ишончи шаклландиди, буни маҳсус социологик кузатувлар ҳам тасдиқлайди. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқотларига кўра, Президент фаолияти кейинги тўрт-беш йил давомида ижтимоий фикр томонидан юқори баҳоланмоқда. Ундан кейинги ўринин Вазирлар Маҳкамаси эгаллайди (*Ижтимоий фикр. Инсон ҳукуқлари. Тошкент, 2014, 1-сон. 30-31-бетлар*).

Шу билан биргча, ижтимоий онгда ҳали ҳам бефарқлик бир мунча сақланиб қолаётгани кузатилиди. Гарб оммавий маданияти хуружлари, зўравонликни тарғиб этувчи ўйин ва фильмлар жамоатчиликни безовта қилмоқда. Демак, ижтимоий онгдан гайримиллий, гайриахлокий иллатлар батамом сикиб чиқарилмаган. Ижтимоий фикр фуқаролик жамияти институтлари – оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва ноҳукумат ташкилотлар фаолиятида ҳали камчиликлар борлигини қайд этади. Масалан, ўзимиз ўтказган сўровномада қатнашган респондентларнинг 17 фоизи сиёсий партиялар ўтказаётган тадбирлардан, атиги 2 фоизи эса уларнинг дастурларидан хабардор. Ёки ҳукумат ташкилотлар фаолиятига оид ижтимоий фикрни кузатайлик. “Ижтимоий фикр” марказининг келтиришича, респондентларнинг 2011 йили 72,7 фоизи, 2012 йили 79 ва 2013 йили 79,8 фоизи нодавлат ташкилотлари фаолиятини ижобий баҳолаб, уларнинг ҳукукий-маърифий фаолиятидан мамнун эканини айтган. Шу билан бирга респондентларнинг 2011 йили 18,4 фоизи, 2012 йили 15,4 ва 2013 йили 15,1 фоизи бу соҳада муаммолар борлигини, юқоридаги йиллар тартибида, 3,8; 3,4 ва 3 фоизи инсон ҳукуқлари бузилиши “ўта долзарб” бўлиб турганини кўрсатган.

ОАВдаги сийقا, компилятив материаллар ҳам кишилар онгида салбий муносабат уйғотаётгани

кузатилади. Респондентлар ОАВ дадил, долзарп ва баҳсга ундовчи, ижтимоий онгни юксалтиришга таъсир этувчи материаллар, кўрсатувлар берилишини истайди.

Фуқаролик жамияти биз учун мутлақо янги ижтимоий макон, унда ҳали англаб етилмаган, ечимини кутиб турган кўплаб муаммолар мавжуд.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда ижтимоий онгнинг социокреатив имкониятларидан унумли фойдаланиш мудом долзарб масала бўлиб қолади.

Суҳроб НОРҚУЛОВ,
ЎзМУ мустақил изланувчиси,
фалсафа фанлари номзоди

Sohir ohang, sohir kuyl...

Аксар рисола, баёз, тадқиқотлар сўэбошидан (муқаддима) бошланиши маълум. Бу анъанани илмий, тарихий ва бадиий асарларда кузатиш мумкин. Ушбу одатдан чекинмаган ҳолда санъатшунос олим Отаназар Матёқубов "Бухоро шашмақоми" китобига жуда пурмазмун сўэбоши биттан. Сўэбoshi етти кичик фаслдан иборат. Унинг илк фаслида Бухори Шарифнинг жаҳон фани ва тараққиётига кўшган ҳиссаси ҳақида батафсил маълумот берилган. Кейинги фаслларда асосан Бухоро шашмақоми, унинг ўзбек ва жаҳон маданиятидаги ўрни хусусида сўзланади. Олимнинг фикрича, Бухоро шашмақомини муфассал ўрганишда қадимий баёз, рисолаю қўлёзмаларни синчилаб кўздан кечириш муҳим. Бироқ бу нодир асарларга замон талаби ва ўзбек ҳамда жаҳон олимлари эришган илмий-назарий, амалий ютуқларга таянган ҳолда ёндашиб ундан-да аҳамиятли. Мақомларни бўлиб-бўлиб эмас, балки тўлалигича, яхлит, бир бутун мусиқий кашфиёт сифатида кўриш ва ўрганиши керак. Бунинг учун эски манбаларни кўпроқ ахтаришимиз, борларидан эса унумли фойдаланишимиз зарур, дейди олим.

Муаллиф мақомлар, жумладан, Бухоро шашмақоми мавзусига катта тайёргарлиқдан кейин кўлурди. У дастлаб Ўрта асрларда яшаб ижод этган Шарқ мутафаккирларининг мусиқий рисолаларини пухта ўрганди. Шашмақомга доир XVII-XIX асрларда ёзилган баёзлар билан танишиди. Олимнинг далдаси билан Нафас Шодмонов Марогийнинг "Мақосид ул-алҳон", Жомийнинг "Рисолаи мусиқий" асрларини ўзбек тилига ағдарди. Фитрат, Беляев, Успенский, Юнус Ражабий, Исҳоқ Ражабий, Фазлиддин Шаҳобов ва бошқа кўплаб олиму ижодкорларинг илмий-амалий изланишлари ҳам санъатшунос эътиборидан четда қолмаган. "Шашмақом ҳақидаги илмий қарашларимни тубдан ўзгартира олган ягона асар бу – қомусий олим Абдурауф Фитратнинг "Ўзбек классик мусиқаси ва

унинг тарихи" китобчасидир", деб кўп тақорлайди Отаназар Матёқубов. У диёrimиз, яқин ва узоқ хориждаги замондош олимларнинг илмий изланишларидан ҳам хабардор.

"Мен "шашмақом" атамасини илк бор 1847 йилда номаълум муаллиф ёзган бир баёзда учратдим. Мен кўрган бошқа баёз, рисолаларда шашмақом турил номларда берилган", деб ёзди олим. Айни вақтда, у бу фикрини мутлақлаштирамайди.

Мақомлар ритм ва лад асосида шаклланади. Мана шу икки омилига мувофиқ уларга тартиби берилади. Муаллиф ритмни бирламчи деб эътироф этади. Чунки ритм – ўзгармас, куй – ўзгарувчан. Лад ҳақида гапирап экан, уни нақшларга менгзайди. Унга кўра, лад икки хил тарзда ҳосил қилинади. Биринчиси, математик услуб. Айтайлик, Наво товуш тизимининг илк икки товуши бир ярим тонга teng. Farb мусиқий истилоҳида бу кичик терция ёки орттирилган секунда дейилади. Математик йўл билан ҳисоблаганди, ушбу бир ярим тонлик (вуста) билан зикр этилган интерваллар орасида анчагина фарқ борлигига гувоҳ бўламиз. Демак, математик йўлда ладларни тузиш бу – имкон қадар ҳисоб-китоблар билан аниқликка эришиш демақдир. Умуман, Шарқ, айниқса, ўзбек мусиқасидаги товуш тизимларини европача лад асосида ифодалаш ҳар доим ҳам дуруст натижа бермайди. Лекин мақом ва унинг товуш қаторлари моҳиятини кенг оммага тушунишрида Farb мусиқасида мавжуд лад тизими ning ифодавий воситаларини қўллаш фойдадан холи эмас. Ладларни ҳосил қилишнинг иккинчи йўли амалиётда, яъни ҳис этиш ва эшитиш ёрдамида товушларга тартиб беришдир. Зотан, ҳар бир лад товушлар тартиб билан жойлаштирилишининг гўзал самарасидир.

Танбур пардаларининг "ичак парда", "ҳас парда", "асос парда" дейилиши кўпроқ лад товушларининг назарий томонларини англатса, "тамом

парда", "нотамом парда", "таянч парда" каби атамалар ладнинг амалий қирраларини ифодалайди. Бу жараёнда инсон қалби, қўли, қулоги фаол иштирок этади: қалб буюради, қўл бажаради, қулоқ эса адо этган амал ҳақида тафаккур орқали қалбга ҳисобот беради, гёё.

Айниқса, китобнинг "Форма" деб аталган боби ўқувчида катта таассурот қолдиради. Форма (шакл) камдан-кам ҳолларда бир, асосан икки ва ундан ортиқ товушдан ҳосил бўлади. Бу жиҳатни чукур таҳлил қиласиган олим "Мақом бу – шакл ўйинидир", дейди. Дастраси товуш – энг кичик шакл, яъни эмбрион. Ундан оҳанг, оҳангдан фраза, фразадан жумла, жумладан давра пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, шакл, шаклнинг ичидаги шакл ичидаги шакл ичидаги яна шакл ва ҳоказо.

Рости, шашмақомдаги шаклларга шу вақтгacha эътибор қилмаган эканман. Бобни ўқигач, саражхорлардан бирининг таркибидаги шаклларни санаб чикишга ҳаракат қилдим – саноғига етолмадим. Қанча кўп санамай, шунча кўп ҳисобдан адашавердим. Қизиги шундаки, саноқдан адашганимдан ҳам таажубландим, ҳам завқландим. Ниҳоят, шундай хулосага келдим: шашмақомда нафақат соҳир оҳангларни, балки соҳир шаклларни ҳам истаганча топиш мумкин...

Китобнинг ибратли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда муаллиф Бухоро шашмақомига тегишили барча масалаларга, ҳатто мазкур атаманинг ўзига ҳам илмий-танқидий ёндашган.

Ўлмас РАСУЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

So'z va soz

Миллый чолғулар халқининг мусиқий тафаккури ва маданий савиясини намойиш этувчи муҳим музейлардан биридир. Ўзбек халқи ҳам ранг-баранг чолғуларга, бой ижро анъаналарига эга. Кўхна миллый чолғуларимиз торли, дамли ва зарбли созлар гуруҳига бўлинади (*Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. Тошкент, 1972; Ташматова А. Мусиқий чолғулар музейи каталоги. Тошкент, 2006*).

Торли чолғулар гуруҳи торли-чертма (дутор, дўмбира, танбур, афғон рубоби, қашқар рубоби, уд, қонун), торли-камонли (қўбиз, ғижокак, сато) ва торли-зарбли (чанг) созлардан иборат.

Дамли чолғулар товуш ҳосил этиш манбасига кўра, лабли-пуфлама (чўпон най), найпачоқ-пуфлама (қўшнай, буламон, сибизик, сурнай), муштукли-пуфлама (карнай) ва тилчали-пуфлама (чанг-қобуз) турларига бўлинади.

Зарбли чолғулар гуруҳини тери қопламали (дойра, нофора) ҳамда "ўзи садоланувчи" чолғулар (сафоил, қошик, қайроқ) ташкил этади.

Халқ куйлари маросим, оммавий сайл, тантана, байрам ва турли йигинлар билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Бинобарин, халқимизнинг маданий ҳаётida ҳар бир чолгунинг ўз ўрни бор. Масалан, дуторда "Кўштор", "Чертмак", "Дутор Баёти" каби маҳсус куйлар ижро этилади. Қолаверса, дуторчи бошқа созандалар билан бирга халқ айтимларига ҳам жўрнавозлик қиласи.

Халқимиз азалдан айрича қадрлаган торли-чертма чолғулардан яна бири дўмбираидир. Бу чолғу бахшию чўпонларнинг сирдоши, йўлдоши-

дир (*Кароматов Ф. Узбекская домбровая музыка. Тошкент, 1962. Стр. 4*). Миллый мусиқа маданиятимизда дўмбира ижроилиги жўрнавоз ва якканавоз тарзда намоён бўлади. У жўрнавоз чолғу сифатида кўпроқ баҳшиларнинг достон, терма ва айтимларида, якканавоз ҳолда эса "Чўпонча", "Дўмбира кўй" ва бошқа маҳсус куйларда истифода этилади.

Ғажир най (бу соз чўл бургти – ғажирнинг қанот суягидан ясалади) ва сибизик – дамли чолғуларнинг энг қадими турларидандир. Узунасига (бўйлами тарзда) ушлаб чалинадиган ғажир най чўпонлар орасида кенг кўллангани боис "чўпон най" деб ҳам аталади ("Узбекская инструментальная музыка". Стр. 56-65). Товуш доираси кичик (секста) ҳажмли бу чолгуда асосан "Чўпонча" ва бошқа куйлар чалинади. Халқ орасида "Чўпон най – чолғуларнинг онаси" деган қараш мавжуд. Бу ўринда най, қўшнай ва бошқа дамли чолғулар мазкур созни такомиллаштириш натижасида юзага келганини таъкидлаш жоиз.

Қамишдан ясалаби, ғажир най каби узунасига ушлаб чалинадиган сибизик (сибизға) кичик диапазонга эга. Қадимда ундан ахборот (сигнал) узатиш воситаси сифатида ҳам фойдаланилган ("Узбекская домбровая музыка", стр. 67).

Зуқко халқ соҳир куйлар ёрдамида арзи ҳолини баён қиласиган, орзу-истакларини тараннум этган. Яъни миллый созлар асрлар мобайнида дардга малҳам, қалбга маҳрам бўлиб келган. Сўз ва соз уйғунлигига умрбоқий маънавий обидалар яратилган. Айни чоқда, танбур, уд, афғон рубоби, қонун, чанг, сато, ғижокак, қўбиз, най, қўшнай, сурнай,

карнай сингари чолғулар халқимизнинг дурадгорлик, ўймакорлик, мисгарлик, умуман, амалий бе-зак санъатининг гўзал намуналари ҳамдир. Қўли-гул созгарлар ўз ишига дақиқлик билан, заргарона ёндашган, шу боис уларнинг ижод намуналари ноёб зйнатлар каби юксак баҳоланганд.

Халқимиз кўйларни жамоавий (ансамбл) ижро этиш борасида кўп асрлик анъанага эга. Кўхна давларга оид созандалар жамоасининг тош деворларга ишланган тасвирлари, йўрта асрларга доир миниатюралар ва бошقا қимматли манбалар шундан далолат беради (*Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. Москва, "Музыка", 1980*). XVI–XVII асрлар Бухоро ва Самарканд миниатюра мактаби вакиллари чизган мўъжаз расмларга кўра, ҳарбий юриш, жанг, шикор ва байрам тантаналарида карнай, ногора ва довул чалинган. Танбур, рубоб, гижжак, уд, най, чанг каби чолғулар эса сарой зиёфатлари, хонақоҳлардаги нафис йигинлар ҳамда киборлар мажлисларига файз киритган.

Жамоавий ижро қаттий интизом ва бир ёқадан бош чиқарип ҳаракат қилишни талаб этади. Хусусан, зарбли чолғуларнинг муқим тақрорий ритм-усуллари кўмагида икки ва ундан ортиқ ижочи уюшиб, кўйни ўйғун ҳолда чалишга ҳаракат қиласди. Бинобарин, зарбли чолғулар воситасида ҳосил қилинадиган ритмик усуллар жамоани бир тану бир жон этиш, таъбир жоиз бўлса, турфа ирмоқларни ягона ўзанга солишга хизмат қиласди. Шу боисдан ҳам ўтмишида саройда фаолият кўрсаттаги ногорахона созандаларига, одатда, ногорачи меҳтар (бошлик) этиб тайинланган. Ҳар бир ансамблда зарбли чолғу (кўпроқ дойра) устаси бўлиши қоида тўсими олган.

Тарихан шаклланган ансамбларни садоланиши кучли ҳамда садоланиши майин чолғулардан тузилган ансамблар тарзида таснифлаш мумкин (*Узбекская инструментальная музыка*,

стр. 218–230). Биринчи тоифа ансамбл сурнай, карнай, ногора ва дойра чолғучиларидан ташкил топади. Бундай жамоа кўпроқ очиқ майдонларда ўтказиладиган халқ тантаналари ("Шодиёна" туркуми), дорбоз ва қўйирчоқбозлар томошалари ("Дорбози", "Дучава", "Гул ўйин Дучаваси", "Чарх" ва бошқалар), тўй маросимлари ("Садр", "Беги Султон", "Наво Чархи" ва бошқалар) ҳамда оммавий байрамларда элга хизмат қиласди. Иккинчи турдаги ансамбл деярги барча торли чолғулар, шунингдек, най, буламон, кўшнай, дойра, сафоил, қошиқ усталаридан тузилади. Бундай катта ижодий жамоани шакллантириш осон кечмаслиги ни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур ансамбл мақом сингари мураккаб кўйларни ижро этади, шунингдек, халқ айтимларига жўрнавозлиқ қиласди.

Юртимизда ансамблларнинг маҳаллий турлари ҳам шаклланган. Чунончи, Бухорода танбур, най ва дойра, Фарғона-Тошкентда танбур, дутор, Хоразмда эса дутор, буламон, гижжак ва дойра жўрсозлиги урфга кирган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллый қадриятларимизни қайта тикилаш ва уларни ривожлантириш имконига эга бўлдик. Истиқтол йилларида миллый чолғуларга қизиқиш, эътибор кучайди. Ҳозир юртимизда халқ чолғу усталаридан ташкил топган ўнлаб ансамбл фаолият кўрсатмоқда, маҳсус таълим маскандарига миллый чолғулар ижорчилигидан сабок берилмоқда. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, халқимизнинг кўхна мусиқи тафаккури, ранго-ранг чолғулари ва ижорчилик анъаналарини тадқиқ этиш ҳамда келажак авлодга етка-зиш бугун янада долзарб аҳамият касб этётири.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

Bezaklarga ingan ma'no

Санъат тарихидан маълумки, модернизм XIX аср охири – XX аср бошларида Европада пайдо бўлган фалсафий-эстетик ва бадиий қарашларни ифода этган услуб. Мазкур тушунча моҳиятини англаш учун дадаизм, экспрессионизм, абстракционизм, сюрреализм, кубизм, авангардизм каби оқимларни пухта ўрганиш лозим. Ушбу оқимларнинг бадиий-тасвирий услуби турфа хил, гоҳо бир-бирига зид бўлса-да, санъатда ҳукм суруб келган анъанавий ёндашувларга қарши исёнкор руҳ ва гайрианъанавийлик уларнинг муштарак хусусиятидир. Модернистлар фикрича, мавжуд бадиий-эстетик ёндашувлар ижод-

корнинг интуитив идрокини чеклаб кўяди, ҳар бир асар муайян хаяжон ва ички кечинмалар билан яратилади. Шу боис ижод асносида гоҳо англаш мушқул жараёнларга буткул эрк бериш даркор. Ижодкорни чекловчи ижтимоий меъёрлар бетакрор асарлар яратишга, ҳаёт ўзгаришларига мос изланишларга монелик қиласди. Анъанавий ёндашувларни енгиб ўтиш, кези келгандা уларни бутунлай рад этиш (радикал модернизм), янгилликка, динамизмга, мавхумликка, кескин ўзгаришларга интилиб яаш модернизмнинг асосий тамоилилариданdir (*Новейший философский словарь. Минск, 1998. Стр. 438*).

Модернизмга хос фалсафий-эстетик ғоялар илдизи А.Шопенхауэр, Ф.Ницше, С.Кьеркегор, А.Камю, Ж.Сартр, А.Бергсон, З.Фрейд сингари мутафаккирлар ижодига бориб тақалади. Модернизмнинг тасвирий санъатда кенг тарқалишида эса П.Пикассо, В.Кандинский, М.Шагал, К.Малевич, С.Дали, Х.Миро, Р.Магритт каби мусаввирларнинг хизмати катта.

Ижодкорнинг шахс сифатида шаклланиши ижтимоий муҳит билан боғлиқ. У ақл ва хаёлотига ҳар қанча эрк бериб, турфа ғояларни байроқ қиласин, барibir мавжуд муҳит таъсиридан ва санъатдаги анъаналардан бутунлай ўзиб ёки узилиб кетолмайди. Модерни санъат даражасига кўтарган буюк ижодкорлар ҳам буни тан олган. Ўзини даҳо, "ягона ва охирги сюрреалист" деб билган ва анъанавий ёндашувларни хушламаган испан мусаввири Сальвадор Дали ушбу ҳақиқатни эътироф этиб бундай ёзади: "Аввало ўтмиш ижодкорларидек чизиш ва ёзиши ўрганинг, кейин ўз билганингиздан қолман" (Дали С. Дневник одного генения. Москва, 1999. Стр. 142).

Таъкидламоқ лозимки, Шарққа хос тадрижийлик, тарихий-маданий анъаналарга хурмат, вазминлик ҳамда жамоасеварлик туйгуси бадиий-эстетик қарашларга ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу қарашлар эса шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни инқилобий ўзгариш, тўнтиришлар эмас, балки тадрижийлик ва муроса, бағрикенглик ва юксак маънавият негизида шакллантиришга ёрдам беради. Модернизмнинг Шарқда эмас, айнан Farbda пайдо бўлганинг сабаби ҳам шундадир. У XVIII аср охирларида бошланиб, XIX аср ўрталари ва иккичи ярмида авж олган ижтимоий норозиликлар, санъатдаги инқилобий қарашларнинг ўзига хос инъикосидир. Шарққа тарихий-маданий парадигмага мувофиқ, эволюцион ривожланиш хосdir. Шу боис Farb модерни Шарқда трансформация учраб, Шарқ кишисининг менталитети, ахлоқ-одоб меъёрлари, борлиқ ва социум билан уйғун яшашга интилишига мувофиқлашиши табиий ҳол эди.

Модернизмнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган яна бир омил шундаки, ушбу услуб тарафдорлари замон ва инсон ўртасидаги зиддиятларни бадиий-эстетик воситалар ёрдамида ҳал этиш лозимлигини чукур ҳис қилган (Борисова Е., Стерлин Г. Русский модерн. Москва, "Современный художник", 1990. Стр. 6-7). Улар ижодкорга эркинлик беришни ижтимоий низоларга барҳам беришнинг муҳим шарти деб билган.

Ўзбек ижодкорлари, хусусан, рассомлар ижодида ҳам мазкур оқимнинг таъсири яққол сезилилади. Бугун мусаввир, ҳайкалтарош ва дизайнерларимиз модернинг бадиий-эстетик имкониятларидан эркин, кенг фойдаланмоқда. Муҳими, улар

анъанавий ижод жанрларини беписандларча рад этиш йўлидан эмас, балки модернга бадиий-эстетик ижоднинг муқобил услуби сифатида ёндашиш йўлидан бораётган.

Модерн элементлари Тошкент метрополитеянинг деярли барча бекатида учрайди. Масалан, "Юнусобод" йўналишидаги "Шахристон" бекатини олайлик. Бекат архитектураси ноанъанавий – одатдагидек пўлат излар икки четда, кутиш зали эса ўртада эмас, аксинча, пўлат излар ўртада кутиш зали икки четда. Шунга кўра, устунлар ҳам икки четда эмас, балки пўлат излар ўртасида. Бу эса устунларни тежаш, кутиш зали кўринишини соддалаштириш имконини берган. Девор ва йўлакларни безашда ранги бир-бирига уйқаш, оч-кўнгир тусдаги Нурота мармари ишлатилган. Шифт – темир-бетон бостиричларнинг ранги ҳам девор ва йўлакларга уйғун. Натижада бекатда мусаффо муҳит, ортича безакларсиз, содда ва куляй кенглик ҳосил қилинган. Бунда замонавий архитектурада конструктивизм деб аталадиган услубдан фойдаланилганини кўрамиз. "Чилонзор" ва "Ўзбекистон" йўналишларида классицизм ва романтизм элементлари истифода этилиб, ҳатто бир оз тантанаворлик, дабдабабозликка йўл кўйилган бўлса, "Шахристон" бекати бундай анъаналардан холи.

"Беруний", "Бодомзор", "Минг ўрик", "Машинасозлар" бекатларининг шифтларида модернизм элементлари кўзга яққол ташланади. "Беруний" бекатининг шифти учбurchаксимон геометрик нақшлар туширилган бетон блок билан қопланган, "Бодомзор" бекатининг юқори қисми эса анъанавий саккиз бурчакли нақш билан безатилган. Кутиш залидаги чироқ ва ўриндиклар ҳам модерн услубига хос.

"Минг ўрик" ва "Машинасозлар" бекатларига синчковлик билан разм соглан йўловчи андак гайритабиий, ҳатто экстравагант-декларатив бе-закларни кўради. Хусусан, "Минг ўрик" бекати шифти доира ва цилиндр шаклидаги чироқлар билан безатилган. Бу ўринда дизайнер ва мөъморлар ёргуларни жамлаш ва бир нуқтадан тарқатиш орқали йўловчи дикқатини чироқларнинг ноодатий композициясига жалб этмоқчи бўлган. Шундай ёндашув "Чилонзор", "Буюк ипак йўли" бекатларида ҳам сезилади.

"Беруний" бекати чироқлар композицияси олти чизиқли анъанавий, аммо рангли металл қопланган нақшлардан иборат. Одатий ҳандасавий нақшларни нур таратиш манбаига айлантириш модерн услубини миллий наққошлиқ анъаналарига уйғунлаштиришга ёрқин мисолидир. "Машинасозлар" бекати чироқлар композицияси капалак, гуллар ҳамда тугал шакл-шамоилилсиз, барокко услубига хос шакллардан иборат. Улар денгиз

ўсимликлари, чирмовиқлар ва тўлқинларни ёдга солади. Бундай безаклар билан ижодкорлар нима демоқчи бўлганини тўлиқ англаш қийин. Авансал шифтидаги қувурлар кесимидан ҳосил бўладиган ҳалқасимон, бир-бирига уланган ҳандасавий майдада шакллар ҳам маъно англатмайди. Гўёки шифтни ёпишда зарур материаллар етмай қолгану ушбу ярим-ёрти қувурлар ишлатилган. Мазкур шаклларда абстракционизмга мойиллик бор.

“Чилонзор” бекатидаги паннолар шарқона мишиятура услубида бажарилган. Образлар, уларни ўраган дарахт гуллари, замин, очик осмон, ой тасвирлари керамикада бетакрор жозиба касб этган. Ўзбек миллий амалий санъатида, керамика сарларда ранглар контрасти кам учрайди. Одатда, оч кўк, зангори, оқ ва нилобий, мовий ранглар бир-бинини тўлдириб келади ва умумий фонни ташкил этади. Тўғри, айрим қадими обидалар, масалан, Ичанқалъя, Зангигота, Регистон ва Бибихоним ансамбларида кизил ва сариқ гуллар тасвирни мавжуд. Бироқ мўъжаз тасвир умумий ранглар тўлқинида деярли сезилмайди. “Чилонзор” бекатидаги панноларда тўқ қўнғир, тўқ зангори, тўқ қизил, тўқ сариқ, ҳатто тим қора ранглар бир-биридан ўзишга ҳаракат қиласди. Модерн унсури мазкур керамика паннолардаги контраст ранглар ва ноодатий жойлашувда намоён бўлади.

Модернинг анъанавий амалий санъат билан уйғунлашганини “Ҳамид Олимжон” бекати

деворларидаги керамик нақшларда ҳам кузатмиз. “Намоён” деб аталадиган ушбу керамик композицияда яшил ва тўқ кўк рангли япроқлар акс этган. Яъни бунда ўсимликсимон нақш ва япроқ усуллари мужассамдир (Булатов С. Ўзбек ҳалқ амалий безак санъати. Тошкент, “Мөҳнат”, 1991. 54-бет). Бир қарашда улар ўсимликсимон нақш эканини илғаш қийин, тасвир кўпроқ Хитой мифологик образлари, хусусан, аждахони эслатади. Оқланган силлиқ девор, шифтдаги композиция ва нақшлар таниш бўлса-да, у экстравагант-декларативликдан холи эмас. Бундай айрича ёндашув абстракционизм, сюрреализм ва примитивизмга хос.

Ўрганишларимиз асосида Тошкент метрополитенини лойиҳалаштириш ва бадиий безатиша ижодкорлар Фарбий Европа модернизмидан унумли фойдаланган деб хулоса қилиш мумкин.

Дарҳақиқат, керамика воситасида анъанавий ва замонавий усулларни уйғунлаштирган ҳолда пухта бадиий-эстетик асар, композиция яратиш мумкин. Мустаҳкамлик, эластиклик, ранг-баранглик ва бетакрорлик керамика асарларига умр-бокийлик багишлади. Метрополитенин бадиий безатиша энг зарур ва қимматли материал сифатида керамикадан фойдаланилгани боиси ҳам шу.

Комила ҲИҚМАТУЛЛАЕВА,
ТДТУ ўқитувчиси

Yetti urug' ittifoqi

Ер юзидаги ҳар бир ҳалқ таркибида ўнлаб этнографик гуруҳ – субэтнослар мавжуд. Этнограф олим К.Шониёзовнинг тъкидлашича, субэтнос ўзининг айрим хусусиятлари, тил-лаҳжаси, хўжалик фаoliyati, турмуш тарзининг баъзи томонларни билан асосий этносдан фарқ қиласди (Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклпаниш жараёни. Тошкент, “Шарқ”, 2001, 124-бет). Туркий ҳалқлардан бўлмиш уйғурлар таркибида кошғарлик, оқсулик, хўтандлик, ёркентлик, дўланлик, абдол уйғур каби ўн бешга яқин субэтнос бор.

Шарқий Туркистоннинг (ҳозирги XXРнинг Шинжон автоном тумани) туб жой ахолиси ҳисобланган уйғурларнинг бир қисми сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий сабабларга кўра Марказий Осиё минтақаси бўйлаб тарқалиб кетган.

XIX аср ўрталарида Қўйон хонлигининг яқин кўшниси бўлган Шарқий Туркистон худудида мусулмон аҳолининг хитойлик босқинчиларга қарши озодлик ҳаракати кучаяди. Иқтисодий қийинчиллик,

сиёсий нотинчлик сабабли кўплаб шарқий туркистонлик аҳоли оиласи, қариндош уруғи билан ўзига илгаридан маълум бўлган ҳамда худудий жиҳатдан яқинроқ Фарона водийсига кўчиб кела бошлияди. Қўйон хони фармонига кўра уларга ер ажратилиб, уй-жой куришига рухсат берилади. Хусусан, Шаҳриҳон атрофидаги Дўлан қишлоғи ҳам уйғурларнинг ана шу оммавий миграцияси натижасида пайдо бўлган. Қишлоқ аҳолиси ўзини “дўлан” деб атайди. Хўш, дўланлар ким? Уларнинг келиб чиқиши ҳақида нималар маълум?

“Дўлан” номи ҳам, дўланликларнинг ўзи ҳам Шарқий Туркистон билан бевосита боғлиқ. Шинжон (Шарқий Туркистон, Кошгария, Уйгуристон) уйғурларнинг ватани ҳисобланади. Бу худуд ахолиси ўз тарихида “уйғур” этненимiga тенглаштирилган жой номлари билан ҳам аталган. XVI аср ўрталарида Тангритоғ шимолидаги чорвадор уйғурлар ёппасига ўтроқлашиб, ўзини жойлашган худуди номи билан атай бошлаган. Масалан,

Кошгарда яшаган ахоли – кошгарлик, Ыркентда яшаганлар – ёркентлик, Хұтанды яшовчилар – хұтанлық ва қоказо (*Народы мира (историко-этнографический справочник). Москва. Стр. 471.*). Шунингдек, ўлқанинг шимолий қисмидаги ахоли “үйғур”, жанубадағилар эса “кошгарлик” деб аталған учрайди. Үйғурлар таркибида субэтнос-лардан бири “дўлан”лар бўлиб, ўзига хос этномаданият яратган мазкур ахоли бизнинг юртимизда ҳам яшайди.

Аввало, “дўлан” атамаси хусусида тұхталиш ўринли бўлади. Баъзи манбаларда қайд этилишича, дўланлар шимолдан жанубга кўчиб бориб, чингизийлар даврида ўтроклашган мўгулларнинг маҳаллий ахоли билан аралашган қисми авлодлариdir.

Үйғур урурглари номларидан бири ҳисобланган “дўлан” мўгулча ибора бўлиб, “етти ургу”, яни “долоо” мўгулча “етти” маъносини англатади. Демак, дўланларни етти ургу бирлашувидан келиб чиқкан ахоли, этнографик гуруҳ деб хulosса қилиш мумкин. Чорвачилик уларнинг асосий машгулоти бўлган. Уларнинг авлодлари Шарқий Туркистоннинг Оқсу, Кошгар, Ыркент атрофларида яшаган. Гулжа, Кўбуксар, Кошгар, Янгишаар, Авот шаҳарлари атрофида “Дўлан” номи билан аталувчи қишлоқлар бор.

Кўқон хони Умархон (1809-22) фармони билан 1814-15 йиллар оралиғида Шаҳрихон бунёд этилади. Янги кентнинг Кўқон, Марғилон, Андижон каби шаҳарлар билан рақобатлаша оладиган марказга айланиши учун кўплаб ҳунарманду савдогарлар кўчириб келинади. Умархон фармони билан бу ерда савдо қилаётган хитой, ҳинд, турк ва рус савдогарлари бождан озод қилинган (*Насретдинов Қ. Шаҳрихоннинг бунёд этилиш тарихидан // Мозийдан садо. 4-сон, 2005. 36-бет*). Ўзаро савдо-мадданий муносабатлар мустаҳкам бўлган бир пайтда Кошгар ўлкасидан доимий савдо ишлари билан үйғур савдогарлари келиб турган ба бирлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, бундан бир юз эллик-икки юз йиллар аввал Кошгар вилоятя Оқти-чоршанби туманидан бир неча дўланлик оила деҳқончилик қилиш учун ер излаб Фарғона водийсига келади. Улар Шаҳрихон туманининг шимолидаги Оқработ тепалиги атрофидаги бўш ерларни ўзлаштириб, янги ариқлар очиб ўрнашади. Қишлоқ кексаларининг таъкидлашича, бу ерларга биринчи бўлиб Кошгардан кўчиб келган одамнинг исми Дўлан бўлгани учун қишлоқ шундай аталган. Ҳозир Дўлан қишлоғида еттита – Тумор, Мамаю-суфчек, Кўштепа, Гулқишлоқ, Бешмаҳалла, Шайтонқишлоқ, Ёмонсарой номли маҳалла бор. Илк кўчиб келганлар қишлоқни обод қилиш мақсадида

Оқшоқ аригини қазиган. Бу ерларга Кошгардан яна ўнлаб дўланлик оила кўчиб келган.

Дўлан қишлоғи ахолиси миллий анъана, маросим, удумлари билан бошқалардан ажрапид туради. Бу ўзига хосликни фарзанд түғилиши, никоҳ ва таъзия-мотам маросимларидағи этник анъ-аналарнинг ранг-бараган, қизиқарлилигига кўриш мумкин. Масалан, дўланликлар түғилган чақалоқ уч кунлик бўлганда “Беш оқшом” ташкил қилиб, барча қариндошларига зиёфт беради. Чақалоқ қирқ кунлик бўлганда ширин сувда чўмилтиришади. Гўдак биринчи қадамини қўйганда эса маҳалланинг ёш болалари иштироқида “чивик-чивик” қилинган. Уларга ўхшаб униб-ўссин дея дуолар қилинган.

Дўланликлар никоҳ тўй ва у билан боғлиқ маросимларда ҳам азалий одатларга риоя этишади. Тўйдаги “Дўлан машрапи”ни эслатувчи кечак (асосан ёшлар иштироқида шеър айтиш) дўланликлар анъаналари авлоддан авлодга ўтиб келаётганини кўрсатади. Машрапхонлик – үйғурларнинг қадимий, оммалашган кўнгилочар кечасидир. Унинг ўзига хос тартиб-удум ҳамда талаблари бўлиб, билимдонлик, топқирлик, ҳозиржавобликка асосланади. Унда миллий психология, нағма усуллари, тарбиявий аҳамиятга эга турли хил қизиқ ўйинлар яққол кўринади. Мазкур маросим кеч кузда бошланиб, баҳорга қадар давом этади, деҳқончилик ишлари тинган вақтларда кўпроқ ўтказилади. Унда маълум қишлоқ ёки маҳаллада яшовчи эркаклар иштирок этади. Маросим қадимда “Ўттиз ўғил” деб аталган. Ҳар бир ҳудуднинг машрап кечалари турлича. Масалан: “дўлан машрапи”, “турпон-кумул машрапи”, “қиёт машрап”, “майса машрап”, “тўй (майлис) машрап”. Баъзи машрапларда нағма-наво, ашула-рақс асос қилинса, бошқаларида латифа, ҳазил ашула, рақсларга ургу берилади. “Дўлан машрапи” комедия жанрига асосланган бўлиб, завқли томоша-ўйинлар кўрсатилади. Машрап ўйинларида мақол ба матал айтиш ҳам учрайди. Бунда мақолнинг мазмуни, гоясига мос хонда сўз ўйини давом этади.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир этнографик гуруҳ, уларнинг маданияти инсоният бойлиги ҳисобланади. Зеро, биз билан бирга яшаб келаётган дўланликларнинг кийим-боши, таомлари, хўжалиги ва турмуш тарзида, ҳатто тураржойларининг тузилишида азалий чорвардор-дехқонларга хос руҳият сезилади. Умуман, субэтнослар этномаданиятини тадқиқ этиш бугуннинг долзарб масалаларидандир.

Гулнораҳон ВАЛИХОНОВА,
Андижон Қишлоқ хўжалик институту
мустанақил тадқиқотчуси

Xazon etilgan umrlar

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг шўро даврида қатағон қилинган кўплаб юртдошлиримиз тақдирига оид янги маълумотлар юзага чиқди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “совет давридаги оммавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик курбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган ажоддларимизнинг хурмати ва хотирасини жойига кўйиш, уларни эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, қолдирган меросини излаш ва ўрганиш” истиқлол туфайли замон талаблари дараҳасида йўлга кўйилди.

Ўтмиш тузум замонида қулоқ ва сургун қилинганларнинг машъум тарихи ҳали кенг ўрганилмаган мавзулардандир. Ўша кезларда ахоли меҳнатидан текин фойдаланишига зўр берилган. Ўзбекистон шароитида қулоқ ва сургун қилинганлар асосан пахтачилик соҳасида меҳнат қилган. Сургундагиларнинг ишини ташкил қилиш Ички ишлар халқ комиссарлигининг доимий назоратида бўлган. СССР Халқ Комиссарлар Совети, ВКП(б) Марказий қўмитаси ва ВСПСнинг 1938 йил 28 деқабрдаги “Меҳнат интизомини тартиба солиш ва ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида” ги қарорида белгиланган тадбирлар барча меҳнат посёлкаларида жорий қилинган, меҳнат интизомини бузганларни ишдан бўшатиш ва яшаб турган уйидан ҳайдаб чиқариш кўзда тутилган эди (*Трагедия среднеазиатского кишлака. Том II. Тошкент, “Шарқ”, 2006. Стр. 250*). Меҳнат кўчкиндиси меҳнат интизомини иккинчи марта бузгудай бўлса, Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан меҳнат тузатиш колониялари ёки кам маош тўланадиган ишларга жўнатилган. Ушбу қарорга мувофиқ, меҳнат посёлкаларидағи кўчкиндилар ўзи яшаб турган жойдаги комендатура тартиб-қоидаларига сўзсиз итоат қилиши лозим эди.

Меҳнат кўчкиндиларининг ишлаб чиқариш фаолиятига доир кўрсаткичлар йилдан-йилга ўзгариб борган. СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат посёлкалари бўлими катта назоратчиси Карелиннинг 1939 йил 16 апрелда йўллаган маълумотномасига кўра, ўша йили Ўзбекистондаги 12 меҳнат посёлкасида 13775 нафар меҳнат кўчкиндиси бўлган, улардан 11993 нафари пахтачилик совхозларида, 620 нафари боғдорчилик, виночилик тизимида, 811 нафари қишлоқ хўжалик артелларида, 116 нафари сабзавот хўжаликларида меҳнат қилган. Қолган 235 киши турли хўжалик ташкилотларида иш билан машғул бўлган (*Шам-*

сутдинов Р. Қишлоқ фожиаси. Тошкент, “Шарқ”, 2003. 479-бет).

СССР Олий Совети Президиумининг 1940 йил 26 июляда 7 кунлик иш ҳафтаси ва 8 соатлик иш кунига ўтиш тўғрисидаги фармони чиққач, ахвол баттар ёмонлашган. Фармонга кўра, ишчи ва хизматчиларнинг ўзбошимчалик билан корхона ва муассасалардан кетиб қолиши ман этилди. Шу боис посёлкалarda меҳнат интизоми янада кучли назорат қилина бошлади.

1941 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда 12078 киши меҳнат сургунида бўлиб, улардан 2345 нафари Даъварзин, 1883 нафари Боёвут, 1410 нафари Ҳазорбог, 1115 нафари Норин ва бошқа худудлардаги посёлкаларда меҳнат қилган.

Хар бир хўжалиқда меҳнат кўчкиндиларининг қатъий ҳисоби юритилган. Оғир шароитга чидай олмай сургундан қочганларни излаб топишни енгиллашириш мақсадида комендантуралар бўйича ҳисобда турган барча меҳнат кўчкиндиларининг фото суратлари олинган.

Уруш даврида меҳнат посёлкаларида тартиб-интизом янада кучайтирилган. Махсус панжара-тўсиқлар ўрнатилиб, қочишга мойиллиги бўлган шахслар ўртасида оператив-профилактик тадбирлар ўтказилган. Натижада 1942 йилнинг биринчи ярмида меҳнат кўчкиндиларининг қочиши ҳоллари анча камайган, ушлаб келинганлар сони эса кўпайган. 1941 йилнинг биринчи ярмида қочиб кетган 85 нафар меҳнат кўчкиндисининг 35 нафари ушлаб қолинган, иккинчи ярмида эса қочоқлар 61, ушлаб келинганлар 22 кишини ташкил этган. Аксар қочоқлар темир ва автомобиль йўлларида комендантурлар ташкил этган тунги пиистирмалар ёрдамида ушлаб қолинган. Кўлга олинганлар жинонӣ жавобгарликка тортилган. Масалан, 1942 йилнинг иккинчи чорагида 6 киши қамоқقا олинган.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ГУЛАГ маҳсус посёлкалар бўлими бошлиги, подполковник Жиловнинг 1943 йил апрелда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари ёрдамчиси полковник Моорга йўллаган 2540-сонли хатида республикадаги маҳсус посёлкаларда ишлар яхши йўлга кўйилгани, айниқса, қочоқларга қарши агентура кўнгилдагидек фаолият юритаётгани, бунинг натижасида қочоқлар сони камайгани қайд этилган. Шу билан бирга, 393 меҳнат кўчкиндиси ишлаб чиқариш нормасини бажара олмагани, хўжалик ташкилотлари мавжуд ишчи кучидан тўлиқ фойдаланмагани таъкидланган. Интизомни

бузаётгандарни белгиланган тартибда қаттиқ жа-
вобгарликка тортиш зарурлиги уқтирилган. Ички
ишлар халқ комиссарлигининг 1940 йил 14 июн-
даги кўрсатмасига биноан маҳсус кўчкундилар-
га алоқа хизмати, темир йўл ва сув транспорти,
курол-аслача ишлаб чиқариш корхоналарида
ишлаш ман этилган. Аслида, мажбурий меҳнат-
нинг самараси фоят кам бўлган. Масалан, пахта-
чиликда ҳосилдорлик 30-йиллар бошида "Дал-

варзин" совхозида 9, "Қовунчи" совхозида 7,2,
"Савай" совхозида 3,5 центнерни ташкил қилган,
холос. Лекин совет ҳукумати халқни қатағон қи-
лиш ва зулм исканжасида ушлаб туришдан то
йўқлик қаърига кетгунича воз кечмади.

Нойибжон ХУДОЁРОВ,
Андикон давлат университети
камта ўқитувчиси

Kitobat san'atining oltin asri

XIV–XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатнинг юзага келиши маданий ҳаётнинг жонланишига, жумладан, китобат санъати ривожига туртки бўлди. Хусусан, XIV аср охирларида Амир Темур салтанатида китобат санъати гуллаб яшнади. Ўша даврда Самарқандда ҳунарманд усталар жамоаси яшайдиган маҳаллалар, Кўйи наққашон каби кўчалар бўлган. Амир Темур кутубхонасининг кўп сонли мусаввирларига бағдодлик машҳур уста Абдулҳай бошчилик қилган. XIV аср мусаввирларининг таржимиҳ ҳолини баён этган Дўст Муҳаммад "Хожа Абдулҳай вафотидан кейин ҳамма усталар унинг ишларига тақлид этарди", деб ёзади (Дуст Муҳаммад. Трактат о каллиграфах и художниках / Мастера искусства об искусстве. Т. I. Москва, 1965. Стр. 174).

Тарихчи Қози Аҳмад Қумий "Гулистони ҳунар" асарида ёзишича, Соҳибқирон моҳир хаттотларнинг бошини силаган. Машҳур хаттот Умар Ўқта Қуръони каримни майда хатда битиб, Амир Темурга ҳадя қилади, аммо Соҳибқирон унга "Сен Оллоҳ таолонинг сўзларини бундай майда ҳарфлар билан битишига қандай журъят этдинг?!" деб танбех беради. Шундан сўнг хаттот Қуръони каримнинг бошқа нусхасини тайёрлаган, ундаги ҳар бир ҳарфнинг катталиги ярим газга (1 газ – 0,71 метр) тенг бўлган. Мусҳаф тайёр бўлгач, хаттот уни катта аравага ортиб Амир Темур ҳузурига олиб боради. Соҳибқирон аъёнлари билан пешвуз чиқиб кутиб олади ва Умар Ўқтага муносиб ҳадялар тухфа этади (Кази Аҳмад. Трактат о каллиграфах и художниках. М., Л., "Искусство", 1947. Стр. 71).

Муаррих Ибн Арабшоҳ ҳам Амир Темур са-
райидаги маданий мұхит түгрисида қимматли
маълумотларни келтиради. Унинг ёзишича, Амир
Темурнинг девони муншийси, сирлар котиби мав-
лоно Шамсиддин замона қозиси, ўз даври фозили

бўлган. Соҳибқирон вафотидан кейин у бу ишдан ўзини четга олиб, "Менинг қийматимни биладиган одам дунёдан ўтди, энди бошқалар хизматиду ўз хурматимни кетказмайман", дейди (Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. 2-китоб. Тошкент, "Мөхнат", 1992. 82-83-бетлар). Муаррих Амир Темур даврининг энг моҳир хаттотлари сифатида Ибн Бандгир, Абдулқодир, Тожуддин Салмоний кабиларни санаб ўтади. Дарвоze, ўша замоннинг атоқли хаттоти Хожа Мирали Табризий нахс ва таълиқ асосида янги настаълиқ ёзувини ихтиро этди. Бу ёзув "хатлар келинчаги" деб аталашиб, асрлар давомида кенг кўлланилди.

Амир Темурдан сўнг ягона давлатнинг парчаланиши минақадаги маданий ҳаётга ўз таъсирини ўтказмай қолмади, бироқ темурий ҳукмдор ва шаҳзодаларнинг илм-фан, маданият ва санъатга ҳомийлиги кейин ҳам давом этди. Хусусан, бу даврда Шероз (Шоҳруҳ Мирзо ва унинг ўғиллари даврида), Ҳирот (Ғиёсиддин Бойсунқур, Султон Ҳусайн Бойқаро даврида) Яқин ва Ўрта Шарқнинг сиёсий, маданий маркази сифатида танилди, бу шаҳарларда темурийлар даври бадиий кўлэзмаларининг гўзал намуналари яраттилди.

Китобат санъати мактабини сақлаб қолиш мутахассисларни моддий рағбатлантириш билан бирга уларни қимматбаҳо ашёлар билан таъминлашни ҳам талаб этарди. Дастилабки даврларда кўл-эзмалар хаттот томонидан кўчирилган, кейинроқ қоғозрез, лаввоҳ, музахҳиб, мусаввир, сахҳоф каби мутахассислар ҳам иштирок этган. Бундан ташқари, зарҳалловчи, локловчи-пардозчи, чармдан нағис безак кесувчи, қоғоз, лок тайёрловчи ва бошқа усталар ҳам китоб тайёрлашга ҳисса кўшган.

Бадавлат тоифа орасида тарихий-қаҳрамон-
лик, лирик, фалсафий-ахлоқий мавзулардаги
асарларга қизиқишининг ортиши натижасида баёз,

девон ва фалсафий-ахлоқий китоблар кўпайди. Нисбатан ихчам настаълиқ хатининг кенг қўлланиши натижасида китоблар ҳажми ва ўлчами кичрайиб, янги безак усууллари пайдо бўлди, хусусан, нафис миниатюралар кенг тарқалди. Шарқда исплом аҳкомидан келиб чиқиб, китобни безатиша асосан ўсимликсимон, эпиграфик нақшлардан, ҳандасавий шакллардан фойдаланилган. Амир Темур ва темурийлар даври китобат санъатида эса ҳандасавий нақшлар иккинчи дараражали саналиб, мураккаб шаклдаги мунаққаш ёзув, воқеа-банд тасвир асосий безакка айланган.

Темурий хукмдор Шоҳруҳ Мирзо ярим аср давомида Ҳиротда истиқомат қилади. Мирзо Улуғбек бошқарувидаги Самарқанддан фарқли равишида, бу ерда аниқ фанларга эмас, кўпроқ ижтимоий фанларга, санъат, адабиёт ва тарихга катта эътибор қаратилади, китобат санъатининг Ҳирот услуби яратилиши йўлида илк қадамлар қўйилади. Унинг ўғли, китоб шинавандаси сифатида танилган Бойсунқур Мирзо Шарқ китобат санъати тараққиётида янги даврни бошлаб берган илмий мусассаса ва кутубхонага асос солади. Шаҳзоданинг ўзи моҳир хаттот ва мусаввир бўлган, турк, араб, форс tillларида шеърлар ҳам битган. Отасининг кўплаб-куватлаши билан Ҳиротда кутубхона ташкил этиб, салтанатнинг турли чеккаларидан келган китобат санъати усталари бошини қовуштирган. Шу боис усталарнинг аксари Бойсунқурий нисбаси билан ижод қилган. Кутубхонанинг бощ хаттоти Камолиддин Жаъфар Али Бойсунқурий Табризий вақти-вақти билан шаҳзодага усталар фаолияти бўйича ёзма аҳборот бериб турган. Улардан бирни 1427 йилда ёзилган бўлиб, айни пайтда Туркиядаги Тўпқопи саройида сакланади. Ҳужжатда кутубхонада фаолият юритган китобат санъати усталаридан йигирма бештасининг номи келтирилган.

Ўша даврда темурийлар давлати ва Хитой ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилган, натижада нафақат сиёсий, балки маданий алоқа-


лар учун имкониятлар яратилган. Ушбу дипломатик алоқаларда Ҳирот китобат санъати усталари ҳам иштирок этган. Чин давлати элчилари 1409–1419-йилларда Ҳиротга тўрт марта келиб кетади. Бу ҳол Ҳирот усталари фаолиятига таъсир этиб, улар ижодида Узоқ Шарқка хос унсурлар пайдо бўлади.

1447 йил Шоҳруҳ вафот этгач, Мирзо Улуғбек Ҳирот усталарининг бир қисмини Самарқандга олиб кетади. Бироқ 1449 йилда унинг ўлимидан сўнг устахона иши барҳам топади.

Темурийлар китобат санъати Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазири Алишер Навоий даврида равнақ топди. Ҳурросон, айниқса, Ҳирот олиму фозиллар, аҳли қалам ўчғи сифатида донг таратди. Захириддин Муҳаммад Бобур ўз хотираларида “Султон Ҳусайн Мирзо даври ажиб даврdir”, деб ёзгани бежиз эмас. Ҳиротда ўз даврининг бой кутубхоналари ташкил этилган. Масалан, мавлоно Ҳожи Муҳаммад нақшош аввал Ҳусайн Бойқаро, сўнг 1499 йилгача Алишер Навоий кутубхонасини бошқарган. Ёки Ўрта асрларнинг буюк санъаткори Камолиддин Беҳзод дастлаб Ҳусайн Бойқаро, кейинчалик Табризда шоҳ Исмоил I сарой кутубхонасини идора этган (Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. Тошкент, “Фан”, 2006. Стр. 157).

Ҳусайн Бойқаро даврида нашуъ намо топган Ҳирот китобат мактаби 1507 йилда шаҳар шайбонийлар кўлига ўтгач инқирозга учради. Усталарнинг бир қисми Яқин Шарқнинг турли ҳудудларига бощ олиб кетди. Шу тариқа темурийлар китобат санъати анъаналари қўшни давлатларга ҳам ёйилди. Амир Темур ва темурийлар даврида битилган нодир кўлёзмалар буғунги кунда дунёning кўплаб маънавият хазиналарида сақланади. Улар китобат санъатининг олтин аслидан, уста-хунарманларнинг юксак маҳоратидан нақл этади.

**Матлуба РАҲМОНҚУЛОВА,
тадқиқотчи**



SUMMARY

Interview with philosopher Shahnoza Qahharova. pp. 4-15.

Can philosophy make us happy? Some people don't believe that philosophers are happier than others. According to Mrs Qahharova, to attain happiness we should clarify what is happiness. Many people don't know what is essential for human life. We are very ambitious; we want more than what we can have. Harnessing our wishes, eliminating immoderate, excessive desires is a vital step in the way of happiness. Furthermore, in the interview, it is discussed the issues of translating philosophical works into Uzbek from foreign languages, problems of teaching philosophy in universities.

Tulqin Alimardon. Fate of Individuals is Destiny of Nation. pp. 20-26.

The article examines a history of our national intelligentsia in the last century and shows the place of intellectuals in a society. It points their three essential roles: Firstly, they are carriers of ideas. Without values, ideas and mutual interests uniting individuals into whole human society, nations cannot survive. Intellectuals play a pivotal role in carrying and communicating national values from generation to generation. But inheritance of certain values and ideas from predecessors are not sufficient for a nation to keep its existence. Secondly, they are generators of new ideas and values. Every nation ought to develop and adapt itself to changing environment. Intellectuals, by generating new ideas, provide it with a secure place among other nations. Thirdly, they are important communicators



between citizens and government. They set an agenda, turn government's attention to social problems, and inform people, etc. Prosecution and persecution of influential members of our national intelligentsia created an intellectual vacuum within our society that we are obliged to fill in.

Nabi Jaloliddin. War and Peace. pp. 27-31.

The author, who participated in the Soviet war in Afghanistan, shares his feelings he experienced in the war. War is a hunting of man, man hunts man like beast. It changes fighters' human feelings, and dampens compassion and sympathy to other human beings. Life loses its value, killing and being killed reduces to petty game. Peace and war – which one is more natural? War exposes our skillfully hidden bestial and cruel nature. But what can we say about peace? Is it imposed to humans? Why we so fond of fighting and killing? You will read Afghan war witness' answers to these questions in the article.

Bakhtiyor Nazarov. Fitrat and Bunin. pp. 64-71.

We used to study XX century Uzbek literature's role and place in the world literature through narrow and distorted prism of Marxist ideology. We tried to show the influence of Russian literature on our writers and poets. This biased approach hindered the impartial literary studies, especially, if they were about Uzbek literature. It's doubtless that Uzbek writers are not only influenced by Russian writers, but made a remarkable contribution to the world literature. The author by analyzing Uzbek writer and poet Fitrat's "In front of Timur" and Ivan Bunin's "Song about Timur" and comparing them, tries to demonstrate Fitrat's influence on Bunin.





Жамол УСМОНОВ. "Түш" түркүмидан



Хр9969


Нашр күрсаткичи: 869/870
Баҳоси кепишилган нархда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 4/2015



ISSN 2010-6491



9 772010 649005